

П.ХҮЖАЕВ, Х.ТУЛЕНОВА,  
А.НИЁЗОВ, А.ЕРЕЖЕПОВ

# ФУТБОЛ САБОҚЛАРИ

(спорт ўйинлари ва уни ўқитиш  
ўқув-методик оммабоп қўлланма)



ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 796.332(072)

КБК: 75.578

Т83

**Туленова, Холидин**

Футбол сабоқлари – (*спорт жүйелари ва уни ўқытши ўқув-методик оммабол құлланма*) / Х.Туленова. –Т.: DIZAYN-PRESS, 2012. 200 б.

УДК: 796.332(072)

КБК: 75.578

*Үшбү ўқув-методик құлланмада футболнинг ривожланиши тарихи, таълим ва тренировка формаларини ташкил этиши, жүйинчилар миқдори, түпни ҳис қила билиши, шугулланувчи үгіл ва қыз болаларнинг техник-тактик жиһатдан тайёрлаши, уларнинг психологияк тайёрғарлуги, тезкорлық, куч, чаққонлик сифатларини тарбиялаши, машқ қилиши комплекслари ва уларга ҳақамлық қилиши услубиёти берилган.*

*Мазкур ўқув-методик құлланмада спортчиларнинг тайёрғарлук ва мусобақа фаолиятлари, техник ва тактик маҳораттарини баҳолаши мезонлари ҳамда омыллари ҳақида маълумоттар көлтирилган.*

*Үқув-методик құлланма олий таълим мұассасалари тала-балари, коллежс, академик лицей ва мактаб ўқувчиларига ҳамда устоз-мураббийларига мұлжасалланған.*

*Мазкур ўқув-методик құлланма Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаша ва малакасини ошириши институты Илмий кенгашыда муҳокама қилиниб, нашрға тавсия қилинған (баённома №2, 2013 йил 22 февраль).*

**Тақрیзчилар:** Р.САЛОМОВ – педагогика фанлари доктори,  
профессор;

Ю.АРИПОВ – педагогика фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-20-106-4

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриети. 2013

## ФУТБОЛНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

"Футбол" – сўзи "фут" – "оёқ", "бол" – "тўп" яъни "оёқда тўп ўйнаш" маъносини билдиради.

Қадим замонларда одамлар шаҳар майдонларида ёки бўш ерларда тўп ўйнашни ўйлаб топдилар, бу ўйин эса ҳарбийларни рақиб лагерига кириб олиши, иштиёқига ўхшаш ҳаракатни эслатарди. Сўнгра "Партия ўйини" (икки командага бўлинниб) деган ўйин чиқди. Бунда маълум чизиқнинг орқа томонига кўп марта коптокни олиб ўтган жамоа партияда голиб деб ҳисобланган. Бундай ўйинларда айрим вақтларда бир неча юз нафаргача киши қатнашарди.

Футболнинг қайси ойда, қайси йилда туғилганлиги ёки қаердан келиб чиқсанлиги тарихдан маълум эмас. Бу камчилик фақат футбол фойдасигадир, чунки бу қадимги оёқ, копток ўйинлари, уни ер шаридаги кўпчилик халқлар орасида оммавийлашганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Жуда қадим вақтлардан бери халқларни қизиқтираётган саволлардан бири: "Бу ўйин ким томонидан ўйлаб топилган?" дир. Археологик қазилмаларнинг далолат беришича, қандайdir футбольчи "аждодларимиздан" бири қадимги Мисрда яшаган экан. Бу ердан олимларимиз нафақат копток ўйновчининг тасвирини, балки коптокнинг статуэткасини ҳам топдилар.

Тарихчиларнинг исботлашига кўра, футбол ўйини қадим замонларда пайдо бўлган. Бу ўйиннинг аломатларини дунёдаги жуда кўп халқларда учратиш мумкин. Масалан, Қадимги Юнонистонда коптокни ўйнашни билган киши катта шуҳрат қозонарди, чунки бу ўйин гимнастиканинг жисмоний машқлари доирасига киритилганди.

Копток ўйини ҳақидаги биринчи ёзма рисолаларда ҳозирги замон футболига озгина бўлса ҳам ўхшаш тўп ўйини эрамиздан<sup>\*</sup> аввалги 180 йилда тилга олинади. Поллукоснинг юононча луғатида ўйновчилар икки партия (жамоа)га бўлинганлиги ёзилган. Ҳар қайси жамоада тўпни рақиб ўйин майдон орқасига ўтказишга ҳаракат қилинган.

Характер жиҳатдан бу ўйин кўпроқ ҳозирги регби ўйинига ўхшаб кетади. Лекин бу ўйинда қўл билан ўйнаш тақиқланган эди. Қадимги тўп ўйинларининг қайси биридан ҳозирги футбол келиб чиққанлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Чунки, қадимги Юнонистонда коптот билан ўйналадиган бошқа ўйинлар ҳам бўлган. Шунинг учун антик коптот ўйинларининг айнан қайси бири ҳозирги замон футболига қонуний равишда асос солувчи эканлиги аниқ белгиланмаган ёки айтилмаган, бугун уни ўз-ўзидан тасаввур қилиб бўлмайди. Барibir кўпчилик футбол мутахассисларининг аксарияти, футбол "Гаркастум" деган қадимги Рим ўйинидан келиб чиққан бўлиб Британия, Италия ва фарбий Европанинг бошқа мамләкатларига Юрий Цезарь ёки Рим легионерлари олиб келгаётар, деб тахмин қилишди.

Тибиийки, узоқ ўтмишда, ҳозирги замон футболига ўхшаш бўлган ўйинларни ўйнаган Хитой бирдан-бир давлат бўлган эмас. Масалан, ўн тўртинчи аср давомида кетма-кет "Комер" ўйини оммалашиб борган. Японларнинг бу севимли ўйинини ўтказиш учун 14 кв<sup>2</sup> катталиқдаги майдонда 8 ўйинчи жойлашиб турадилар. Майдончани шимолий-фарбий бурчагида тоғ терак, жанубий-шарқий бурчагида тол, шимолий-шарқий бурчагида олча, жанубий-фарбий бурчагида заранг дараҳтлари қўйилган бўлади. Ўйиннинг асосий мазмуни шундан иборатки, ўрнатилган удум-анъянага риоя қилган ҳолда, коптотни бир-бираига ошириш лозим.

Машҳур француз футболчиси Морис Пефферкорнинг таъкидлашича, "Ла-суль" ўйинини тўғридан-тўғри ҳозирги замон футболининг аждоди деб қўрқмасдан айтиш мумкин дейди. Чунки бу ўйинда иккита жамоа ҳаво билан тўлдирилган чарм коптоқда ўйнашарди. Бу ўйин ўрта асрдаёқ Пефферкор мамлакатида оммабоп бўлган эди.

Италия спорт тарихчиларининг тасдиқлашига кўра, ҳозирги футбол XVI асрда Франциядаги "Ла-суль" ўйинидан эмас, балки "Кальчие" ўйинидан келиб чиққан.

Италияда русум бўлган бу "Кальчие" ўйини 100x50 м ли майдонда коптоқда ўйналган.

Ушбу "Кальчие" ўйини ҳозирги вақтгача сақланиб қолган анъаналарга кўра Флоренция майдонида йилига икки маротаба май ойининг биринчи якшансасида ва 24 июнда ўтказилади. Жамоаларнинг бири "Въящ" (оклар), бошқаси "Росси" (қизиллар) деб аталарди. Уларнинг ҳар бирида 27 нафардан ўйинчи ўйнайди, шулардан 15 нафари ҳужумчилар, 12 нафари эса ҳимоя вазифасини бажарадилар. Улар бутун майдон кенглигида ёйилиб, дарвозани ҳимоя қиласидилар.

Кўриб турибсизки, ҳозирги замон футболининг ўтмишдошлари кам эмас экан. Шунингдек, ўтмишдош на Европада, на Осиёда, балки эрамиздан аввалги 1300 йилда Мексикада пайдо бўлди. Бу ерда "Пок-та-пок" номи билан дунёга келди. "Пок-та-пок" ўйини ўйинчилар учун жиддий синовдан ўтиш эканлигини тасаввур қилмайдилар ва улардан дадилликни ҳамда яхши жисмоний тайёргарликни талаб қиласидилар. Бу ўйин қатнашчилари тез-тез шикастланиб турардилар, гоҳида ўйин фожия билан тугарди, чунки "Пок-та-пок"да каучукдан қилинган оғир копток ўйналарди. Археологик топилмалар гувоҳлик беришича, ўйин қалтис бўлишига қарамай, ерли халқ ўртасида жуда оммабоп бўлган. "Пок-та-пок" ўйини Мексикадан аста-секин барча Марказий Америка бўйлаб тарқалиб, XVI асрнгача давом этди, кейинчалик Испания мустамлакачилиги даврида тақиқлаб қўйилди.

Ушбу ўйиннинг мақсади, коптокни девордаги диаметри 20 см дан каттароқ доирага йўналтириш эди. Буни фақаттина оёқда бажариш мумкин эди, холос.

Эҳтимол мексикаликлар ўзларини футболга асос солувчилар деб ҳисоблашлари мумкин: айнан шу ерда биринчи марта футбол ибораси қўлланилган. Бу ўйинни расмий равишда тан олинганини эмас, балки унинг тақиқланганини билдиради.

1349 йили қирол Эдуард III ўзининг маҳсус фармонида

Лондон амалдорлари диққат-эътиборига қарата шундай дейди: камондан ўқ отиш ёшлар учун фойдали бўлса ҳам футболга ўхшаш ҳар хил бефойда ва "қонунсиз ёки қонунга хилоф бўлган" ўйинларни кўпайтириш ҳисобига уни иккинчи ўринга суриб қўйдилар. Шундай қилиб, биринчи деб аталган футбол, расмий равища биринчи бўлиб, хуш келмай қолди. Буни амалга ошириши шарт эди, лекин шерифлар қиролнинг фармонини бажаришга авваламбор ҳаракат қилмадилар. Роппа-роса 40 йилдан кейин Ричард II янги фармон қабул қилиб, қиролликларда футбол ўйнашни расман ман этди.

Худди шунга ўхшаш қонун 1401 йилда Генрих IV томонидан қабул қилинди. Лекин унинг ёшлар севиб қолган ўйинни тақиқлашга қилган уриниши зое кетди. Ана шундай уринишларга қарамасдан копток ўйини барибир ўзига йўл очди. Ниҳоят XIX аср, айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ўйин ривожланишининг янги босқичи бошланди. Айниқса, шу даврдан бошлаб спорт усули кўпроқ жисмоний тарбия мақсадида тан олди, спорт ва спорт ўйинлари эса жисмоний ривожлантиришнинг самарали воситаси бўлиб қолди.

Копток ўйини биринчи навбатда Англия коллежи ва университетларида тарқалди ва XIX аср иккинчи ярмида такомиллаштирилди, унинг мазмуни аниқ икки йўналишда белгиланди.

Кембридж коллежи 1863 йили футбол уюшмасини ташкил қилди ва думалоқ копток билан оёқда ўйнаш ўйини деб аташга қарор қабул қилинди. Регби шаҳар университети, шахсан иккинчи йўналиш тарафдорлари эса овал шаклидаги коптокни ҳам қўл, ҳам оёқ билан ўйнашга қарор қилдилар. Ундан илгари копток ўйнашни бир хил қоидаларини ўрнатишга ва ишлаб чиқишига ҳаракат қилган эдилар. Бироқ бу дунё кўзини кўрмасдан йўқолди. Мана шунга қарамасдан бу қоида кўпчилик инглиз колледжларида "Кембридж қоидаси" сифатида маълум эди. Бизга етиб келган биргина қоида 1863 йили декабрь ойида нашр қилинган. Албаттa, уни ҳозирги замон қоидалари билан

солишириб күрилганда катта фарқ бор эди. Барыбир ушбу қоидалар құлланилиб келинди ва аста-секинлик билан замонавий күринишга келди.

1866 йили "үйиндан чиқиш" қоидалари енгиллаشتырилди. Энди рақиб чизиги билан ўзи ўртасида қарши томон үйинчиларидан уч киши бор бўлсада, бу үйинчи "үйиндан чиқсан" ҳисобланмайди. Яна шу йили дарвоза устунларини горизонтал арқон тортиб бирлаштиришга қарор қилиниб, арқоннинг ердан баландлиги 5,5 м қилиб белгиланди. 1871 йилдагина дарвозабонга қўлда үйнаш рухсат этилди. Тўп ҳимоядаги үйинчига сирт чизикдан майдон ташқарисига чиқиб кетганда бурчақдан тўп тепиш қоидаси 1873 йилда киритилди.

1875 йили устунларни бирлаштириб турган арқон ердан 2,44 м баландликда тортиладиган бўлди. Ўша йили дарвозага тўп киритилгандан кейин томонларда үйинчилар алмаштирилиш қоидаси ўрнига, танаффусдан қайтгандан кейин алмашиниш қоидаси жорий қилинди.

1882 йили тўртта мустақил футбол иттифоқи – Англия, Шотландия, Уэльс ва Ирландия футбол иттифоқлари бирлашдилар. Ягона қоидалар қабул қилинди ва унга бирон-бир ўзгариш киритиш ҳуқуқига эга бўлган Халқаро кенгаш тузилди.

Футбол майдонида үйин биринчи марта 1880 – 1881 йилларда ҳакам томонидан бошқариладиган бўлди. Үйинни белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиш, урилган голлар нечта бўлганлигини аниқлаш ва бошқалар, ҳатто ўша вақтлардаёқ ҳакам вазифаси эди. 1891 йилдан ҳакам майдонга иккита ёрдамчиси билан чиқадиган бўлди.

1871 йилда Англияда мамлакат кубоги учун үйин таъсис этилди. Инглиз футбол клублари ҳозирги вақтда ҳам ўша кубок учун курашиб келмоқдалар.

Халқаро миқёсдаги дастлабки футбол үйини 1873 йили Англия билан Шотландия футбол жамоалари ўртасида бўлган эди. Жамоалардаги үйинчилар сони 11 кишидан кўп бўлмасада уларнинг жой-жойига қўйилиши ҳозирги вақтдагидан бошқачароқ ташкил этилган. Англия жамоасида

етти ўйинчи ҳужумда, бештаси ярим ҳимояда ўйнар ва икки ҳимоячи ҳамда дарвозабондан иборат эди. Кейинги иили инглиз футбол жамоалари ҳам ўйинчиларни шотландчасига жойлаштиришга ўтади, чунки ана шундай жойлаштириш ўзини оқлаган бўлса керак.

Қоидага киритилган ўзгариш ва такомиллашувлар сўзсиз ўйин техникаси ва тактикасига таъсир қилмай қолмайди.

XIX асрнинг 80-йиларида миңтақавий ўйинга айланиб, Европа қитъаси мамлакатларига ҳам тарқалди. Футбол 1875 йилда Голландияда, сал кейинроқ, Данияда ўйнала бошланди. Дания кўп ўтмай қитъада футбол бўйича ётакчи ўринга чиқиб, биринчи жаҳон урушига қадар шу мавқеини сақлаб қолди. Футбол 1882 йилда Швейцарияда, 1890 йилда Чехияда, 1894 йилда Австралияда ҳам ўйнала бошланди.

1904 иили Халқаро Футбол Федерацияси (ФИФА) тузилди. 1954 йилдан эса Европа футбол иттифоқи (УЕФА) ҳам вужудга келди. 1930 йилдан бошлаб ҳар тўрт йилда жаҳон чемпионати, 1958 йилдан бери Европа чемпионати ўтказилиб, уларда миллий терма жамоалар қатнашиб келмоқда. 1900 йилдан бошлаб футбол спортнинг Олимпия турлари қаторига кирди, бироқ 1908 йилдагина у расман Олимпия ўйинлари дастурига киритилди. УЕФА раҳбарлигида қўйидаги кубок ўйинлари ўтказилиб турилади. Европа чемпионатлари кубоги (1956 йилдан бери), Кубок эгалари кубоги (1961 йилдан бери) ва Ярмаркалар кубоги (1958 йилдан бери) – булар эндилиқда УЕФА кубоги деб аталади.

1948 йилдан бошлаб ўсмиirlар жамоалари иштирокида УЕФА турнири ўтказилиб келинмоқда. Бундан ташқари, 1977 йилдан бошлаб ҳар иили ФИФА раҳбарлигида ўсмиirlар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади.

1906 йилни Марказий Осиёда футбол вужудга келган деб ҳисоблаш мумкин. 1912 иили Қўқон шаҳрида илк бор тузилган футбол жамоаси ўйинчилари фақат маҳаллий ўйинчилардан иборат эди.

1913 йилдан бошлаб Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида футбол кенг тарқала бошлади.

1922 йил 17 ноябрда Қўқон, Андижон ва Жалолобод жамоалари ўртасида футбол учрашувлари ўтказилди. Ўша учрашувларда Қўқон ва Андижон жамоалари, айниқса кучли бўлганлиги ҳақида кўп гапирилган.

1921 йилда Тошкентда "Олимп" бирлашган спорт жамияти ташкил этилди. У ўша даврда Туркистондаги энг йирик спорт ташкилотларидан бири эди. Мазкур жамиятнинг футбол жамоаси кўп йиллар давомида Марказий Осиёдаги энг кучли командалардан бири бўлиб ҳисобланиб келди.

1921 йилда II Марказий Осиё Олимпиадаси ўтказилди. Бу Олимпиада дастурига бошқа спорт турлари билан бирга футбол ҳам киритилганди. Олимпиадада Тошкентнинг футбол жамоасигина барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказди.

1924 йилда Туркистон футбол жамоаси биринчи марта РСФСР биринчилигида қатнашиб, юксак натижа кўрсатди.

1928 йили Қўқон мусулмонлар жамоаси Тошкент ва республиканизнинг бошқа командалари ўртасида футбол бўйича ўтказилган шаҳарлараро матчларида қатнашди.

1926 йили Ўзбекистонга Санкт-Петербург шаҳридаги Пролетар заводи футбол командаси келди. Бу жамоа Тошкент футболчилари билан икки марта учрашди. Иккала учрашувда ҳам тошкентликлар (3:0; 5:2) голиб чиқдилар.

1927 йили июль ойида Ўзбекистонда биринчи спартакиада ўтказилди. Бунда футбол командалари жуда чиройли ўйинлар кўрсатдилар. Биринчи ўринни Тошкент футболчилари, иккинчи ўринни фаргоналиклар эгаллади. Ўзбек футболчиларидан тузилган жамоалар ўртасида эса фаргоналиклар биринчи, тошкентликлар иккинчи бўлди.

1912 йилда Қўқон шаҳрида «Мускоманда» футбол жамоасини Камол ва Ҳусан Муҳиддиновлар, Охунжон Бойматов ҳамда Ҳосилжон Алимов каби фидойи кишилар ташкил этган эдилар. Кейинчалик тошкентлик Владимир Довженко устозлиқ қилган, 1930 йилларда жамоанинг шуҳрати Туркистон ўлкаси бўйлаб кенг тарқалди.

Жамоанинг биринчи ўйинини эслаб Жўра ака Саидов қўйидагиларни таъкидладилар.

— Ушбу воқеадан сўнг анча вақт ўтган бўлса ҳам у ҳамон ёдимда. Биринчи бўлиб Хўжанд шаҳри футболчилари билан учрашдик, ўша тарихий ўйинда омад тоҷик дўстларимизга кулиб боқди. Биз жисмоний жиҳатдан қанчалик орқада эканлигимиз маълум бўлиб қолди, техник билимимиз ҳам етарли эмасди.

Орадан бир оз вақт ўтгач Тошкентдаги Владимир Долженко исмли тренер бизга устозлик қила бошлади, аста-секин техник ва жисмоний қолоқликка барҳам берилди, тўп билан машқ қилиш ҳам энди бизда санъат даражасига кўтарилди.

— "Мускоманда" 1934 йилда Марказий Осиё ва Қозоғистон республикалари спартакиадасида голиб бўлганди.

— Ҳа, ўша пайтда у энг тажрибали жамоалардан бири эди. Унинг Мамажон Аҳмедов, Ҳмаршо Ниёзов, Абдуқодир Муҳиддинов, Рўзи, Муллажон Фофуров, Зокир (афсуски уларнинг исми-шарифлари ёдимдан кўтарилди) каби истеъододи ўзбек футболчилари бор эдики, улар муҳлислар эътиборини қозонишиди.

1934 йилда Тошкентда Марказий Осиё ва Қозоғистон республикалари спартакиадаси бўлиб ўтди. Ҳали ҳам ёдимда. Акмал Икромов номидаги (кейинчалик "Спартак" деб юритилади) ўйингоҳда мусобқалар очилиши маросимида барча жамоалар саф тортишиди. Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон жамоалари бор-йўғи икки-уч нафардан маҳаллий миллат вакиллари бўлса, "Мускоманда" юз фоиз ўзбек йигитларидан ташкил топганди. Буни кўриб томошибинлар бизни гулдурос қарсаклар билан қарши оладилар.

Ўша спартакиадада Ўзбекистон футбол бўйича икки жамоа билан иштирок этди. Бири "Мускоманда", иккинчиси республика терма жамоаси, "Мускоманда"нинг етакли футболчиларидан Ҳусан ва Қодирлар терма жамоа сафидан жой олишиди.

Бириңчи учрашувни туркманистонликлар билан ўтказиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозондик. Ўйин тутаб майдондан чиқиб кетаётганимизда бир киши югуриб келиб, бизни қизгин табриклади ва "Жамоа сардори ким?" деб сұради. Дүстларим мени күрсатиши. У эса "Сизни Йўлдош Охунбобоев йўқлаяптилар" деб ортидан бошлаб кетди. Аввалига бир оз довдирағ қолдим. Ахир Ўзбекистон оқсоқоли билан учрашишнинг ўзи бўладими? Йўлдош ота ўринларидан туриб мени қучоқлаб шундай дедилар: "Баракалла ўғилларим, отангизга раҳмат, азамат экансизлар" дедилар. Сўнг ёрдамчиларини чақириб, "Жамоа аъзоларининг барча илтимослари бажарилсин" дея кўрсатма бердилар. Оқсоқолнинг ёрдамчиси мендан жамоага нималар зарурлиги ҳақида сўради. Мен эса шошиб қолиб, футболчиларимиз учун кўйлак, гетри ва оёқ кийимлари зарурлигини айта олдим холос.

Эртасига эрталаб эшик олдига "Форд" машинаси келиб тўхтади. Уч киши футболчилар ҳузурига ташриф буюрганди. Улар "Мускоманда" аъзоларига қизил матодан тикилган кўйлаклар, оқ матодан бичилган калта иштонлар, бежирим ишланган гетрилар ва хорижда тайёрланган оёқ кийимлари келтириши. Бундан руҳланган "Мускоманда" спартакиадасининг кейинги ўйинида Тожикистон терма жамоасини 1:0, қозогистонликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Қирғиз футболчилари эса "Мускоманда" билан майдонга тушмасликни афзал кўрдилар. Мусулмонлар жамоаси шу тариқа Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари спартакиадасининг ғолиби бўлди. Ҳусан Мухиддинов, дарвозабон Киёгаров ва мени турнирнинг энг яхши футболчилари деб тан олиши.

1928 йилда Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ спартакиадасида Ўзбекистон 8:4 ҳисобида ғалаба қозонди. ЗСФРС командаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Футбол чемпионатида 23 жамоа, РСФСРнинг терма жамоаларидан 12 команда, иттифоқдош республикалардан 5 команда (УССР, БССР, ЗСФСР, ТУРКССР) ва чет эл

спорт делегациялар (Англия, Финландия, Уругвай, Швейцария, Австрия ҳамда Германия)нинг б командаси қатнашди, Ўзбекистон командаси еттинчи ўринни эгаллади.

1928 йилда ўзбек футболчилари бир қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар. Масалан, Тошкентнинг КОР жамоаси Москва чемпионини 3:1 ҳисобида мағлуб этади.

1929 йилда Закавказия республикаси билан Ўзбекистон ўртасида футболдан дўстлик учрашуви ўтказилди. Матч 3:1 ҳисобида Ўзбекистон футболчилари ғалабаси билан тутади.

1931 йил 4 октябрда Ўзбекистон спортчилари Тошкентга келган чет эллик Норвегия сопртчилари билан биринчи марта учрашдилар. Норвегия футболчилари Ўзбекистон футбол командалари билан уч учрашув ўтказдилар. Биринчи учрашувда Тошкент терма командаси 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Касаба уюшманинг футбол вакиллари билан ўтказилган иккинчи учрашувда эса норвегиялик спортчилар 5:2 ҳисоби билан ютиб чиқдилар. Ўзбекистон терма жамоаси ўйинга тушган учрашувда 2:2 дуранг натижаси қайд этилди.

1932 йилда Ўзбекистон спортчилари иккинчи марта халқаро учрашувда қатнашдилар. Бу сафар Ўзбекистонга Германия футбол командаси (ишчилар терма командаси) келган эди. Меҳмонлар билан икки марта матч ўтказиди. Тошкент шаҳрининг терма командаси билан бўлган биринчи учрашувда ўзбекистонлик футболчилар 4:2 ҳисобида голиб чиқдилар. Ўзбекистон терма жамоаси билан бўлган иккинчи учрашув ҳам ўзбек футболчилари фойдасига 3:1 ҳисобида ҳал бўлди.

Оғир уруш йилларида Олмаота шаҳрида Марказий Осиё ва Қозогистон халқаро спартакиадаси ўтказиди ва унда ўзбек футболчилари биринчи ўринни эгалладилар.

1946 йилда Тошкентга Москва "Локоматив" жамоасининг "Мастер" командаси келиб Ўзбекистон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Бу учрашувда Ўзбекистон футболчилари 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ўша иили Тошкент шаҳрининг динамочилари москвалик

клубдошларини қабул қилди. Бу учрашув дуранг билан тугади. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон футбол жамоалари 1930 йилдан бошлаб фақат Марказий Осиёдагина эмас, балки собиқ Иттифоқда ҳам кучли командалардан бирига айланганди.

Айниқса, 1947 – 1949 йилларда республика футболи юксалаёттани яққол сезила бошланди. Бу даврда Ўзбекистон футболчиларининг жисмоний тайёргарлиги яхшиланиб, техник ва тактик жиҳатдан камол топаётганлиги кўзга ташланиб туради. Бироқ ундан кейинги йилларда Ўзбекистон футболчиларининг ўйин маҳорати пасая бошлади, бу эса республикамиз ёшлари ўртасида футбол яхши йўлга қўйилганлиги, ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигига кўпроқ эътибор берилажеттани натижаси эди.

Ўша йилларда ёшлардан тузилган бир қанча кучли командалар пайдо бўлди. Масалан, 1947 йилда "Пишчевик" кўнгилли спорт жамоасининг ёш командаси республика чемпиони бўлди. 1947 йилда Тошкент Округ офицерлар уйининг футбол командаси "Б" класс мастерлар командалари ўртасида Собиқ Иттифоқ биринчилиги мусобақаларига киритилди. У Марказий Осиё зонасида биринчи ўринни ишғол қилиб, зоналар ғолиблари ўртасида ўтказилган финал ўйинларида қатнашиш ҳукуқини олди.

Футбол қишлоқ жойларда ҳам кенг ёйила бошлади. Жуда кўп жамоалар тузилиб, улар ўз маҳоратини тинмай такомиллаштира бордилар. 1948 йилда Тошкент вилоятидаги "Полярная звезда" колхозининг жамоаси футбол бўйича республика чемпиони бўлди. Ўша йилнинг ўзида Ўзбекистон футболчилари Марказий Осиё ва Қозогистон республкалари спартакиадасида ғолиб чиқдилар. Тошкент офицерлар уйининг футбол командаси собиқ Иттифоқ Куролли Кучлари чемпиони деган шарафли номни олидига сағовор бўлди.

1951 йилда Ўзбекистоннинг ёш футболчилари мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб Собиқ Иттифоқ биринчилиги Марказий Осиё зонасида биринчи ўринни эгаллади.

Шундан кейинги йилларда республика биринчиликлари

мунтазам тарзда ўтказилиб турилди ва бу мусобақаларда Ўзбекистон шаҳарларининг жамоалари қатнашиб келди. 1953 йилда Тошкентдаги ёшлар спорт мактабининг футбол командаси республика чемпиони номини олди. Бу ёшлар ўртасида футбол ривожлантирилаётганидан далолат берарди. Республика биринчиликларидан ташқари ҳар йили Ўзбекистон кубоги учун ҳам мусобақалар ўтказилиб келинди. Бу мусобақаларда қатнашувчи жамоалар сони йил сайин ошиб борди. Масалан, 1954 йили Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақаларда 300 дан ортиқ жамоа қатнашди.

1955 йил мавсумида Ўзбекистон билан Афғонистон футболчилари ўртасида ҳалқаро учрашув бўлди. Бу учрашув 4:0 ҳисобида Ўзбекистон футболчиларининг ғалабаси билан якунланди. Кейинги йили Ўзбекистон "Пахтакор" жамиятининг футболчилари Эфиопия футболчилари қабул қилдилар. Фоят дўстона вазиятда ўтган бу ҳалқаро учрашув 3:0 ҳисобида "Пахтакор" командасининг ғалабаси билан тугади.

1956 йилда Ўзбекистон футболчилари собиқ Иттифоқ ҳалқлари спартакиадасида қатнашиб 12-ўринни эгаллади.

1962 йилда "Пахтакор" жамоаси собиқ Иттифоқ чемпионати "А" класида 6-ўринни эгаллаб, катта муваффақият қозонди. Лекин 1965 йилги мавсумда 10-, 1966 йил 9- ва 1967 йили 15-ўринларга тушиб қолди. 1968 йилдаги кубок ўйинларида иккинчи ўринни (Торпеда М – Пахтакор 1:0) олдилар. 1979 йил "Пахтакор" командаси авиаҳалокатга учради.

Мустақилликка эришганимиздан кейин футбол яна ривожлана борди. 1994 йил 21 майда Ўзбекистон Футбол Федерацияси ташкил топди. Федерация 14 та ҳудудий ва вилоят футбол федерацияларини, 200 дан ортиқ уста жамоаларни, футбол клублари, спорт мактаблари, иқтидорлилар ва терма жамоа тайёрлаш марказларини бирлаштиради. Ўзбекистон Футбол Федерацияси 1994 йил 7 июнь ойидан бошлаб ФИФАга яъни Ҳалқаро Футбол Федерациясига аъзо бўлди. Ҳудудий жойлашув жиҳатидан Ўзбекистон Футбол Федерацияси Осиёда жойлашганлиги

учун 1994 йил декабрь ойида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК)га аъзо бўлди. Шу йўл билан мамлакат футбол жамоалари йирик халқаро турнирларда иштирок этиш ҳукуқини қўлга киритди. Жаҳон, Осиё чемпионатлари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари мусобақаларида иштирок этиш имкони яратилди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1994 йилда Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақаларида чемпион бўлди. Бу ютуқ Ўзбекистон миллий терма жамоасининг энг катта ютуқлардан бири саналади.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказилиб келинмоқда. Унда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси 1992, 1998, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006 йилларда Ўзбекистон чемпиони, 1993, 1997, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006 йилларда Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлган. 2007 йил январь ойида Москвада ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубоги мусобақасида қатнашиб, олий ўринни эгаллаб кубок соҳиби бўлдилар. Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси 1992, 1995, 2001 йилларда Ўзбекистон чемпиони, 1994, 1996 йилларда Ўзбекистон кубоги соҳиби, Намангандонинг "Навбаҳор" жамоаси 1996 йилда Ўзбекистон чемпиони, 1992, 1995, 1998 йилларда Ўзбекистон кубогини қўлга киритган. Тошкентнинг МХСК футбол жамоаси эса 1997 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлишга эришган.

Ўзбекистон футбол жамоаларидан Фарғонанинг "Нефтчи", Қаршининг "Насаф" ҳамда Тошкентнинг "Пахтакор" футбол жамоалари Осиё футбол Конфедерацияси томонидан ўтказиладиган Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. 2002 йилда Қаршининг "Насаф" жамоаси Осиё чемпионлар кубоги мусобақасининг саралаш ўйинлари учрашувларининг 5 тасида фалаба қозониб, яrim финалда Эроннинг "Истиқол" жамоасига 2:5 ҳисобда ютуқни бой берган ҳолда 4-ўринни эгаллаган. 2003 йил "Пахтакор" жамоаси Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионлар лигаси беллашувларида Туркманистоннинг

"Нисса" жамоасини 3:0, Эроннинг "Перуза" жамоасини 1:0 ва Ироқнинг "Ал-толиба" футбол жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалда Таиланднинг "Бек-Теро Сосана" футбол жамоасига 2 ўйин натижасига кўра имкониятни бой берди. 2002 – 2003 йилларда 20 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Жаҳон чемпионатининг финал иштирокчиси бўлдилар. Миллий терма жамоамиз, футбол клублари жамоаларининг бу муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисидаги чиқарган қарорларига шу тарзда жавоб берди.

1904 йили Халқаро футбол ассоциацияси (ФИФА) тузилади. Ҳозир унинг таркибида 190 га яқин мамлакат бор. 1954 йилдан бери Европа футбол иттифоқи – УЕФА ҳам ишлаб турибди. Унга 50 га яқин мамлакат аъзо бўлиб кирган. 1930 йилдан бери ҳар тўрт йилда жаҳон чемпионати, 1958 йилдан бери эса Европа чемпионати ўтказилиб келинмоқда. 1908 йили футбол олимпия ўйинлари дастурига киритилди.

УЕФА раҳбарлигида қўйидаги кубок ўйинлари ўтказилиб туради:

Европа чемпионлари кубоги (1956 йилдан бери).

Кубок эгалари кубоги (1961 йилдан бери).

Булар эндилиқда УЕФА кубоги деб юритилади.

Мустақилликдан сўнг Вазирлар Маҳкамаси Республикада футболни ривожлантириш учун бир қатор қарорлар қабул қилди. 1993 йил 18 мартағи 144-сонли "Ўзбекистон Республикасида футболни кейинги истиқболларини белгилаш тўғрисида"ги қарори, 1996 йил 17 январь 27-сонли "Ўзбекистонда футболни ривожлантириш ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 1998 йил 16 июль 238-сонли "Ўзбекистонда футбол тараққиёти жамғармасининг фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори, 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга қўшимча чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Республикаизда кўплаб футбол мактаблари, маҳсус спорт мактаб-интернатлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг очилиши, Ўзбекистонда футболни ривожлантириш учун олиб борилаётган улкан ишларнинг далилидир.

2007 йил 28 марта Халқаро Футбол Федерациясининг президенти Йозиф Блаттер ва Осиё футбол Конфедерациясининг президенти Муҳаммад Бин Хаммам Ўзбекистонга ташриф буюрди. Улар Ўзбекистонда футболни ривожлантириш мақсадида барпо этилаётган янги ўйингоҳларни кўздан кечирдилар ва олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. Ташриф мобайнида Халқаро Футбол Федерациясининг президенти Йозиф Блаттер ва Осиё футбол Конфедерациясининг президенти Муҳаммад Бин Хаммам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашдилар ҳамда футболни ривожлантириш борасида келгусида қилинадиган ишларни режалаштириб олдилар. Республикаиз Президенти Ислом Каримов халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва халқаро спортга қўшган буюк ҳиссаси учун Халқаро Футбол Федерациясининг президенти Йозиф Блаттерга "Дўстлик" ордени, Осиё футбол Конфедерациясининг президенти Муҳаммад Бин Хаммамга "Шуҳрат" медали топширди. Ўзбекистон Республикаси 16 ёшли болалар Осиё чемпиони бўлдилар (Эронда) ва жаҳон чемпионатига эга бўлдилар.

Охирги йилларда спорт соҳасида қиз-аёлларнинг футбол спорт тури бўйича шуғулланиши ва яхши натижаларга ҳалиниши кузатилмоқда. Мамлакатимизда "Севинч", "Андижанка", "Семурғ" каби жамоаларда юзлаб қизлар футбол билан шуғулланиб, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб келишмоқда.

Ўзбекистон футболчи қизлари Осиё саралаш мусобақасига қатнашиб, Осиё биринчилиги мусобақасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

## **ФУТБОЛЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИРОВКА БИРЛИГИ**

Футболчиларда кўникма ва малака спорт тайёргарлиги жараёнида ҳосил қилинади. Бунга эса машқларни қайта-қайта такрорлаш орқали эришилади, такрорийлик, ўз навбатида, бутун аъзо ва системалар фаолиятига таъсир этади. Спорт тайёргарлиги – бу барча омил (восита, метод, шароит)лардан биргалиқда изчил фойдаланиш бўлиб, футболчининг спорт муваффақиятларига эришишдаги тайёргарлиги таъминланади.

Спорт тайёргарлигининг бутун жараёнини шартлравища таълим ва тренировкага бўлиш мумкин.

Таълим деганда шуғулланувчилар билим, малака ва кўникмаларнинг муайян системасининг бошлангич босқичин эгаллаб олишини тушуниш керак. Таълимнинг асосий мазмуни – ўйиннинг техник элементларини, тактикадаги одди индивидуал ва группа ҳаракатларини эгаллаб олиш, ҳаракат малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тренировка – бу олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган тайёргарликнинг кейинги босқичи. Тренировканинг асосий мазмуни – техник приёмларни тактикадаги индивидуал, группа ва команда ҳаракатларини такомиллаштиришдан, жисмоний, ахлоқий ва иродавий хислатларни ривожлантиришдан иборат. Спорт тренировкаси бу бошқариш методи асосида системали тарзда спортчилар тайёrlаşdır.

Таълим ва тренировкага маҳсус ташкил қилинган кўп йиллик ягона педагогик жараён деб қарашиб зарур. Уларни бир-биридан кескин суратда ажратиб бўлмайди, чунки таълим бера туриб, тренировка қилдирамиз ва айни чоғда тренировка қилдира туриб таълим берамиз.

Таълим ва тренировкани тушунча сифатида ажратиш ўқув-тренировка ишининг ўзига хос вазифалари борлигини равшанроқ аниқлаш имконини беради. Футболчи тайёrlаşnинг туриб босқичида таълим ва тренировканинг салмоғи ўзгариб туради.

Таълим ва тренировка жараёни тарбиявий характер касб этиши даркор. Шунга кўра ўқув-тренировка машғулотларига катта талаблар қўйилмоқда. Машғулотлар шундай тартибда уюштирилиши керакки, бу машғулотлар тузулланувчиларни баркамоллик руҳида тарбияласин ва уларда узвий равишда зарур малака ҳамда кўникмаларни ривожлантирсинг.

Таълим ва тренировка вазифаларининг муваффақиятли ҳал қилиниши энг аввало тренернинг шахсига боғлиқ, чунки у ўқув-тренировка жараёнида марказий фигура ҳисобланади. Тренер махсус билимини мунтазам равишида ҳомиллаштириб, ўз ғоявий-сиёсий савиясини ошириб ошири, илм-фан ва амалиётдаги янги ютуқлардан хабардор ҳўлиши, уларни футболчининг таълим ва тренировка жараёнига жорий эта билиши керак.

## ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИРОВКА ВАЗИФАЛАРИ

Футболдан ташкил қилинган машғулотлар жисмоний тарбияси системаси олдида турган вазифаларни ҳал қилишга қаратилганadir. Машғулотнинг асосий мазмунини кишини гармоник камол топтириш, унинг ижодий меҳнат қилиш ва Ватанни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маънавий ҳамда жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат бўлиши керак.

Бироқ футбол практикасида баъзан юксак натижалар кетидан қувиб таълим ва тренировканинг соғломлаштиришга йўналтирилганлик томонини, яъни тарбиявий характер касб этиши эсдан чиқариб қўйилади. Тренировкага бундай бир томонлама ёндашиш, одатда нохуш оқибатларга олиб келади.

Футболчининг ниҳоятда соғлом, жисмонан яхши ривожланганлиги юксак ахлоқий-иродавий фазилатлари футбол маҳоратини эгаллаб олишда асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Футболчиларнинг таълим ва тренировка жараёнларида қўйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- а) ҳаракат малакалари ва иродавий сифатларні тәкомиллаштириш;
- б) спортчилар организмининг (нафас олиш, юрак-қоғомири ва бошқа системалар) функционал имкониятларин көнгайтириш;
- в) спортчи ишчанлик қобилиятини сақлаш ва ошириш.
- г) спорт соҳасига оид билимни көнгайтириш ҳамда гигиена ва ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини ҳосил қилиш;
- д) меҳнатсеварлик, интизомлилик, онгаилик, активлик хислатларини тарбиялаш.

Тренировка жараёнида бу вазифаларни изчиллик билан ҳал қилиш юксак спорт натижаларига эришиш учун инсон организмининг ғоят катта имкониятларидан тұлар фойдаланиш имконини беради.

Рақобатчи командалар маҳорати даражасининг узлуксі үсіб бориши футболчилар тайёрлашга бұлған талабарның сыйн ҳар томонлама ошириб бориш заруратини ғүздіради. Футболчилар тайёрлашнинг бұ хилдаги ошиб бораёттан талабларига ижобий тәъсири тренировканинг педагогик принциптерини изчил амалга ошириш ва биринчи навбатда, унинг жараёнларини илмий бошқариш қонуниятларига орышмай амал қилиш йүли билан таъминланади.

## ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИРОВКА ВОСИТАЛАРИ

Жисмоний машқлар, гигиеник омиллар ҳамда табиатнинг табиий кучи футболчи таълим ва тренировкасининг воситалари ҳисобланади.

Малака ва күнікмаларни шакллантириш ҳамда тәкомиллаштириш асосан жисмоний машқларни систематик равищда бажарып туриш билан боғлиқдир. Машқлар хилма-хил бўлиб, улар таълим ва тренировка жараёнидан келиб чиқадиган вазифаларга қараб танланади.

Жисмоний машқлар ҳаракатни координация қилишни яхшилаш, кучни, тезкорликни, чидамлилик ва эпчилликни оширишга ёрдам беради. Бунда юрак қон-томири, нафас

олиш ва организмнинг бошқа системалари фаолияти гакомиллашади, бинобарин спортчининг ишчанлик қобилияти ошади, нагрузкадан кейинги тикланиш жараёни сезлашади. Ҳар бир машқ у ёки бу сифат ва малакаларга оз ёки кўпроқ даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қисмоний машқлар кўпроқ таъсир этишига қараб танланади.

Футболчиларнинг тренировкасида қўлланиладиган ҳамма машқларни шартли равища уч группага бўлиш мумкин: 1) мусобақа машқлари; 2) маҳсус тайёргарлик машқлари; 3) умумий тайёргарлик машқлари.

Мусобақа машқлари – бу яхлит ҳаракат фаолиятидан худ уларнинг мажмуидан иборат. Бу ҳаракат мажмуи эса футболда ўйин предмети ва батамом футбол мусобақаси оидалари асосида бажариладиган ҳаракатлар индисидан иборатdir. Бу ҳаракатлар асосий жисмоний сусиятлар вазият ва ҳаракат формалари муттасил ва сутилмаганда ўзгариб турган бир шароитда комплекс намоён ўчиши билан характерланади ва улар "сюжетта" бирлашган урли ҳаракат фаолиятларининг шароитига қараб кўчма ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради.

Маҳсус тайёргарлик машқлари мусобақа ҳаракатлари элементларини, улар вариантларини, шунингдек иш ва ҳаракатни шакл ва характер жиҳатидан бунга жуда ўхшаш хусусиятлар (ўйин ҳаракатлари ва комбинациялари)ни ўз ичига олади.

Маҳсус тайёргарлик машқлари футболда қатъий равища ўйин хусусиятига қараб аниқланади. Айни пайтда бу машқлар ўйинда бир хил бўлмайди. Улар футболчи учун зарур бўлган хислат ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган ва дифференциал тарзда таъсир этишни тъминлай оладиган қилиб танланади.

Ўз навбатида, маҳсус тайёргарлик машқлари ёрдамчи ва ривожлантирувчи машқларга бўлинади. Ёрдамчи машқлар асосан ҳаракат шакли ва техникасини эгаллаб олишга кўмаклашади. Ривожлантирувчи машқлар эса асосан жисмоний хусусиятларни ривожлантиришга қаратилганdir.

Умумий тайёргарлик машқлари футболчининг кўпроқ

умумий тайёргарлик кўришига йўналтирилган бўлади. Бундай машқлар жумласига таъсир этиш жиҳатидан маҳсус тайёргарлик машқларига анча ўхшаш ва айни пайтда улардан анчагина фарқ қиласиган турли-туман машқларни киритиш мумкин.

Умумий тайёргарлик машқлари ёрдамида ҳар томонлама жисмоний тарбиялаш вазифаларини самарали ҳал қилиш ҳамда футболчининг асосий жисмоний хусусиятлари, ҳаракат, малака ва кўнгималарини ривожлантиришга ҳам танлаб таъсир этиш мумкин.

Футболчининг тренировкасида қўлланиладиган ҳамма машқларни асосий ва ёрдамчи машқларга бўлиш мумкин.

Асосий машқларга қўйидагилар киради:

а) ҳаракат сифатларини ривожлантирувчи умумий ва маҳсус машқлар;

б) тўпни олиб юриш техникасини ўрганиш ва такомиллаштириш машқлари;

в) тактик приём, комбинация ва ўйин системаларини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш машқлари.

Ёрдамчи машқларга қўйидагилар киради:

а) шартли рефлекслар янги системасининг пайдо бўлишига, асосий ҳаракат малакаларини амалга оширишда организмнинг функционал имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадиган умумий ривожлантирувчи машқлар;

б) ҳаракат структурасига (вақтинча боғланиш) кўра ҳаракат малакаларининг турли қисмларига мос ёки шунга яқин бўлган маҳсус машқлар;

в) ҳаракат малакаларини шакллантириш ва организмнинг функционал имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берувчи спортнинг бошқа турларидан олинадиган машқлар.

Қўлланиладиган машқлар умумий ҳажмининг ошириб бориши натижасида машқлар бирга қўшилгандаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бир машқдан бир қанча вазифани ҳал қилиш учун фойдаланиш борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Табиатнинг табиий кучлари ҳамда гигиеник омиллари шуғулланувчилар организмига машқлар ва бошқа

воситаларнинг яхши таъсир этишига кўмаклашади. Нагрузка ва дам олишни, ўз вақтида овқатланишни, тунги йўйку режимини, меҳнат ва турмуш гигиенасини навбати илан вақтида тўғри алмаштириб туриш мухим роль лнайди, албатта.

## **ФУТБОЛЧИЛАР ТАЙЁРЛАЩДА ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИРОВКАНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Таълим ва тренировка маҳсус ташкил этилган жараён ифатида дидактик принципларга, яъни таълим жараёнининг умумий қонуниятларини акс эттирувчи принципларга мувофиқ тузилади.

Таълим ва тренировканинг асосий принципларига тарбия берувчи таълим принципи, онглилик ва активлик принципи, қўрсатмалик принципи, системалик принципи, тушунарлилик принципи, пухталик принципи киради. Бу принципларнинг барчаси узвий боғлиқдир.

Тарбия берувчи таълим принципи етакчи принцип исобланади. Тренер таълим ва тренировка жараёнида футболчиларни зарур маҳсус билимлардан хабардор қилиб, ёракли қўнишка ва малакаларни ҳосил қилибгина қолмай, оалки уларда ижобий характер фазилатлари шаклланишига ҳам ҳар тарафлама ёрдам беради.

Тренер ҳар бир машғулотда аниқ тарбиявий вазифаларни ҳал қиласди. Бунда машғулотни аниқ ва ўз вақтида бошлаш, тренернинг шахсий намунаси, ўз ишига меҳр-муҳаббати, юксак маданияти, хулқи, талабчанлиги, педагогик назокати катта аҳамиятга моликдир.

Таълим ва тренировканинг тарбия берувчи характеристики тренер зиммасига шогирдларда ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш, кейинчалик спорт бобида ўсиши учун бағбатлантира билишни юклайди. Педагог билан враҷ юзоратида спорт нагрузкаларини ўйлаб, мулоҳаза билан юста-секин ошириб бориш, футболчи маҳорати оғишмайшиб боришини таъминлади.

Таълимнинг онглилик ва активлик принципли шогирднинг онгли, актив, ижодий фаолияти билан педагогик раҳбарликнинг энг қулади муносабатини билдиради.

Машгулотларга онгли муносабатда бўлмай туриб юқори спорт натижаларига эришиб бўлмайди. Шуғулланувчила бажараётган машқларидан мақсад ва вазифа нима эканлигини тушунишлари зарур. Техник ва тактик приёmlарни мустақил бажариб ўрганиш-у тренер кузатувидаги мустақил машгулотлар онглиликни устиришининг муҳим воситасидир. Бунга футболчининг ўз хато ва камчиликларини таҳди қилишини ҳам киритиши лозим.

Активлик, айниқса мусобақаларда асқотади. Футболчи ўйин пайтида мустақил ҳаракат қилиши, доимо ўзгартирувчи вазиятларда тезда бир қарорга кела олиши, ўз ҳаракати ва қилган ишига тўлиқ жавоб бериши лозим. Чунки ўйин пайтида тренер ёрдам бера олмайди.

Турли-туман тактик вазифаларни ҳал қилишга ижодиг ёндашиш даркор.

Агар футболчи пухта фикрлашни билмаса, аниқ вазиятларда мусобақа қондالарини, умумий тактик планни бузмаган ҳолда бир қарорга кела олиш қобилиятига эга бўлмаса, у яхши ўйнай олмайди.

Ҳаракат малакаларини тўғри шакллантиришда, уларни пухталашди, машгулотларга қизиқишни оширишда кўрсатмалик принципининг аҳамияти катта. Тўғри танлаб олинган кўрсатма воситасигина тренер эътиборни алоҳида жалб этмоқчи бўлган моментларни равшанроқ, акс эттириши мумкин.

Таълим ва тренировкада кўрсатмаликка турли усувлар билан эришилади. Тренер приёmlарни ўзи кўрсатиши ёки бу ишни тажрибали футболчига топшириши мумкин. Юқорироқ классдаги команда ўйинини футбольчилар билан биргалашиб кўриш, машгулотларда фотосуратлардан, расмлардан, схема, чизма, кинограмма, кинофильмлардан фойдаланиш мумкин.

Таълим ва тренировканинг ҳамма босқичларида: футболчининг маҳорат даражасидан қатъи назар янги

приёмларни ўрганиш, тафсилотларини тушунтиришда, уларни такомиллаштиришда күрсатмалик принципи амалга оширилади.

Системалик принципи машғулотларнинг ўзида материаллар ва муайян системани ўрганишда қатъий изчиллик бўлишини кўзда тутади.

Йил бўйи тайёргарликнинг ҳар хил турларини ўрганиш учун вақтни тақсимлаганда даврлаштиришни ҳам ҳисобга олиш керак. Машғулотнинг частота ва системаси тайёргарлик вазифалари ҳамда шуғулланувчилар контингентига боғлиқ. Масалан, тайёргарлик даврида, тренировканинг биринчи босқичида, умумжисмоний, ўнкционал воситалари етакчи мавқени эгаллайди, иккинчи босқичда эса маҳсус тайёргарлик шундай мавқега чиқади. Аммо бундан мазкур босқичларга техник ва тактик тайёргарлик киритилас экан, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Кейинги босқичларга нисбатан бунда уларга шунчаки камроқ вақт ажратилади, холос.

Машғулотларнинг бўлинниб қолиши, машқларни ўрганишда изчилликнинг бузилиши, мусобақаларнинг ҳаддан ташқари тез-тез ўtkазилиши, мусобақа ва машғулот ўtkазиш билан дам олишдаги оптимал параметрлардан чекиниш таълим ва тренировкани қийинлаштиради ҳамда футболчининг спортдаги ўсишини секинлаштиради.

Таълимда системалик принципи ўқув материалини шундай тақсимлашни тақозо қиладики, бунда кейинги материал мантиқан илгаригисининг давоми бўлиб қолади. Таълим ва тренировка жараёнида бу принцип педагогик дедукция қоидасидан келиб чиқиб, яъни маълумдан номаълумга, эгаллаб олинганидан эгаллаб олинмаганга, оддийдан мураккабга, асосийдан иккинчи даражалига, умумийдан хусусийга ўтиш орқали амалга оширилади.

Таълим ва тренировкада маълумдан номаълумга ўтиш қоидасига риоя қилиш бу шуғулланувчиларнинг олдинги йилларда, даврларда машғулот босқичларида олган билимларига, тажриба ва тасаввурларига суянган ҳолда иш тутиб муайян изчилликка амал қилиш демакдир. Мана,

масалан түпни мураккаб узатишга ўргатиши зарб билан тепишини ўрганиб олингандан кейин амалга оширилади, чунки түпни узатиб бериш зарб билан тепишини яхши билишга асосланади.

Янги техник приём ёки тактик ҳаракатта ўргатищдан олдин шу янги приём ёки ҳаракат билан боғлиқ эски тасаввурларни тиклаш, янги билан эскини, маълум билан номаълумни узвий боғлаш лозим. Жумладан, ҳужумчилар түпни у ёндан бу ёнга олиб ўтишдан иборат тактик комбинация ишлатишга ўргатищдан олдин тўғри очилишга ўргатувчи бир неча машқни бажаришни топшириш зарур.

Эгаллаб олингандан эгаллаб олинмаганга ўтиш қоидаси ҳаракат малакаларини кенгайтиришни кўзда тутади. Маълумки, футболда түпни кучли ва аниқ тепищ, эркин тўхтатиши, тез олиб юриш, ишонч билан олиб қўйиш асосий малака ҳисобланади. Шунинг учун ҳам энг биринчи шулар ўргатилади. Ишончли ва хилма-хил малакаларни кўпайтириш, улар доирасини кенгайтириш техник маҳорат чўққиларини эгаллашга ёрдам беради.

Оддийдан мураккабга ўтиш бу энг оддийсидан бошлаб демақдир. Шуғулланувчиларни тактик комбинацияларга ўргатищдан олдин түпни узатишга ўргатилади; яrim учеб келаётган тўпга зарб беришга ўргатищдан олдин, турган жойда ва учеб келаётганда зарба беришни ўргатиш, яъни шуғулланувчиларни мураккаброқ приёмларни эгаллаб олишга аста тайёрлаб бориш керак.

Асосийдан иккинчи даражалига ўтиш бу тренировканинг турли йўналишлари, воситалари, шакл ва методлари орасидан тайёргарликнинг мазкур босқичида, мазкур аниқ вазиятда асосийсини танлаб олиш демақдир.

Футболда умумийдан хусусийга ўтиш қоидаси ҳам қўлланилади, бунда ўрганиладиган приём тўғрисида аввал шуғулланувчиларга тушунарли бўлган умумий тасаввур берилади, кейин уни чуқур ўрганишга киришилади.

Приёмни бўлакларга бўлиб ўрганишдан олдин уни кўрсаттган ва тушунтирган, ундан кейингина приёмки тўлиқ бажариб кўришларини топширган маъқул. Футболчи турли

тактик ҳаракатларни машқ қилишга киришгунга қадар, команда құлланиши керак бўлган тактик система тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши зарур.

Бироқ приёмларни ўргатища фақат умумийдан хусусийга бориш керак экан-да, деб ўйлаш тўғри эмас, албатта. Шунингдек, приёмни ўргатища хусусийдан умумийга ўтишдан фойдаланиш мумкингина эмас, балки керак ҳам. Масалан, футболчилар билан муайян тактик системада икки томонлама ўйин ўtkазиш учун уларни командада муайян жойдаги вазифалар билан оддиндан таништириб қўйиш фойдалидир. Чунки умумийлик ва хусусийлик ўзаро яқин алоқада ҳам бир-бирларини тўлдирадилар.

Футболчиларнинг таълим ва тренировкасида дидақтик принциплар билан бир қаторда, тренировка жараёнини бошқариш принципларидан, яъни объективлик, конкретлилик, қулайлик, рағбатлантириш, илмийлик, самаралилик, назоратнинг мунтазамлиги принципларидан ҳам фойдаланилади. Тайёргарликнинг бутун комплекс вазифаларини билиш, спорт тренировкаси системаси қайси йўналишда ривожланиб боришини, бунда тайёргарлик вазифаларининг қайси бири ҳал қилувчи аҳамиятта молик эканлигини оддиндан кўра билиш тренировка жараёнини бошқаришнинг зарур шартидир.

Замонавий спорт тренировкаси маҳсус жараён сифатида муайян принциплар, қоидалар, илмий ва методик кўрсатмалар асосида яхлит амалга оширилмоқда.

Спортнинг бошқа турларида бўлганидек футболда ҳам спортчиларнинг умумий ва маҳсус тайёргарлиги биргалигига риоя қилингандагина юксак спорт натижаларига эришиш мумкин.

Умумий тайёргарлик кўрилаётган тренировка жараёнида спорт ихтисосининг аниқ ва ёрқин хусусиятлари бўлмайди, юқори натижаларга йўл тутиш эса узоқ истиқбол характеристини касб этади. Маҳсус тайёргарлик спорт фаолияти жараёнида вақт ва зўр беришни шундай тақсимланиши билан характерланадики, у танланган спорт турида камолотга эришиш учун янада қулайроқ бўлади.

Умумий ва маҳсус тайёргарлик бирлигини футболчига таълим ва тарбия беришда ҳар томонламалик принципига қаттый риоя қилиш сифатида тушуниш керак. Шуни ҳам айтиш керакки, бунда тренер умумийда маҳсусни ва маҳсусда умумийни кўра билиши лозим. Бу тренировка восита ва методларининг шундай ўзаро таъсирини кўзда тутадики, бунда ихтисослаштирилган жараён ҳар томонлама ўсишга ва оқибатда, футболда тараққиётга олиб келади.

Футболчилар умумий ва маҳсус тайёргарлигининг ўзаро муқобил муносабатларини излаш тренер, врач, илмий ходим ва спортчиларнинг зарур вазифасидир.

Футболчининг тренировкаси – бу мусобақа, машгулот ва дам олишни навбати билан алмаштириб турган ҳолда йил бўйи узлуксиз олиб бориладиган жараёндир. Кўпинча футболчиларнинг машгулот ва мусобақалари организм фаолияти қисман тикланиб улгурмаган бир шароитда олиб борилади. Бу ҳол мусобақа, машгулот ва дам олиш режимида ҳам кўзда тутилади. Тажриба ва маҳсус тадқиқотлар машгулот ва мусобақаларни ана шундай шароитда олиб бориш мумкингина эмас, балки мақсадга мувофиқ эканлигини ҳам кўрсатмоқда.

Футболчилар тайёrlаща тренировка нагрузкасини астасекин ва максимал ошириб бориш талабини амалга ошириш нагруззани тренировка ҳамда ўйинлараро туркумларга тақсимланишида ўз ифодасини топмоқдаки, бунда нагруззка эркин тарзда ошиб боради.

Бунда қуйидагилар кўзда тутилади:

- спорт нагрузкасини ошириб борища организмни кейинги, бир оз кўпроқ нагруззани, қабул қилишга тайёrlаш;

- мусобақаларга чиқсанда тренировканинг носпецифик воситаларидан фойдаланиш йўли билан организмнинг катта имкониятларини ишга солиш учун шароит яратиш;

- тикланиш жараёнининг юқори интенсивлик ҳолатида, бу жараённи тезлаштирадиган тиклаш машқи ва воситаларидан кенг фойдаланиш йўли билан ўрганилган режимни пухталаш.

Тренировканинг нагрузкасини аста-секин ва максимал ошириб бориш талаби қилинган иш ва тикланиш бирлигига ҳамда улар орасидаги узвий алоқага таянади. Бу талабларни амалда қўлланиш ижодий жараёндир. Мазкур талаблар тренернинг назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам яхши тайёргаргини, тренировка учун нормал шароит бўлишини ҳамда футболчиларнинг умумий ва спорт режимига қатъий амал қилишларини назарда тутади.

Тўлқинсимон характердаги нагрузкалар футболчилар тренировкаси учун мос бўлиб, толиқишиш ва тикланиш жараёнларининг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда спорт нагрузкалари билан дам олиш ҳажми ва интенсивлигини мувофиқ тарзда тақсимлаш ҳисобига футболчиларга узоқ вақт юқори спорт формасини сақлаш имконини беради.

Мусобақа даврига нисбатан тайёргарлик даврида машқлар кўпроқ, катта ҳажмда бажарилади. Айни пайтда машқлар интенсивлиги тайёргарлик даврига нисбатан мусобақа даврида юқорироқ бўлади.

Болалар билан машғулот ўтказилганда ихтисослаштириш принципи катта аҳамиятга эгадир. Футбол машғулотларига болаларни 7 – 8 ёшдан жалб қилиш мумкин. Футбол билан шуғуланиш болаларнинг соғлом бўлиб ўсишига самарали таъсир кўрсатиши тажрибада исботланган.

Ҳар томонламалик принципи асосида одам организми бутун аъзо ва системалари ўзаро боғлиқлигининг физиологик қонунияти, уларнинг мия ярим шарлари пўстлоғининг етакчи роли орқали алоқаси ётади.

Футболчининг бутун организми тренировка чоғида бир бутун бўлиб ишлайди. Тренировка дидактик мақсадлардагина уч жиҳатдан – психикани, вегетатив ва ҳаракат функцияларини машқ қилдириш жиҳатидан қараб чиқилади.

Футболчининг ҳар томонлама тайёргарлик кўриши – унинг спорт ихтисоси асосидир. Ҳар томонламалик принципининг нечоғлик амалга оширилганлиги спортчининг жисмоний, тактик, техник, психологик ва назарий

тайёргарлигига ҳамда ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуклигига ўз аксини топади.

Футболчи тренировкасида аста-секинлик принципи машғулотларда ва ўйинлар орасидаги туркум тренировкаларда футболчининг бир йиллик ва кўп йиллик тренировка планида спорт нагрузкасини ошира ва камайтира бориш йўсинида амалга оширилади. Шунингдек, бу принцип турли машғулотларда машқ бажаришда биридан иккинчисига изчиллик билан ўтишда уз ифодасини топади.

Аста-секинлик принципи спорт нагрузкасини меъёrlаш ва амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Тренировка нагрузкасини аста-секин ошириб боришни бир меъёрдаги, бир текис жараён, деб қараш ярамайди. Футболчиларнинг спорт тренировкасида нагрузканни ошириб бориш кўпинча тўлқинсимон, зинапоя характеристига эга бўлади. Кучни батамом тиклаб олиш учун вақт-вақти билан нагрузканни пасайтиришга, кейинроқ эса нагрузканни энг юқори даражага кўтаришга тўғри келади.

Такрорийлик принципи шартли рефлектор асосидаги алоқаларни пайдо қилиш учун, орган ва системалар ҳамда улар функциясини такомиллаштириш, ўзгартириш ва қайта қуриш учун такрорий таъсир этиш зарурати тўғрисидаги физиологик талабнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Футболчи тўғри спорт ҳаракатларини сақлаш учун олинган билим эгалланган малака ва кўнималарни мустаҳкамлаши лозим. Бунга эришиш учун ўрганилган приёмларни қайта-қайта такрорлаш зарур. Айни чоғда вақтида ишлаб, вақтида дам олишни ҳам унутмаслик даркор.

У ёки бу техник приёмларни, тактик комбинацияларни такрорлаш, илгари ўрганилган ва бир оз унугилаётганларини қайта мустаҳкамлаб олиш учун ҳам керак. Футболчи машғулотларда у ёки бу ҳаракатларни, приём ва комбинацияларни кўп марта такрорлаш билан чуқурроқ тушуниб олади ҳамда ўйин шароитида уларни бажаришнинг янги, маъқулоқ ва ишончлироқ вариантини топади.

Машқларни, спорт нагрузкасини такрорлаш миқдори футболчининг тайёргарлигига, ёшига, машқларнинг

характерига, машғулотнинг шарти ва бошқаларга боғлиқ. Бу ўринда орттирилган тажрибадан, зудлик билан олинган ахборотнинг маълумотларидан педагог ва врачнинг назоратидан ҳамда ўз-ўзини назорат қилишдан фойдаланилади.

Муттасил машғулот ва мусобақа ўтказиб туриш такрорийлик принципини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

## **ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИРОВКА ФОРМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Дарс (машғулот) футболчилар таълим ва тренировкасини ташкил этишнинг асосий формаларидан биридир. Бунда ҳам группа бўлиб, ҳам индивидуал ўтказиладиган машғулотлар кўзда тутилади. Машғулотлар тренер раҳбарлигида тренировканинг методлари қўлланилган ҳолда ўтказилади.

Ўйиннинг команда характеристига эга эканлиги унинг ўзига хос томони бўлиб, группа машғулотларига катта ўрин берилиши ҳам шундандир.

Футболчилар билан ўтказиладиган машғулотларга қўйиладиган талаблар мана бундай:

1. Машғулотларда таълим ва тарбиянинг умумий мақсадларига мувофиқ равища тренер белгилайдиган аниқ-равшан мақсад бўлиши лозим.

2. Машғулотлар футбольчиларда коммунистик ахлоқни, меҳнатсеварликни, интизомлиликни тарбиялаши керак.

3. Машғулотлар шундай ташкил қилинган бўлиши керакки, бунда футболчилар ҳаракат малақаларини онгли ва пухта эгаллаб, ҳаракат хислатларини зарур даражагача ривожлантирунлар.

4. Ҳар бир машғулот футбольчиларни спорт маҳоратининг олий босқичига олиб борувчи умумий машғулотлар силсиласининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

5. Машғулотларнинг мазмуни футбольчиларнинг жисмоний ривожланишини яхшилашга, билим доиралари, кўникма

ва малакаларини кенгайтиришга жавоб берадиган бўлиши даркор.

6. Машғулотда дарснинг мақсад ва мазмунига, шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда ёш хусусиятларига мос келадиган, таълимнинг футболчилар маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашувчи турли методлари қўлланиш керак.

Дарс тузилишига кўра қуйидаги уч қисмдан: тайёрлов, асосий ва якуловчи қисмдан иборат бўлади. Ҳар қайси қисмнинг маҳсус воситалар билан ҳал қилинадиган вазифаси бор.

Тайёрлов қисмида, машғулотнинг вазифа ва мазмуни тушунтирилади. Машғулотнинг асосий қисми вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берадиган маҳсус машқлар бажарилади. Машғулот тайёрлов қисмининг вазифаси батамом асосий қисм вазифасига боғлиқдир. Масалан, агар машғулот асосий қисми техник приёmlарни ўрганишга бағишлиган бўлса, унда машғулотнинг тайёрлов қисмидаги машқлар унчалик интенсив бўлмаслиги лозим. Бундай пайтларда чўзилиш машқлари ва бўшаштирувчи машқларни бажариш мақсадга мувофиқ. Бу машқлар бўғимлар ҳаракатидаги баъзи қотиб қолганликни бартараф этади ва техник приёmlарни эркин бажариш имкониятини беради. Шу мақсадда ўйин машқларидан фойдаланиш мумкин. Бу қисмнинг машқлари ортиқча чарчатадиган ва эмоционал бўлмаслиги лозим, йўқса уларни бажариш шуғулланувчиларнинг техник приёmlарни нозик идрок этишларига ёмон таъсир кўrsatiши мумкин.

Асосий қисм ўзига мазкур машғулотнинг ўйин техникаси ва тактикасини эгаллаб олишга, шуғулланувчиларнинг жисмоний ва ахлоқий-иродавий тайёргарлигини яхшилашга ёрдам беришга доир асосий материалини қамраб олади.

Якуловчи қисм машғулотни уюшқоқлик билан тугалланишидир. Бунда шуғулланувчиларнинг организми нисбатан тинч ҳолатта келтирилади. Якуловчи қисмда секин югуриш, юриш, бўшаштириш машқларидан фойдаланиш мумкин. Шу аснода машғулотга якун ясалади, хатолар

күрсатилади, ўйин қачон ўтказилишидан хабардор қилинади.

Ҳар бир машғулот мобайнида нагрузкани аста-секин ошириб ҳамда камайтириб бориш принципига, энг юқори зўриқиши босқичи билан нисбатан дам олишни навбатлантириб туришга риоя қилиш керак. Бу принципга риоя қилиш машқларни тўғри танлашни ва уларни бажаришда изчиллик бўлишини кўзда тутади.

Мақсад ва ўтказилиш методикасига кўра бир-бирига ўхшаш машғулотлар комплекс ва тематик машғулотларга бўлинади.

### **Комплекс машғулотлар**

Комплекс машғулотлар йил бўйи ўтказилади. Тренировканинг вазифаларини қисқа муддатларда ҳал қилиш зарурати туғилган пайтлардагина комплекс машғулотларга катта ўрин берилади. Буни асосан мусобақа бот-бот ўтказиладиган кезларда тренировканинг асосий даврида бажаришга тўғри келади.

Комплекс машғулотлар тўрт хил бўлади. Бунда ҳар бир машғрулотда қуйидаги вазифалар бир йўла ҳал қилинади:

- жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик;
- жисмоний ва техник тайёргарлик;
- жисмоний ва тактик тайёргарлик;
- техник ва тактик тайёргарлик.

### **Тематик машғулотлар**

Ҳар бир тематик машғулотда қайсиdir бир вазифа: жисмоний, техник ёки тактик тайёргарлик вазифаси ҳал қилинади.

Жисмоний тайёргарлик машғулотлари. Жисмоний тайёргарлик машғулотларининг мазмуни жисмоний хислатларни умумий ва маҳсус ривожлантиришга ёрдам берадиган машқлардан иборатdir.

Жисмоний тайёргарлик машғулотлари йил бўйи олиб борилади, аммо уларнинг мазмуни йиллик таълим ва тренировка туркумининг у ёки бу босқичида ҳал қилинадиган вазифаларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Жисмоний тайёргарлик машғулотларининг салмоғи

тайёргарлик даврида, айниқса унинг бошланишида каттадир.

Жисмоний тайёргарлик машғулотларида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик вазифалари ҳал қилинади. Агар машғулотларнинг мақсади умумий жисмоний тайёргарлик, масалан, тезлик-куч тайёргарлиги бўлса, бунда унинг мазмуни тахминан қуидагича: чигил ёзиш машқлари, оғир нарса билан бажариладиган машқлар, такрорий югуриш, тезлаштириш, стартлар, сакрашлар, қўл тўпи, якунловчи югуриш ва юришдан иборат бўлиши керак. Маҳсус жисмоний тайёргарликка (масалан, тезлик-куч тайёргарлиги) зўр бериладиган машғулот мазмуни эса тахминан қуидагилардан иборат: тўп билан чигил ёзиш машқлари бажариш, тўп билан ҳуққабозлик, юқорилаб келаётган тўпни бош билан олиб қолиш, майдон ўртасидан жарима майдонигача тўп билан югуриб бориш ва дарвозага тепиш, "тўп учун кураш" ўйин машқлари, юриш, югуриш.

*Ўйин техникаси машғулотлари.* Бундай машғулотларда ўйиннинг техник приёмларини эгаллашга ва уларни такомиллаштиришга қаратилган машқлар бажарилади. Машғулотлар тренировканинг йиллик цикли давомида – очиқ майдончаларда ҳам, футбол майдонларида ҳам, ёпиқ биноларда ҳам ўтказилади.

Ўйин техникасига доир машғулотлар тайёргарлик машқларидан тўп билан стандарт, мураккаблаштирилган ва ўйиндагиек шароитлардаги машқлардан тузилган бўлиб, улар тахминан қуидагилардан: чаққонликни ривожлантирувчи машқлар, тўп билан эркин машқлар, мудофаа тўсиқ бўлиб турган рақибдан ўтиб, дарвозага тепишдан иборат машқлардан, бир-иккита тегиш билан 5x5 ўйин машқларидан иборат бўлади.

*Ўйин тактикаси машғулотлари.* Бундай машғулотларнинг мазмуни ўйиннинг тактик ҳаракатларини эгаллашга (кейинчалик янада такомиллаштиришга) қаратилган машқлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, ўйин тактикаси машғулотларида янги тактик комбинация ва ўйин системалари ўрганилади ҳамда эскилари такомиллаштирилади. Ўйин тактикаси машғулотлари асосан тренировканинг тайёргарлик

даври охирида ўтказилади-да бутун мусобақа даври мобайнида машқ қилиб борилади. Ўйин тактикаси машғулотлари кўпроқ футбол майдонида ўтказилади.

Ўйин тактикаси машғулотлари таҳминан қўйигагилардан: тўп билан чигил ёзиш машқлари бажариш, шерикка тўп узатиб ўйнаш, уч киши жой алмашиб туриб тўпни олиб юриш, "ҳимояга қарши ҳужум" ўйини, иккиёқлама ўйин, якунловчи югуриш ва юришдан иборат бўлади.

### **Группа машғулотлари ва индивидуал машғулотлар**

Машғулотлар группа бўлиб ҳамда индивидуал тарзда ўтказилиши мумкин. Афсуски, ҳозир командаларда машғулотлар асосан группага бўлиб ўтказилади. Индивидуал машғулотлар жуда кам ўтказилади, аслида эса бундай машғулотлар мунтазам равишда ҳафтада камида бир марта ўтказиб турилиши керак.

Футболчи индивидуал тренировка қилганда группа бўлиб шуғулланганда фарқли ўлароқ тренировканинг восита ва методларини асосли танлаш, фойдаланиш ҳамда қўлланиш, уларнинг шуғулланувчиларга таъсирини назорат қилиб бориш, футболчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг маҳоратини ошириш ва такомиллаштириш учун ҳамма шароит шундоққина кўзга ташланиб туради. Бироқ, футбол ўйинининг команда характеристи ўйин жараёнида ўзаро ҳамкорликка бўлган талабларни ошириш, группа бўлиб бажариладиган вазифаларни ҳал қилиш зарурати, ўз индивидуал мақсадини команда мақсадларига бўйсундириш қобилиятини кўзда тутади.

Мусобақа элементлари кўзга ташланувчи группа машғулотларида тарбия вазифалари муваффақиятлироқ ҳал қилинади.

Индивидуал тренировкани ташкил этишда уларнинг ҳаммасини назарда тутмоқ зарур. Индивидуал ва группа машғулотлари қатъий бараварлаштирилганда гина бу вазифаларни тўғри ҳал қилиш мумкин. Бунда группа машғулотларига ажратилган вақт индивидуал машғулотларга

ажратилган вақтдан күпроқ бўлади. Бундан ташқари, футболчи группа машғулотларидан кейин мустақил машқларга 20-30 минут вақт ажратади, группа машғулотлари жараёнида эса тренернинг кўрсатмасига биноан футболчи ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда турли машқларни бажаради.

Футболчиларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш суръатларини тезлаштириш индивидуал тренировканинг мақсадидир.

Футболчилар индивидуал тренировкаси вазифалари умумийроқ олганда қўйидагилардан иборат:

а) футболчининг хусусияти ва ривожланиш даражаси ҳамда унинг ўйин ихтисосини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат хислатлари ва малакаларини такомиллаштириш;

б) жисмоний, техник, тактик тайёргарликдаги камчиликларни тузатиш;

в) мажбурий танаффусдан кейин йўқотилган хислатларни тренировка пайтида қайта тиклаш;

г) мусобақалардаги маҳсус вазифаларни ҳал қилиш ва психологияк қатъиятлиликни ошириш учун зарур малакаларни эгаллаш.

Тренировканинг мақсад ва вазифалари индивидуал планларда ўзининг аниқ ифодасини топади. Футболчининг индивидуал тренировкаси умум томондан қабул қилинган дидактикар принципларга асосланади. Бу принципларни индивидуал машғулотларда амалга ошириш таълимда ҳам, футболчилар маҳоратини такомиллаштиришда ҳам катта самара беради.

Тренировкани индивидуаллаштириш группа машғулотлари учун типик бўлган нагрузка меъерининг бузилишидан, бекорчи тақрорлашларнинг пайдо бўлиши ва бошқа қусурлардан қутулиш имконини беради. Бундан ташқари, машғулотларнинг таъсирчанлигини назорат қилишни осонлаштиради.

Футболчининг тренер ва команда врачи назорати остида ўтказадиган мустақил машғулоти индивидуал

тренировканинг асосий формаси ҳисобланади. Тайёргарликнинг турли томонларини: жисмоний, техника, тактик, психологик томонларини такомиллаштириш учун маҳсус танлаб олинган машқлар индивидуал тренировканинг воситалари бўлиши мумкин.

Мустақил машғулотлар учун воситалар танлаётганда уларни спарринг-шериксиз ва қўпинча маҳсус машғулот жойидан четда фойдаланишни ҳисобга олиш лозим.

Индивидуал машғулотлар учун тренировканинг давра, тақориј, оралатиб ўтказиш, бирга қўшиб олиб бориш методлари етакчи ҳисобланади. Ўйин ва мусобақа методларидан кам фойдаланилади.

Мустақил машғулотлар учун маҳсус жиҳозлар, тренажёр ва ҳоказолар ҳал қиливчи аҳамиятга эга. Бунга қуйидагилар киради:

- а) отбойка устунлари, батутлар, нишонлар, осма коптоклар, айланиб ўтиш учун устунлар;
- б) гимнастика снарядлари, штангалар, гантеллар, пуфлама коптоклар, аргамчилар, эспандерлар, тўсиқлар;
- в) футбол, тенис, волейбол, баскетбол тўплари;
- г) бармоқ, станли, зарб берадиган динамометрлар ва ярим динамометрлар;
- д) тензометрик платформалар, электрон отбойка деворлар, тўпни автоматик тарзда узатиб берадиган мосламалар.

## ФУТБОЛ ЎЙНИНИНГ МАЙДОНИ

**Ўлчамлар.** Ўйин майдони тўғри бурчак шаклида бўлади. Ён чизиқлар дарвоза чизигига нисбатан узунроқ бўлиши керак.

Узунлиги: 120 м, 90 м;

Эни: 90 м, 45 м.

Халқаро матчларда

Узунлиги: минимум 100 м;

максимум 110 м.

Эни: минимум 64 м;

максимум 75 м.

**Белгилар.** Майдон учун белгилар чизиқлар ёрдамида амалга оширилади.

Бу чизиқлар улар чегаралаб турган майдонга киради. Ўйин майдонини чегаралаб турган 2 та узун чизиқлар – ён чизиқлар, 2 та қисқаси – дарвоза чизиқлари дейилади. Ҳар қандай чизиқлар эни 12 см дан ошмаслиги керак.

Ўйин майдони ўрта чизиқ ёрдамида 2 ярим қисмга бўлинади.

Ўрта чизиқ ўртасида майдон маркази белгиланади. Майдон марказида 9,15 м радиусда айлана ўтказилади.

**Дарвоза майдони.** Дарвоза майдони ҳар иккала ярим қисмнинг охирида қуидагича бўлади:

Дарвозанинг ҳар қайси устуни ички томонидаги нуқтадан 5,5 м масофада дарвоза чизигига тўғри бурчак қилиб майдон ичига 2 чизиқ тортилади. 5,5 м масофада бу чизиқлар дарвоза чизигига параллел қилиб бошқа чизиқ билан бирлаштирилади. Бу чизиқлар ва дарвоза чизиги чегаралаб турган зона дарвоза майдони дейилади.

**Жарима майдони.** Жарима майдони ҳар иккала ярим қисмининг охирида қуидагича бўлади:

Дарвозанинг ҳар қайси устуни ички томонидаги нуқтадан 16,5 м масофада дарвоза чизигига тўғри бурчак қилиб, майдон ичи томонга чизиқ тортилади. Бу чизиқлар ва дарвоза чизиги чегаралаб турган зона жарима майдони дейилади. Ҳар қайси жарима майдони ичидан дарвозанинг икки устуни ўртасида бир хил масофада жойлашган нуқтадан 11 м масофада 11 метрлик белги қўйилади. Жарима майдончаси ташқарисида 11 метрлик нуқта марказ қилиб олиниб 9,15 м масофада айлана чизилади.

**Байроқлар.** Майдоннинг ҳар қайси бурчакларига баландлиги 1,5 м дан ошмаган, учи ўткир бўлмаган байроқ ўрнатилади.

Байроқлар ўрта чизиқнинг ҳар иккала томонида, ён чизиқдан 1 м масофадаги узоқликда ўрнатилиши мумкин.

**Бурчак сектори.** Ҳар қайси бурчак байроғидан ўйин майдони ичига қараб 1 м радиусда айлана тортилади.

**Дарвоза.** Ҳар қайси дарвоза чизигининг марказида дарвоза жойлашади.

Улар бурчак байроқлари билан бир хил масофада жойлашган, тепа томони горизонтал тўсин билан бирлаширилган икки вертикал ҳолатдаги устундан иборат.

Устунлар оралиғи – 7,32 м. Тўсиннинг пастки қисмидан текис ергача бўлган масофа – 2,44 м.

Ҳар икки устун ва тўсин кесишган жой бир хил бўлиши ва 12 см дан ошмаслик керак.

Дарвоза чизигининг эни устунлар ва тўсин эни билан бир хил бўлади. Дарвоза ва дарвоза орқасидаги ерга тўр ўрнатилади. Тўр ишончли ўрнатилган ва дарвозабонга халақит бермайдиган бўлиши керак. Дарвозанинг устунлари ва тўсини оқ рангда бўлиши керак.

**Хавфсизлик.** Дарвоза ерга ишончли ўрнатилган бўлиши керак. Агар дарвоза таъкидланган қоида талабларига жавоб берса кўчирма дарвозадан фойдаланишга рухсат берилади.

### *Халқаро йиғин қарори*

Агар дарвоза тўсини қийшайса ёки синса, токи тўсин тузатилмагунча ёки алмаштирилмагунча ўйин тўхтатилади. Агар тузатишнинг имкони бўлмаса матч тугалланади. Тўсиннинг ўрнига арқон ишлатиш мумкин эмас. Агар тўсинни тузатишнинг иложи бўлса ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан "баҳсли тўп" қўлланиб ўйин давом эттирилади.

Тўсин ва устунлар ёғочдан, металлдан ёки рухсат берилган стандартга мос материалдан тайёрланади. Уларнинг кўндаланг кесишган жойи квадрат тўғри бурчак айланы ёки эллипс шаклида бўлиши мумкин: улар ўйинчиларга хавф туғдирмаслиги керак.

Жамоалар майдонга чиққан вақтидан то улар танаффусга чиққунларигача, танаффусдан сўнг уларнинг майдонга қайтиб чиқишиларидан то матч тугагунга қадар ўйин майдонида ва унинг жиҳозларида ҳеч қандай reklamaga рухсат берilmайдi.

Дарвоза, сетка, байроқларда ҳар қандай реклама күринишларидан фойдаланишга рухсат берилмайды. Бу нарсаларга четдан ҳеч қандай, камералар, микрофонлар каби жиҳозлар маҳкамланиб қўйилиши мумкин эмас.

Техник зона доирасидаги ерда ва ён чизиқдан 1 м масофада бўлган ўйин майдонининг ташқарисида ҳеч қандай реклама бўлмаслиги керак.

Дарвоза чизиги ва дарвоза сеткаси ўртасида ҳам рекламага рухсат берилмайди.

Ўйин майдони ташқарисида бурчак ёнидан 9,15 м масофада дарвоза чизигига бурчак тўпи бажарилганда шу масофага риоя қилишни таъминлаш учун тўғри бурчак остида белги қўйилиши мумкин.

## ФУТБОЛ ТЎПИ. ЎЛЧАМЛАРИ ВА СИФАТЛАРИ

**Тўп:** чармдан ёки шунга ўхшаган материалдан айлана шаклда тайёрланган бўлади:

- айланасининг узунлиги 70 см дан ошмаган ва 68 см дан кам бўлмаган ҳолатда бўлади;
- мусобақа бошланиш вақтида 450 граммдан ошмаган ва 410 граммдан кам бўлмаган бўлиши керак;
- ҳаво босими 0,6 – 1,1 атмосфера (600 – 1100 грамм см<sup>2</sup>) бўлиши керак.

### Яроқсиз тўпни алмаштириш

Агар тўп ўйин вақтида яроқсиз ҳолга келса;

- ўйин тўхтатилади;
- тўп яроқсиз ҳолга келган жойдан "баҳсли тўп" билан ўйин давом эттирилади.

Агар тўп ўйинда бўлмаган вақтда ёрилса ёки йиртилса – бошлангич зарбада, дарвоздадан зарбада, бурчак, жарима, эркин зарбаларда, 11 м нуқтадаги зарбада ёки ташлашда:

- ўйин қоидаларига мос равишда янгиланади.

Тўп ўйин вақтида фақатгина ҳакам кўрсатмаси билан алмаштирилиши мумкин.

## **Халқаро үйгін қарори**

Расмий мусобақаларда қоидаларга күрсатылған техник талабаларға жавоб берадиган түптаргагина рухсат берилади.

FIFA томонидан үтказыладын мусобақа матчларида қуйидаги З маркировкадан бирортасыга зәға бўлган түптардангина фойдаланишга рухсат берилади.

Расмий логотип "FIFA APPROVED" (ФИФА матьқуллайди).

Расмий логотип "FIFA INSPECTED" (ФИФА назорат қилған) ёки "INTERNATIONAL MATCH – BALL STANDARD" (Тўп халқаро стандартга мос).

Тўпнинг бундай маркировкаси унинг расмий текширувдан ўтганини күрсатади ва текширув натижасига кўра тўп муҳим талабларга мос эканлигини билдиради.

Миллий федерациялар мусобақа вақтида фақаттинга шу уч маркировкага зәға ҳар қандай тўптардан фойдаланишни талаб қилиши мумкин.

Бошқа ҳар қандай матчлардан тўп қоида талабларига мос келиши керак.

ФИФА ва миллий федерациялар ташкил қилған мусобақаларда тўптарга савдо-сотиққа оид ҳеч қандай реклама жойлаштиришга рухсат берилмайди. Мусобақа нишони, мусобақа ташкилотчиси ва тасдиқланган тайёрловчининг савдо маркаси бундан мустасно. Бундай муҳрларнинг сони ва ўлчами, мустақил регламенти билан чекланиши мумкин.

## **ЎЙИНЧИЛАР МИҚДОРИ**

**Ўйинчилар.** Матч дарвозабонларни қўшган ҳолда ўйинчиларнинг сони 11 нафардан ошмаган икки жамоа иштироқида үтказилади.

Агар жамоаларда умумий ўйинчилар сони 7 та кам бўлса, матч бошланмаслиги мумкин.

**Расмий мусобақалар.** FIFA ёки миллий федерациялар томонидан ташкил қилинадиган ҳар қандай расмий мусобақаларда З тагача ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилади. Мусобақа низомда буюртмага киритиладиган

захирадаги ўйинчилар сони 3 нафардан 7 нафаргача – ўзаро келишилгандар бўлиши керак, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**Бошқа матчларда.** Бошқа матчларда захира алмаштирилиши мумкин, шу шарт биланки:

- жамоалар алмашинадиган ўйинчиларнинг максимал сонини ўйин олдидан келишиб оладилар;

- ҳакам бу ҳақда матч бошланишидан олдин хабардор қилиниши керак. Агар ҳакам хабардор қилинмаган бўлса ёки (келишув) матч бошлангунга қадар бир битимга қелинмаган бўлса З тагача захира алмаштиришга рухсат берилади.

**Ҳамма матчларда.** Ҳар қандай матч бошланишидан олдин ҳакамга захирадаги ўйинчилар фамилияси тақдим этилиши керак. Фамилияси кўрсатилмаган ўйинчилар матчда қатнаша олмайдилар.

**Алмаштириш тартиби.** Асосий ўйинчиларни захирадаги билан алмаштириш учун қуидаги шартларни бажариш зарур:

- ҳар қандай мўлжалланган алмаштириш ҳақида ҳакам хабардор қилинган бўлиши керак;

- захирадаги ўйинчи фақатгина асосий ўйинчи майдондан чиққандан сўнг ҳакам ҳуштагидан кейин майдонга чиқади;

- захирадаги ўйинчи ўйин тўхтатилганда фақат ўрта чизиқдан ўйин майдонига киради;

- захирадаги ўйинчи майдонга чиққандан сўнг алмаштириш тугалланган ҳисобланади;

- шу вақтдан бошлаб захирадаги ўйинчи асосий таркиб ўйинчиси ҳисобланади, алмаштирилган ўйинчи эса асосий ўйинчи ҳисобланмайди;

- алмаштирилган ўйинчи матчда бошқа иштирок эта олмайди;

- ҳамма захирадаги ўйинчилар ўйинга қатнашиш ёки қатнашмасликларидан қатъи назар ҳакам ваколатларига бўйсунадилар.

**Дарвозабоннинг алмаштирилиши.** Бошқа ҳар қандай ўйинчилар дарвозабон билан жойларини алмасишлиари мумкин, шу шарт биланки:

— ҳакам бу ҳақда алмашинишдан олдин хабардор қилинган бўлиши керак;

— алмашиниш матч тўхтаганда амалга оширилади.

**Қоида бузилиши ва жазо.** Агар захирадаги ўйинчи ҳакам рухсатисиз майдонга чиқса:

— ўйин тўхтатилади;

— захирадаги ўйинчи қилмиши учун сариқ карточка кўрсатилиш билан огоҳлантириш олади ва унинг майдондан чиқиши сўралади;

— ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан "баҳсли тўп" ёрдамида ўйин янгиланади.

Агар ўйинчи ҳакам рухсатисиз дарвозабон билан жой алмашса:

— ўйин давом этади;

— тўп кейинги марта ўйиндан чиққанда қоидани бузган ўйинчилар сариқ карточка кўрсатиш билан огоҳлантириш оладилар.

Бошқа ҳар қандай шу қоиданинг бузилишида:

— шунга мувофиқ ўйинчилар сариқ карточка кўрсатиш билан огоҳлантириш оладилар.

**Ўйинни қайтадан бошлиш.** Агар ўйин ҳакам томонидан огоҳлантириш бериш учун тўхтатилса:

— рақиб жамоа ўйинчиси томонидан ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса, шу жойдан эркин зарба билан ўйин янгиланади.

**Асосий таркибдаги ва захирадаги ҳамда чиқариб юборилгай ўйинчилар.** Бошланғич зарбадан олдин чиқариб юборилган ўйинчи, фақатгина рўйхатдаги захира ўйинчиларнинг бирортаси билан алмаштирилиши мумкин;

— матч протоколида бошланғич зарбадан олдин ёки ўйин бошланганидан сўнг чиқариб юборилган захирадаги ўйинчини алмаштиришга йўл қўйилмайди.

### *Халқаро ўигин қарори*

Ўйин чоғида жамоанинг расмий кишиси ўйинчиларга тактик кўрсатмалар беришга ҳуқуқи бор, лекин бундан

сүнг у тезда жойига қайтишга мажбур. Ҳамма расмий кишилар техник зона доирасида бўлишлари мажбурийдир.

Улар ўзларини одобли, тарбияли, хушмуомалали ва жавобгар ҳис қилиши (тутишлари) керак.

## ЎЙИНЧИЛАР ЭПИКИРОВКАСИ

**Хавфсизлик.** Ўйинчи ўз ҳаётига ёки бошқа ўйинчи ҳаётига хавф солувчи бирор нарса тақмаслиги ёки қўймаслиги керак.

**Эпикировка.** Ўйинчилар мажбурий эпикировка аломатлари ҳисобланади:

- қўйлак ёки футболка;
- қалта иштон — агар қалта иштон тагидан ички кийим кийиладиган бўлса, унинг ранги қалта иштон тагидан бўлиши керак;
- гетралар;
- оёқ қалқони;
- оёқ-кийим.

**Қалқонлар.** Тўлиқ гетра билан ёпилади;

- тўғри келадиган (мос келадиган) материал (резина, пластик ёки шунга ўхшаш)дан тайёрланади;
- етарли даражада ҳимоя билан таъминлайди.

**Дарвозабонлар кийими.** Дарвозабонлар кийимининг ранги бошқа ўйинчилар, ҳакам ва ҳакам ёрдамчилари кийими рангидан фарқ қилиши керак.

**Қоида бузилиши ва жазо.** Шу қоиданинг ҳар қандай бузилишида:

- ўйинни тўхтатишнинг ҳожати йўқ;
- ҳакам ўйинчининг ўз эпикировкасини тартибга келтириши учун майдондан чиқшини сўрайди (маслаҳат беради);
- ўйинчи тўп ўйиндан чиқсан вақтда майдонни ташлаб чиқади (чиқиб кетади), агар шу пайтгача у ўз эпикировкасини тартибга келтирмаган бўлса;
- ҳакам талаби билан ўз эпикировкасини тартибга келтириш учун майдонни ташлаб чиқсан ҳар қандай ўйинчи, ҳакам рухсатисиз яна майдонга қайтиши мумкин эмас;

— ўйинчининг яна майдонга чиқишига рухсат беришдан олдин, ҳакам унинг эпикировкасини текширади;

— ўйинчи яна майдонга чиқиши мумкин, қачонки: тўп ўйиндан чиқса. Шу қоидани бузганлиги сабабли майдондан чиқиши сўралган (ёки яна кетаётган) ўйинчи ҳакам рухсатисиз майдонга чиқса сариқ карточка кўрсатиш билан огоҳлантириш олади.

**Ўйинни қайтадан бошлаш.** Агар ҳакам огоҳлантириш бериш учун ўйинни тўхтатса:

— ҳакам ўйинни тўхтатган вақтда тўп қаерда бўлса, қарши жамоа ўйинчиси шу жойдан эркин тўп тепиш билан ўйин қайтадан бошланади.

## ҲАКАМЛИК

**Ҳакам ваколати.** Ҳар қандай матч ҳамма ваколатга эга бўлган ҳакам томонидан назорат қилинади ва ўйин қоидасига риоя қилинишини таъминлайди.

**Ҳакамнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари.** Ўйин қоидасига риоя қилинишини таъминлайди;

— матчнинг боришини ўз ёрдамчилари билан назорат қиласди;

— фойдаланилган ҳар қандай тўпни 2-қоида талабларига мос келишини таъминлайди;

— ўйинчилар кийими 4-қоида талабларига мос келишини таъминлайди;

— ўйин хронометражини ва матчни ёзиб боради;

— у ўз ихтиёрига кўра ўйинни тўхтатиши, вақтинчалик тўхтатиши ёки ҳар қандай қоида бузилишида ўйинни умуман тўхтатиб қўйиши мумкин;

— тўхтатиши, вақтинчалик тўхтатиши ёки четдан бўлган ҳар қандай аралашув туфайли матчни умумий тўхтатиб қўйиши мумкин;

— агар унинг фикрича, ўйинни жилдий жароҳат олган ва ўйинчини майдондан олиб чиқилишини таъминлаши керак бўлса матчни тўхтатади;

— агар унинг фикрича, ўйинчи унчалик аҳамиятга эга

бўлмаган жароҳат олган бўлса, тўп ўйиндан чиқмагунча ўйинни давом эттиришига рухсат бериши мумкин;

— ўйинчидан қон оқаётган бўлса, унинг майдондан чиқишини таъминлайди. Ҳакам қон оқишининг тўхтаганига ишонч ҳосил қилиб, сигнал бергандан сўнг ўйинчи майдонга қайтиши мумкин;

— қачонки ўйинчи бирданига бир нечта қоида бузилишига йўл қўйса, уни муҳимроқ (оғирроқ) бўлган қоида бузилиши учун жазолайди;

— огоҳлантириши ёки чиқариб юбориш билан жазоланадиган қоида бузилишларига йўл қўйган ўйинчиларга нисбатан интизом чораларини қабул қиласди. У бундай чораларни тез қабул қилишга мажбур эмас, лекин тўп ўйиндан чиқсан заҳотиёқ қабул қилиши керак;

— ўзларини тарбияли, маданиятли тутмаган жамоанинг расмий кишиларига нисбатан чора қабул қиласди ва ўз ихтиёрига кўра майдондан (техник зонадан) чиқариб юбориши мумкин;

— ҳакам ўзи кўрмай қолатлар бўйича ўз ёрдамчилари тавсиясига асосланиб ҳаракат қиласди;

— бегона шахслар майдонда бўлмасликларини таъминлайди;

— матч вақтингчалик тўхтатилгандан кейин уни янгилайди;

— матч давомида ўйинчиларга ёки жамоанинг расмий шахсларига нисбатан қўлланилган интизом чоралари ва ҳар хил матчдан олдин, матч давомида ёки матчдан сўнг юз берган ҳолатлар бўйича тегишли ташкилотга билдиришнома беради.

**Ҳакам қарори.** Ўйинга боғлиқ воқеалар бўйича ҳакам қарори қатъий ҳисобланади. Ҳакам агар у қарорининг хато эканлигини ёки буни ёрдамчилари тавсияси билан тушуниб етса ўзгартириши мумкин, лекин шу шарт биланки у ҳали ўйинни янгиламаган бўлиши керак.

## *Халқаро үйғын қарори*

Ҳакам (ёки шароитта қараб ёрдамчи ёки захирадаги ҳакам):

— ҳар қандай үйинчи расмий шахс ёки томошабин томонидан олинган жароҳат учун;

— ҳар қандай мулкка етказилган зарар учун;

— матчни ташкил қилиш, ұтқазиш ва бошқарища зарур бўлган ёки үйин қоидаси талабларига мос қабул қилинган қарорлар оқибатида юзага келган ёки юз берган ҳар қандай клуб, компания, уюшма ёки ташкилотга етказилган ҳар қандай зарар учун фуқаролик жавобгарлигига тортилмайди.

Буларга кириши мумкин:

— майдон ҳолатига ёки об-ҳаво шароитига кўра матч ұтқазишга ижозат бериш-бермаслик;

— бирон-бир сабабга кўра матчни тўхтатиш тўғрисидаги қарор;

— матч давомида фойдаланиладиган ускунна ёки жиҳозлар дарвоза устуни, тўсини, бурчак байроқлари ва тўпни қўшган ҳолда ҳолати тўғрисидаги қарори;

— томошабинлар аралашуви сабабли ёки томошабинлар учун ажратилган зонада юз берган муаммолар учун матчни тўхтатиш ёки тўхтатмаслик тўғрисидаги қарори;

— жароҳат олган үйинчига тиббий ёрдам кўрсатилиши учун майдондан чиқишига рухсат бериш учун үйинни тўхтатиш ёки тўхтатмаслик тўғрисидаги қарори;

— жароҳат олган үйинчидан унга тиббий ёрдам кўрсатиш учун майдондан чиқишини сўраш ёки талаб қилиши тўғрисидаги қарори;

— үйинчига айрим кийим ёки эпикировка предметларини тақиб юришга рухсат бериш ёки рухсат бермаслик тўғрисидаги қарори;

— ҳар қандай шахсларга (жамоанинг ёки үйингоҳ расмий кишилари, хавфсизлик хизмати вакиллари, суратчи ёки бошқа оммавий ахборот вакилларини қўшган ҳолда) тўғридан-тўғри майдон яқинида бўлишларига рухсат бериш ёки рухсат бермаслик (унинг мажбуриятлари доирасида бўлса) тўғрисидаги қарори;

— ўйин қоидасига мос келувчи ёки ФИФА регламенти ёхуд қоида шартларига кўра унинг вазифасига кирувчи бошқа ҳар қандай қарор.

Захирадаги ҳакам тайинланадиган мусобақа ёки турнирларда, унинг роли ва мажбурияти халқаро йигин томонидан тасдиқланган кўрсатмага мос келиши керак.

## ҲАКАМ ЁРДАМЧИЛАРИ

**Мажбурияти.** Икки нафар ҳакам ёрдамчиси тайинланади ва уларнинг вазифасига (ҳакам қарорига боғлиқ):

- қачонки тўп майдон чизигидан ташқарига тўлиқ чиқса;
- қайси жамоа бурчак тўпи, дарвозадан зарба ёки тўп ташлаш ҳуқуқига эга бўлганда;
- қачонки ўйинчи ўйиндан ташқари ҳолатда бўлганлиги учун жазолангандা;
- қачонки ўйинчи алмаштириш тўғрисида илтимос бўлса;
- ҳакам кўриш майдонидан ташқарисида юз берган интизомсиз хулқ, ёки бошқа ҳар қандай ҳолатлар бўйича;
- қачонки қоида бузилиши содир этилганда шу жойга бош ҳакамдан кўра ҳакам ёрдамчилари яқин бўлган ҳолатларда (қисман жарима майдонидан юз берган қоида бузилишлари ҳам киради);
- шундай ҳолларда яъни қачонки 11 м ли жарима тўпи бажарилаётганда дарвозабон тўпга зарба берилишидан олдин жойидан олдинга силжиса, тўп эса чизиқни кесиб ўтса сигнал бериш киради.

**Ёрдам.** Ёрдамчилар ҳакамга матчни ўйин қоидасига мос ўтказилишига ёрдам берадилар. Ёрдамчилар 9,15 м масофасига риоя қилинишига ёрдам бериш учун майдон доирасига кириш мумкин.

Ҳакам ўз ёрдамчисини асосланмаган аралашув ёки қўпол муомала ҳолатларида вазифасидан озод қиласди ва тегишли ташкилотга билдиришнома беради.

## МАТЧ ДАВОМИЙЛИГИ

**Ўйин вақти.** Ўйин 45 дақиқадан 2 тайм давом этади (агар ҳакам ва икки жамоа вакиллари бошқа вариантни келишмаган бўлса). Ҳар қандай ўйин вақтини ўзгартириш тўғрисидаги келишувга (масалан, ёруғликнинг етишмаслиги сабабли ҳар қайси таймнинг 40 дақиқагача қисқартирилиши) ўйин бошлангунга қадар эришилган бўлиши керак ва бу ҳолат мусобақа талабларига жавоб бериши лозим.

**Таймлар оралиғидаги танаффус.** Ўйинчилар 2 тайм оралиғида танаффус қилишлирига ҳақлари бор. Тайм оралиғидаги танаффус 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Мусобақа тартибида таймлар оралиғидаги танаффус вақти кўрсатилган бўлиши керак. Таймлар орасидаги танаффуснинг давомийлиги фақат ҳакамнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

**Қўшиб берилган вақт.** Қуйидаги ҳолатларга кетган вақт учун икки таймнинг ҳар қайсисига қўшиб берилади:

- ўйинчиларни алмаштиришга;
- ўйинчининг жароҳати жиддийлигини аниқлашга;
- жароҳатланган ўйинчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун уларни майдон ташқарисига олиб чиқишига;
- қасдан ўйин вақти чўзилса;
- бошқа ҳар қандай ҳолатларда қўшилган вақтнинг давомийлигини фақат ҳакам аниқлайди.

**11 метрлик тўп.** Ҳар қайси икки таймнинг асосий вақтнинг охирги дақиқасида ёки қўшиб берилган вақтнинг охирги дақиқасида белгиланган 11 метрлик жарима тўпи учун алоҳида вақт ажратилади.

**Охиригача ўйналмаган матч.** Агар мусобақа низомида бошқача ҳолатлар бўлмаса охиригача ўйналмаган матч қайта ўйналади.

## ҮЙИН БОШЛАНИШИ ВА ЯНГИЛАНИШИ

**Дастлабки шартлар.** Дастлабки бошланишидан олдин күръя ташлаш ўтказилади ва жамоалардан бири дарвозани танлаш ҳукуқини олади.

Қарши жамоа матчда бошлангич зарбани бажаради.

Қуръя ташлаш туфайли дарвозани танлаган жамоа, иккинчи таймда бошлангич зарбани бажаради.

Матчни иккинчи таймидан жамоалар дарвоза алмашадилар.

**Бошлангич зарба.** Бошлангич зарба бу үйинни бошлаш ёки үйинни янгилаш учун қўлланиладиган усуудир.

1. Матч бошида.

2. Урилган голдан сўнг.

3. Иккинчи тайм бошида амалга оширилади.

**Бошлангич зарбани бажариш ҳолатлари.**

1. Ҳамма үйинчилар ўз майдонида бўлишлари керак.

2. Бошлангич зарбани бажариш ҳукуқини қўлга кирита олмаган жамоа үйинчилари тўп үйинга киритилмагунча тўпдан 9,15 м масофа узоқликда туришлари керак.

3. Тўп ҳаракатсиз ҳолатда майдон марказида туради.

4. Ҳакам сигнал беради.

5. Тўпга зарба берилиб, тўп олдинга ҳаракатлангандан сўнг тўп үйинда ҳисобланади.

6. Бошлангич зарбани бажарган үйинчи тўп бошқа үйинчига тегмагунча иккинчи маротаба тегишга ҳаққи йўқ.

Жамоалардан бири гол ургандан сўнг бошлангич зарба бошқа жамоа үйинчиси томонидан бажарилади.

**Қоида бузилиши ва жазо.** Агар бошлангич зарбани бажарган үйинчи тўпга бошқа бир үйинчи тегмасдан олдин иккинчи маротаба тегса:

1. Қоида бузилган жойдан рақиб жамоа үйинчисига эркин тўп тепиши ҳуқуқи берилади.

Хар қандай бошлангич зарба бажашиш тартиби бузилганда:

— бошлангич зарба қайтарилади.

**Баҳсли тўп.** "Баҳсли тўп" – бу үйинда бўлган вақтда үйин қоидасида кўзда тутилмаган ҳолат бўйича вақтинчалик тўхтатилгандан сўнг үйинни янгилаш усуудир.

**Баҳсли тўпни бажариш ҳолати.** Ҳакам ўйинни тўхтатганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан тўпни ташлаб берилади. Тўп ерга тегиши билан ўйин давом эттирилади.

**Қоида бузилиши ва жазо.** Баҳсли тўп қайта ўйналади:

- агар ўйинчи тўп ерга тегмасидан олдин тегса;
- агар тўп ерга теккандан сўнг майдон ташқарисига чиқиб кетса ва бунда ҳеч қайси ўйинчи тўпга тегмаган бўлса.

**Муҳим ҳолатлар.** Ҳимояланувчи жамоа фойдасига унинг дарвоза майдони чегарасида эркин ёки жарима тўпи белгиланса дарвоза майдонининг ҳар қандай нуқтасидан бажарилади.

Хужум қилувчи жамоа фойдасига белгиланган рақиб жамоа дарвоза майдони чегарасидаги эркин тўп дарвоза майдони чизигидан қоида бузилган жойга яқин нуқтада бажарилади.

Дарвоза майдони ичида вақтгиналик тўхтатишдан сўнг ўйинни янгилаш учун қўлланиладиган "баҳсли тўп", дарвоза чизигига параллел ҳолатда дарвоза майдони чизигида ўйин тўхтатилган вақтда тўп қаерда бўлган бўлса, шу жой яқинидаги нуқтадан ўйналади.

## ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК

Футболчиларнинг психологик тайёргарлиги умумий психологик тайёргарликни ва олдинда турган мусобақага психологик тайёргарлик кўришни ўз ичига олади.

Футболчи шахсининг юқори ахлоқий-иродавий хислатини тарбиялаш умумий психологик тайёргарликнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Қуйидагилар ҳам умумий психологик тайёргарлик вазифаларига киради:

- идрок этиш жараёнларини, хусусан специфик идрок этиш ("тўпни ҳис этиш", "вақтни ҳис қилиш", "фазони ҳис қилиш")ни ривожлантириш;
- диққатни (ҳажм, жадаллик, тақсимлаш, бир нарсадан иккинчисига ўтишни) ривожлантириш;
- кузатувчанликни, қийин ўйин вазиятларида тез ва тўғри мўлжал ола билишни ривожлантириш;

— ўйиндаги ҳаракатларнинг хусусиятларини эслаб қолиш ва олдинда турган мусобақада рўй бериши мумкин бўлган вазиятларни батафсил тасаввур қила билиш қобилиятида намоён бўладиган хотира ва фараз қилишни ривожлантириш;

— тактик фикрлашни, ўйин моментини тез ва тўғри баҳолаш қобилиятини, самарали қарор қабул қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилишни ривожлантириш;

— ўйин фаолияти жараёнида ўз ҳис-ҳаяжонини бошқара олиш қобилиятини ривожлантириш.

Футболчilar психикасининг ҳамма томонларини, айниқса фикрлашни, хотирани, иродани, диққатни тасаввурни доимо такомиллаштира бориш планли ишлаш ва футболчilarга педагогик таъсир этиш предмети бўлиши керак.

Умумий психологик тайёргарлик мусобақага психологик тайёргарлик кўришнинг пойдеворидир.

Галаба қилишга интилиши очик-оидин кўриниб турганлиги, ютиб чиқиш мумкин эканига ишончи, эмоционал кўтаринкилиги (ижобий ҳис-ҳаяжон) футболчининг мусобақага психологик тайёрлиги ҳолатининг шартлариdir.

Футболчida салбий ҳолатлар (тушкунлик, ҳаддан ташқари тўлқинланиш, "старт саросимаси", курашга актив интилишнинг йўқлиги) психологик тайёргарлик жараёнида ҳисобга олинади.

Футболчilarда ўз кучига ишонч уларни кўп марта мусобақаларда текшириш, кучли рақиблар билан масъулиятли ўйинларда иштирок этиш тажрибаси асосида юксак машқ кўрганлик, жисмоний жиҳатдан ўзини яхши ҳис қилиши асосида тарбия топади. Ишончни мустаҳкамланишига рақибни тўғри баҳолаш, команданинг уюшкоқлиги ва иттифоқлиги, футболчilarнинг бир-бируни тушуниши ва ўзаро ёрдамга тайёр туриши йўли билан эришилади. Тренернинг хотиржамлиги, хатти-ҳаракатлари, вазминлиги ҳам футболчilarнинг ўз кучига ишончини оширади.

Ҳар бир спортчида иродавий сифатлар юқори даражада

ривожланган бўлиши лозим. Дадиллик, қатъийлик, босиқлилик ва эсанкирамаслик, ташаббускорлик, интизомлилик асосий иродавий хислатлардир.

Футболчиларнинг иродавий хислатлари ўйин ҳаракатлари учун специфик бўлган, иродавий зўр беришни талаб этувчи машқларни тренировка жараёнида улар систематик ижро этиши йўли билан тарбия топади. Қийинчиликни енгиг ўтишга тўғри рафбатлантириш спортчиларнинг иродавий хислатларини тарбиялашда катта роль ўйнайди. Футболга қизиқиш ва муҳаббатни уйғотиш, ўз қучига ишончни масъулият сезишни тарбиялаш, мусобақалашиш методини қўллаш, тренировканинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш, тренернинг талабчанлиги, ҳар куни ўз-ўзини назорат қилиб бориш – буларнинг ҳаммаси спортчиларнинг иродавий хислатларини тарбиялашда кўмаклашади.

### **Дастлабки тайёргарлик кўриш методлари**

Техник приёмларни самаралироқ бажариш учун нерв-мускул аппаратининг зарур бўладиган тайёрлик даражасига етишда дастлабки тайёргарлик кўриш машқлари қўлланилади. Бу мақсадга етиш учун ёрдамчи машқларни осонлаштирилган ва стандарт шароитларда ўтадиган техника приёмларни тўғри қўшиб олиб бориш керак.

Ҳаракат малакаларини мустаҳкамлаш методлари. Ҳаракатларни улар орасидаги энг қулай, яъни ҳаракатларнинг энг самарали бўлишини таъминлайдиган танаффуслар оралаб кўп марта такрорлаш, малакаларни мустаҳкамлашнинг энг асосий методидир. Шу мақсадда ижобий эмоционал ҳолатларни сақлашга кўмаклашувчи машқларга ўтишдан ҳам фойдаланилади. Организмдаги физиологик жараёнларнинг сустлашиш ҳолатини ҳисобга олиб, машқларни муракқаблаштиришда тўғри изчиликка риоя қилинади.

"Ўргатиш" методини танлаётганда самарали метод сифатида бевосита бўлмаган метод кўпроқ қадрланади. Футболчи фикран ўйлаган машқни нутқий мустаҳкамлашга

ұрганади. Спортчига ҳаракат натижалари ва унга қўйилган баҳо айтиб турилади.

Кечикиб пайдо бўладиган рефлексларга (сохта стартларга, "тўп тезлатиш" ҳаракатлари ва шу сингарилар) ҳамда шартли тормозланишга, яъни у ёки бу ўринсиз ҳаракатларнинг шартли рефлекслар сифатида мустаҳкамланиб қолишига (масалан, футболчи 11 м ликни тепишни муваффақиятсиз бажарганда, яъни унда шу зарбага ишончсизлик туйғуси сезилганда) қарши кураш олиб борилади.

Ҳаракат малакаларининг шу эгалувчанлигини ривожлантириш методлари. Куч манбалари бўлган мускуллар иш бажараётганда улар билан ташқи кучлар орасида (огирлик кучи, ишқаланиш кучи, рақибининг қаршилиги ва шу сингарилар) ўзаро мускул зўр беришлари юз беришини унутмасдан, куч омилларини (огирлик, ишқаланиш, қаршилик) жуда эҳтиётик билан дифференция қилиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, мускуллар зўр беришини ташқи куч омиллари билан ўзаро нозик алоқаларида жуда гап кўп.

Шунга боғлиқ ҳолда футболчилардаги турли ҳаракатларнинг вақт ва фазовий параметрларни ва зўр беришларни дифференциациялаш қобилиятларини биринчи ўринга қўйилади. Чунки, "фазони ҳис этмай туриб керакли йўналишда аниқ ҳаракат қилиб бўлмайди, вақтни идрок этмай туриб, ҳаракатда муайян тезлик ҳосил қилиб бўлмайди, ҳаракат тезлигини керакли тарзда ўзгаририб бўлмайди" (В.С.Фарфель).

Демак, аниқ сезгилаарни пайдо қилиш лозим экан. Бунинг учун эса: биринчи фазо ва вақтни аниқ идрок этиш ҳамда баҳолашни, фазовий мувофиқлик сифатини баҳолашни билишни шакллантириш.

Тўпнинг узоқда учиб боришини, тўпни олиб бораётганда қадамнинг узунлиги ва частотасини, тўпга бериладиган зарба частотасини эркин ўзгаририш қобилиятини ҳосил қилиш лозим.

## **Ҳаракат малакалари қўзғалувчанилигини ривожлантириш учун тахминий машқлар**

1. Тўп билан 30 метрга югуриш (биринчи галда тезлик — 5 сек., иккинчи галда 5,5 сек., учинчи галда 4,5 сек.).
2. Тўп билан 30 м. га югуриш (биринчи галда қадамнинг узуонлиги 1,5 м., иккинчи галда — 2 м., учинчи галда — 1 м).
3. Тўп билан 30 м га югуриш (биринчи галда қадамнинг меъёри — 30 қадам, иккинчи галда — 32 қадам, учинчи галда — 25 қадам).
4. Тўпни тўрга тепиш (бир минутда 20 марта, 1 минутда — 15 марта, 1 минутда — 25 марта).
5. Тўпни 40, 25, 30 метрга тепиш.
6. Максимал баландликка сакраб бўлгандан кейин шундан икки марта паст баландликдан ўтиш.
7. 30 см. баландликка 10 марта хатоларни ҳисоблаб сакраш.
8. Бирданига узоқликка ва аниқликка тепиш.

Тормозланишнинг бемаҳал рўй беришига қарши кураш олиб бориш учун бошқа машқларга ўтилади, шунингдек юкни озайтириш ва танаффуслардан фойдаланилади.

Футболчилар юз берган ҳаракат вазифаларига боғлиқ ҳолда ҳаракатларни бажариш форма ва ҳарактерини варианглаштиришни билиши, бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракаттага ўтишни билиши, ноцикл ҳаракатларни ўйиннинг бошидан охирига қадар яхлит ҳис этиш қобилиятини ривожлантиришида гап кўп. Бунга турли приёмларнинг, дастлабки ва охирги ҳолатларини бирлаштириб варианглаштириш йўли билан эришилади. Тўсиқлар шаклидаги маҳсус жиҳозлардан фойдаланилади.


Шаклланган малакалар кўпинча турли ҳолатлар (толиқиши, ҳаракат вазифаларини муттасил ва ҳаддан ташқари қийинлаштириш, вазиятни кескин ўзгартитириш ва бошқалар сабабли) баъзан салга бузилиб кетиши мумкин. Кўниши қобилиятининг хусусиятлари тезда ҳосил бўлмаслигини, балки, аста-секинлик билан вужудга келишини унутмаслик керак.

**Янги ритмларни эгаллаш методлари.** Ритм – малакани шаклантириш жараёнини яхшилашнинг шартидир. Мускул қисқаришининг динамикаси ва ритмини бошқариш ҳаракат малакаларини бошқариш вазифаларидан биридир. Футболчи ҳаракат суръатини бошқариши ва баҳолай билиши керак. Бунда барқарор реакцияга эришиш имконини яратувчи ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини назорат қилиш катта роль ййнайди.

Бир суръатдан иккинчисига ўтиб машқ бажариш – ритмни эгаллашнинг воситасидир. Бунга муайян оралиқда (30 м.) берилган тезлиқда (5, 6, 7 сек. бошқ.) тўпни олиб юриш машқи киради. Бир машқдан иккинчи машқда ўтиш навбатлаштирилади. Шунга ўхшаш машқлар қийин шароитларда ҳам суръатни бир хил сақлаш кўникмасини ҳосил қилишга кўмаклашади, бу эса рақиб билан кураш олиб боришда доимо жуда муҳимдир.

**Анализаторларни мукаммаллаштириш методлари.** Футболчининг ҳаракат фаолияти самарадорлигини ошириш учун турли анализаторлардан фойдаланишни билмоқ даркор. Бу биринчى навбатда кўриш ва эшитиш сезгиларига тегишлидир. Уларни баҳолашни билиш керак. Бундай билиш маҳсус машқларни бажараётганда (масалан, ҳаракат вазифаларини "қарамасдан" бажариш учун қараб назорат қилишни бартараф қилиш) керак бўлади.

Иш суръатини ҳаракатга кетган вақтга оид маълумот билан қиёслаш ҳам, шу билан бир пайтда ҳақиқий вақтнинг субъектив ҳис-туйгулар билан қиёсланиши ҳам ўша мақсад учун хизмат қиласди. Машқ сифатида тўп билан ҳуққабозлик қилишдан фойдаланиш мумкин.




1-расм.

Футбол техникаси ҳақидағи бошқа тушунчалар тўп йўналиши ва учиш тезлигига тегишлидир.

Физика дарсларида сиз, албатта, "марказ" сўзининг маъносини билиб олгансиз. Шундай экан, агар тўп марказига

тепилса, у куч тушган йұналишда олдинга қараб тұғри – айланмай ҳаракатда бўлади (1-расм).



2-расм.

Агар зарб берәётган оёқ учлари түп ўртасига тегмаса, у текислиқдан үнгга ёки чапга бурилиб кетади (2-расм). Бу күпинча нотұғри техника оқибатида рүй беради. Лекин баъзи футбол усталари тактик нұқтаи назардан түпни атайлаб дарвозага "бурама қилиб" ёки рақиб орқасида турған шеригига етказиб бериш учун түпни "бураб" тепади. Бу узоқ муддат ва тинимсиз машқ талаб қиладиган жуда мураккаб услубдир.

Баъзан түп дарвоза түсимиңи тепасидан үтиб кетади. Бунга күпинча үйинчиларнинг таянч оёқларини түпдан ҳаддан ташқари узоқ (орқага) қўйғанлиги сабаб бўлиб, бунда пастдан юқорига қараб зарб берилади.

Энди сиз бизнинг тушунтиришларимизни ўқиганингиздан сўнг бир неча машқ бажариб кўринг. Бунда түпнинг физика қонунларига биноан ҳаракат қилишига эътибор беринг.



3-расм.

Икки түпни бир-биридан 5–7 метр узоқликда ерга қўйинг (3-расм). Бир түпни иккинчисига қараб оёқ учида астагина тепиңг ва иккинчи түп биринчи түпнинг зарбидан дарвозага киритилиши учун (оёқ учиға бўр суртиб қўйинг) биринчи түпнинг қайси нұқтасига зарб берилиши кераклигини кузатинг. Ҳар бир оёқда 20 мартадан тепганингизда нишонга неча марта теккизганингизни сананг.

Ерда ётган түпнинг марказига эмас, балки марказидан




4-расм.

чап ва ўнг томонига оёқ учида 10 мартадан тепинг. Тўп қайси томонга қараб ҳаракат қилишини кузатинг ва тўп нишонга тегиши учун унинг қаерига тепиш кераклигини эсда тутиng (4-расм).

Гардиш осинг ёки деворга тўпдан 5–7 метр масофада диаметри 1 метрли доира чизинг. Югуриб келаётib таянч оёғингизни қўйиш учун ерда

чизиқ торting. Бу чизиқ олдига (35–40 см) тўпни қўйинг. Тўп остига, яъни тўпнинг оғирлик марказидан пастига тепинг ва 20 зарбдан нечтасини нишонга теккизганлигингизни ҳисобланг (5-расм).



5-расм.


Худди мактабда алифбедан ўқиш ва ёзишни ўргангандек "футбол "алифбе"сини ўзлаштиришда ҳам "алиф"дан, яъни фақат учта техник приём ва уларнинг қўшилмасини бажаришни ўрганиб олиш керак:

— оёқ юзининг ички ва ташқи қисмларида тўп суриш (6-расм);

— югуриб келиб оёқ юзининг ўртаси билан тўпни тепиш (7-расм);

— қарши томондан думалаб келаётган тўпни оёқ юзининг ички томони билан тўхтатиш (8-расм).

Болалар! Сиз балки футболчиларга хос хусусият – "тўпни ҳис этиш" ҳақида эшигандирсиз? Тўпнинг физик хусусиятларини мушаклар орқали сезиш қобилиятини-чи?



6-расм.


7-расм.

Бу жуда муҳим хислат. Биз ҳам ишни худди ана шу "түпни ҳис этиши" қобилиятини ўрганишнинг техник приёмларини ўзлаштиришдан бошлаймиз.

Машхур Пеле худди шу қобилиятни түп ўйнатища фойдаланиб такомиллаштиришга кўп эътибор берган эди.

"Жонглёрлик қилиш, — деб ёзган эди у, — якка ўзи машқ қилишда идеал машгулотдир. Унинг моҳияти шундаки, ўйинчи түпни эркин ўйнатиб, уни ҳис қилишга одатланади. Энди беҳосдан отилиб келган түп ёки йўлини "қисқартириб", түпнинг ҳаводаги оғиши уни доғда қолдира олмайди. Футболчи жонглёрлик қилиш вақтида фикрини бир жойга тўплаб олишга, бутун эътиборини тўпга қаратишга ўрганади. У түпни ўйланган йўналишдаги керакли масофага етказиб бериш учун зарур зарб бериш мілакасига эга бўлади. Нихоят у яна ўз мувозанатини сақлаш учун қўлларидан фойдаланишга ўрганадики, бу ҳам футболда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки түп олиб юрилда оёқлар баъзан шундай ҳаракат қилиб қоладики, бундан ўйинчи мувозанатини йўқотиб қўйиши мумкин".

Лекин жонглёрлик қилишдан олдин түпни ердан ҳавога кўтариб олишни ўрганиш керак. Бунинг учун ўйинчи түпни ўз олдига тахминан 30 см масофага ўрнатиб, оёқ юзини тўпга қўйиб, оёқни орқага тортиб, тўпни ўзига томон думалатиб олиши керак. Тўп ҳаракатга келиши биланоқ,



8-расм.

дархол оёқни тортиб олиб, ҳаракатланаётган түп олдида оёқ учини ерга тиранг. Түп оёқ юзига юмалаб чиқиши биланок, оёқ бармоқларини юқорига күтариңг ва оёғингиз билан олдинга қараб енгил ҳаракат қилинг (9-расм).



9-расм.

Шуни эсда тутиш мұхымки, жонглёрлик қилишда доимо түпни остидан уриш асосий мақсад бўлмаслиги керак. Зарб беришнинг турли усуллари, зарб кучи ва түп траекториясини ўзгартириш, эътиборни бошқа объектларга ҳам қаратиш, тўлни ҳаракатда, ўтирган ҳолатда, гимнастика скамейкасида турган ҳолда жонглёрлик қилиш ва бошқа қобилияtlарни ишлатиш мұхимдир.

Лекин, энг аввало, тўлни оёқларда ўйнатишга – оёқ юзида, оёқнинг ички, ташқи томонларида, тизза билан тепиб ўйнатишни ўрганиш керак. Тўлни пастдан марказга зарб бериб кўтариб олиш керак. Бунинг учун оёқни болдирдан енгилгина буккан ҳолда ҳар гал тўп тепаётганда болдирга нисбатан оёқ учини кўтариш керак. Машқ пайтида "зарб

бераётган оёқ" ерга тегмаслиги, түп эса тизза бүйи баландликка күтарилиши керак (10–11-расмлар). Шундан кейин түпни оёқлар орасига олиб жонглёрлик қилишга киришиш мумкин (12-расм). Оёқни шундай күтариш керакки, бунда тизза бүгини сал бүш қўйилган, сон эса горизонтал ҳолатда бўлиши лозим. Танани сал орқага ташлаш керак. Бундай ҳаракатлар одат тусига кириб қолганда, түпни гоҳ бир, гоҳ иккинчи оёқ тиззаси ва сони билан тепароқ (энгақдан оширмай) уриб ўйнатиш, кейин оёқ юзаси билан түпни худди шундай ўйнатиб туриш керак. Тик туриб ёки таянч оёқда түп зарбига монанд сакраб-сакраб жонглёрлик қилиш жуда фойдали машқдир (13-расм).



10-расм.

Болалар! Жонглёрлик қилишга дастлабки уринишларни сизларга осонроқ бўлган оёқда қилишдан бошланг, қачонки ўзингизга маълум даражада ишонч ҳосил қилганингиздан кейин "сустроқ" ва "кучлироқ" оёқларингизни алмаштириб, кейин эса фақат "сустроқ" оёғингизда жонглёрлик қилишга киришинг.

Бу машқдан мақсад – икки оёқда ҳам "ўйнашга" ўрганишдир. Техник приёмларни бажараётган футболчи фақат бир оёқдан фойдаланадиган бўлса, уни фақат яrim имкониятли ўйинчи, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ўйинчининг ўйин пайтида түпни ўзига "қулай" бўлган оёғига "мослаштириб" олиши учун вақт кетади ва ўйиндаги қулай вазият бой бериб қўйилади-да, қўшимча ҳаракатлар қилишига тўғри келади.

Энди бошда түп ўйнатиши ўрганиш пайти келди (14-расм). Аввал қўлда түпни вертикал ҳолатда олдингиздан 30 см масофада 50–60 см баландликка отиш керак. Бошни орқага ташлаш лозим. Тўпга пешона ўртаси билан зарб бериш керак, бунда қўллар ёрдамида мувозанат сақлаган ҳолда оёқларда пружинасимон сакраб-сакраб турилади. Агар дастлабки пайларда тўп тепага аниқ чиқмаса ва тўпга етиб бориш учун ўз ҳолатингизни тез-тез ўзгартириб

туришга тұғри келса, сира ташвишланманг. Ҳечқиси йүк. Тезда үрганиб кетасиз.

Агар сиз тұп билан жонглёрлик қилиш учун кунига 10 – 15 дақықа машқ қила олсанғиз, тез орада ҳамма техник приёмларни әгаллаб, тұпни усталик билан олиб юришга үзингизда ишонч сеза бошлайсиз. Жонглёрлик қилаверинг! Бунинг учун фақат унча катта бўлмаган майдонча, кичкина резина ёки теннис тұпи (агар ҳақиқий тұп бўлмаса) ва уни иложи борича ҳавода ерга туширмай "ушлаб туришга" бўлган хоҳиш бўлса кифоя.

Тұпни тепиши, тұхтатиб қолишини ва уни "соф санъат" учунгина үйнатмай, балки шериклар билан бирга турли үйин вазиятларида рақибга қарши ҳаракат қилишини үрганиб олиш керак.

Футбол техникасини үзлаштириб олишдаги қийинчиликлар шу билан изохланадыки, бунда тұпни оёқ ва бош билан үйнатиш зарурати, бунинг устига рақиб билан қаттиқ олишиш (гарчи кундалик ҳаётда бу инсон ҳаракатларига зид бўлса-да) зарурати туғилади.



11-расм.



12-расм.



13-расм.

Мутахассислар үйин давомида футболчи тұп билан 50 мартадан 100 мартагача (65 – 200) учрашишини ҳисоблаб чиққанлар. Аммо бундай қисқа вақт давомида (үртача 2 – 2,5 дақықа) тұпға эга бўлиш билан үйин вазиятидаги техник приёмларни бажарышнинг ҳажми, турли-туманлиги, самаралилиги, тезкорлиги, мавҳумлиги ҳақида үзингиз үйлаб кўришингиз мумкин.

Майдон үйинчисининг тўп эгаллаш техникасига қуидаги гурӯҳдаги приёмлар киради: оёқда бериладиган зарбалар (6 усул), бошда бериладиган зарбалар (2 усул), тўпни оёқда тўхтатиш (6 усул), гавда билан тўхтатиш (2 усул), оёқда тўп суриш (5 усул) ва бошда тўп суриш (1 усул), оёқ билан қилинадиган финтлар (5–6 усул), гавда билан қилинадиган финтлар (2–4 усул), бошда қилинадиган финтлар (2–3 усул), оёқларда ва елка билан туртиб тўпни тортиб олиш (2 усул), тўпни үйинга киритиш.

Тўп үйнатишни энг оддий малакалардан ўрганишдан бошлиш керак. Булар – тўпни үйнатиб олиб юриш, тўп тепиш ва тўпни оёқда тўхтатиб қолиш. Сўзсиз, тўпга эга бўлиш приёмлари техникасини назарий жиҳатдан ўрганиб олиш билангина техник маҳоратни эгаллаб олиш мумкин эмас.


Тўпни олиб юриш – бу тўпни ҳаракат вақтида назорат қилиш малакасидир. Бу приём югуриш, тўпни рақиб қаршилигида мувозанат сақлаган ҳолда турли усуллар билан тепа билишни ўз ичига олади. Яхши үйинчиларда яна майдонни кўра билиш ва бир вақтнинг ўзида тўпни назорат қила билиш малакалари ҳам қўшилган бўлади.

Тўп суришни иккита асосий усулга ажратилади: оёқ панжалари гумбазининг ички ва ташки қисмида улардан тўғри чизик бўйлаб, ёйсимон ҳамда йўналишни ўзгартириб ҳаракат қилинаётганда фойдаланилади. Майдонда

кенг ҳаракат қилиш имкони бўлганда тўп үйинчидан 60–100 см олдинда бўлиши керак. Рақиб тифиз таъқиб қилаётган пайтда тўпни бундан узоқлиқда тутиш хавфли, шунинг учун у үйинчидан 10–15 см дан ортиқ масофада бўлмаслиги керак ва унга оёқнинг тўпиқдан сал олдинги қисми билан зарб берилиб бориши керак. Гавда, бош ва



14-расм.



15-расм.

елкалар олдинга энгаштирилган, оёқлар тиззадан бир оз букилган бўлиши лозим.

Тўп суришга ўрганишнинг дастлабки босқичида тўғри чизиқ бўйлаб секин югуриш ва тўп тепишнинг маълум меъёрини ўзлаштириб олмагунча ҳаракат қилавериш керак. Бу ҳаракат қанча яхши бўлаётган бўлса, шунча тезроқ югуриш керак. Шундан кейин югуриш тезлигини дарҳол ўзгартириб тўп тепишга мосланишга ўрганиш учун тезликни ўзгартириб, тўп суришни ўзлаштириб олишга ўтилади.

Тренировканинг кейинги босқичи – рақиб таъқиби остида тўп думалатищдир. Яна сизнинг эътиборингизни бу приём техникасига жалб қиласиз. Тўп олдинга қараб тўп марказининг горизонтал чизиги ёки унинг сал пастрофига тегиб ҳаракат қиласи (15-расм). Югуриш жараёнида "етакчи" оёқ юзаси тўпга тегишдан олдин подъём (оёқ панжалари гумбази)нинг ички қисми (16-расм) ёки ташқи қисми (17-расм) сал ташқарига айланиб чиқади. Оёқни тўпга ишонч ва зарур куч билан теккизиш керак. Бунда гавда олдинга сал эгилган бўлади. Тўпга доимо қарайвериш керак эмас, чунки бу ҳолатда сиз бошқа ўйинчилар нима қилаётганлигини кўролмай қоласиз. Шунингдек, тўпни доимо бошни кўтариб, бутун майдонга қарайвериб суриш

ҳам мумкин эмас.  
Ҳар қачонгидек, бу  
гал ҳам мўътадиллик  
зарур: ўз олдингиздаги  
майдонга қараш  
керак.

Энди тўп ўйнатиш  
билин боғлиқ бўлган  
қуйидаги машқларни  
бажариб кўринг:

– тўпни доира  
бўйлаб, секин-аста  
аввал оёқ юзининг  
бир томони билан,



16-расм.

17-расм.

кейин эса иккинчи томони билан юмалатиш, бунда түп тепилаётган оёқнинг ҳолати тұғрилигіга эътибор беріш керак;

— ерда "саккиз" рақамини чизинг. Аввал үнг оёқ юзининг чап томони билан соат стрелкаси йұналишида, кейин оёқ юзининг үнг томони билан соат стрелкасига тескари йұналишда түпни думалатинг;

— олдинги машқларни энди чап оёқда бажаринг. Бутун гавдани тұғри тутиш ва түпни күздан қочирмасликка эътиборни қаратиш керак;

— "кучли" оёғингиз (масалан, үнг оёғингиз) билан оёқ юзининг чап томони билан түпни тепа бориб секин суръатда (қадам ташлаб) тұсикұлар оралаб — түп билан чапга, кейин "суст" (чап) оёқ билан үнгга ташлаб түпни думалатинг;

— энди олдинги машқларни "кучли" үнг оёғингиз юзининг чап томони билан түпни тепа бориб үнгга, кейин "суст" (чап) оёғингиз билан чапга ташлаб думалатинг.

Бу машқларнинг ҳаммасини секин югуриб бажариш керак. Агар түп оёқдан "қочмай" қўйса, суръатни бир оз оширинг.

Энди кейинги нормативни бажаринг.

Майдончага бир-биридан 2 метр масофада 10 та байроқча ўрнатинг. Старт ва финишни биринчи байроқчадан 2 метр оралиқда бир хил чизиқ билан белгиланг. Шундай қилиб, түп билан вақтга қараб, олдин у томонга, кейин бу томонга байроқчаларни айланиб ўтинг. 22 секунд натижА — "аъло", 24 секунд — "яхши", 27 секунд — "қониқарли".

Сиз түп суришни қанчалик яхши ўрганиб олган бўлсангиз ҳам, бу приёмдан ҳаддан ташқари кўп ва узоқ муддат давомида ўйинда фойдаланиб бўлмайди. Чунки рақибингиз сизнинг йўлингизни тўсиб, ўйнатмай қўйиши мумкин. Бундан ташқари, ўйиндаги шерилларингиз сизга түп тегиши билан нима қилишларини билолмай ҳаракатсиз туриб қолишлари мумкин.

Яна бир нарса. Сиз түпни рақибдан тўсиб суриш учун ўз гавдангиздан фойдаланишни ўрганишингиз керак.

Масалан, агар рақиб сизга чап тарафдан ҳужум қилаётган бўлса, у ҳолда сиз тўпни тўп билан рақиб ўртасида бўлиш учун ўнг оёқ билан (рақибдан узоқроқ) сурасиз.


Зарб – ўйиндаги энг асосий ҳаракат бўлиб, бунда доимо дарвозани нишонга олиш ёки тўпни шеригингизга ошириш билан икки мақсад кўзда тутилади.

Футбол қироли, Пеле бу ҳақда нималарни тавсия қиласди: "Бу мақсадга эришиш учун оёқ подъёми ўртаси билан тўп марказига зарб бериш керак. Таянч оёқ позицияси моҳиятган муҳим аҳамиятга эга – у тўп билан бир текислиқда, масалан, ундан 15 см четроқда бўлиши керак, бунда оёқ панжалари тўпнинг кўзда тутиладиган учиш тарафига қаратилади. Таянч оёқ тиззаси енгил эгилган ва тўп билан бир текислиқда, товон осилиб туриши учун олдинга туртиб кўриш керак. Зарб берилаётган пайтда гавда тўп устида шундай букилиши керакки, бунда бош ҳатто ундан олдинда, тўпни тепаётган оёқ тиззаси эса бевосита ундан баланд бўлиши лозим. Тепадиган оёқ тиззаси иложи борича зарбдан олдин орқага эгилиши, кейин тўп теккандан сўнг дарҳол тўғриланиши жуда муҳимdir (18-расм). Ҳаракатлар мутаносиб, тўғри бажарилиши учун таянч оёқни тўп билан бир текис қувиш ва 4–5 қадам наридан югуриб келиш керак. Сиз бу ҳаракат занжиринда бешта муҳим моментни илғаб оласиз:

- югуриб келаётганда узайтирилган сўнгги қадам;

- болдир ва тос оралиғида энг ўткир бурчак яратиш, шунингдек таянч оёқни 15 см ёндан ва тўп текислигида тўғри тутиш;

- оёқ тўпга теккан вақтда тизза бўғимида деярли тўғриланиши ва тизза гўё тўп устида осилиб қолгандек бўлиши лозим;



18-расм.

— зарб бериш вақтида оёқ (тос + болдир + товон) "бикр ричаг"га айланади;

— зарб берилгандан кейин тепаётган оёқ олдинга узатилиб кетади.

Энди болалар, олган назарий билимларингизни қуидаги футбол үйинига яқин машқларда текшириб күринг:



19-расм.

— тез югуриб келиб түпсиз ясама зарб. Ерда 4 та чизиқни шундай чизингки, уларнинг дастлабки учтаси бир-биридан 70–80 мм масофада, сўнгти — тўртинчиси эса 1,3–1,5 м бўлсин (19-расм).

— чизиқларни босган ҳолда тезлаштирилган зарб югуришини бажаринг;

— чизиқлар бўйлаб ўша зарб югуришини энди тўп тепиб бажаринг;

— тўпни дарвоза тўсинига ердан 5–10 см баландликда чизимчага осиб қўйинг, қимирамай осилиб турган тўпга оёқ юзасини (кафтини) кўтариб туриб зарб беринг. Агар тўп тўғрига қараб учмаса, ўйлаб кўринг, нима ноўрин қилинди?

— подъём ўртаси билан оғирроқ тўпни (баскетбол ёки тиқма тўплар) тепинг. Бу сизнинг зарб бериш вақтингизда мушакларингизга юқори даражада куч бериш заруратини туғдиради;

— жойингизда туриб ёки икки қадамдан тез югуриб келиб бўш дам берилган тўпни (оёқ панжалари гумбазининг тўпга узоқроқ тегиб туриши учун) оёқларни алмаштирган ҳолда ҳар бирига алоҳида туртки бериб тепинг.

Үртогингизни дарвозага қўйинг. Сиз унга дарвозадан 16,5 метр оралиқда турган тўпни югуриб келиб тепиб, 30 зарбдан нечтасини гол қила оласиз?

— қуйидаги нормативларни бажаринг: қимирламай турган тўпни 16,5 метр (жарима майдони чизиги) масофадан зарб билан югуриб келиб подъём ўртаси билан тепиш. Тўп қаттиқ тепилиши ва дарвозага ҳаводан кириб кетиши керак. Ҳар бир оёқда беш мартадан уринг.

Ўзингиз ўзингизга баҳо қўйишингиз мумкин: дарвозага 8 та тўпни тўғри йўлласангиз — "аъло", 6 та йўлласангиз — "яхши", 4 та йўлласангиз — "қониқарли".

Хўш, қўнглингиз тўлдими? Унча эмас-а? Ҳечқиси йўқ! Энди ҳаммаси машқ қилишга боғлиқ! Бундай кучли зарбаларнинг ҳар икки оёқда ҳам бир хилда яхши бажарилиши жуда муҳим. Шунга интилинг!

Мана сизга ўйинда шерикларнинг тўп етказиб бердилар, сиз эса ҳар гал уни тўхтатиб қола олмай олдириб қўясиз. Сиз тушунасизки, тўпни эгаллаб олиш жуда муҳим. Мана шу ўринда уни тўхтатиб олиш малакаси ёки тўпни қабул



20-расм.

қилиб олганда асосий талаб — у билан эркин муносабатда бўлиш уқувини намойиш қилиш керак бўлади.

Тўпни тўхтатиб қолиш замирида оёқни, гавдани тўпга тегиши пайтида орқага ташлаш ҳаракати ётадики, бунинг натижасида (амортизация принципи туфайли) тўпнинг учиш тезлиги сўнади. Амортизациядан фақат тўпни тўла тўхтатиб

қолиш учун эмас, балки түп ҳаракатини секинлатища фойдаланилади. Мисол учун, доимий ҳаракатдаги рақиб ҳимоячиси таъқиб қилиб турганида ҳужумчи ўйинда түпни тұла тұхтатиб олиш имконига эга бўлмайди. Ҳужумчиларга кўпинча бошқа техник элементларни бир приём билан боғлаб қўшиб, бир пайтнинг ўзида түпни тұхтатиб ва унга бошқа йўналиш бериб, лекин ўз назоратидан чиқариб юбормасдан енгилгина тепишига тўғри келади. Бинобарин, сиз маҳоратнинг юксак даражасига ҳали эришганингиз йўқ, шунинг учун сиз аввало бир жойда туриб ва тўпнинг сизга яқинлашишини кутиб, соддароқ шароитда уни тұхтатиб қолишинг асосий компонентларини эгаллаб олишингиз керак.

Оёқ юзасининг ички томони билан қарши томондан думалаб ёки учиб келаётган түпни тұхтатиши техникасини кўриб чиқамиз (20-расм): таянч оёқнинг тизза ва болдири суюги бир оз букилган, оёқ учи яқинлашаётган түп томонга қаратилган, гавданинг бутун оғирлиги таянч оёққа тушган бўлади. Қўллар мувозанат сақлаб туради. Нигоҳлар тўпга қадалган. Бошқа (түпни қабул қилувчи) оёқ ҳам тиззадан букилиб, ердан кўтарилиган бўлиб, болдири ерга нисбатан  $45 - 50^\circ$  бурчак ҳосил бўладиган қилиб таянч оёқ чизифидан олдинга узатилган бўлади. Бўғимлар тўла бўшаштирилган. Қаддингиз тик ёки сал олдинга эгилган. Оёқ билан тўпга тегиши пайтида гавдани тезда орқага ёки пастга худди бўшаштирилган оёқ кафти билан маълум масофага түпни "кузатиб" қўяётгандек суриласди, шунингдек бунда гавда ҳам орқага ташланади. Тўп тұхтамагунча уни кўздан қочирмаслик керак. Шундан сўнг гавда оғирлигини бошқа оёққа ташланади. Энди ҳамма бу назарий шартларни эсда сақлаш ва кейинги машқларни бажариш керак:

— жойда тик туриб, тўпсиз, тизза ва оёқнинг болдири бўғинлари бўшаштирилган ҳолда амортизация ҳаракатлари қилиш. Мувозанат сақлаётган қўллар ва тананинг орқага қилаётган ҳаракатига алоҳида эътибор беринг;

— арқонча билан түпни боғлаб, уни ердан сал кўтариинг,

түпни аввал секингина зарб билан оддинга тепинг, кейин эса унинг қайтишини пойлаб, уни оёқ юзаси билан аста тұхтатинг. Оёқ кафти ердан 5 – 8 см баландроқ, құтарилиши ва түп унинг горизонтал маркази билан тепилиши керак;

– тиззадан букилган таянч оёқ билан ва түпни тұхтатиб қолишга тайёр турған "қабул құлувчи" оёқда секин-секин сакраб, 20 – 30 метр масофани үтинг;

– оёқ кафтининг ички томони билан түпни деворга қараб тепинг (100 марта) ва уни худди шу усул билан тұхтатинг. Бунда ҳар иккала оёқ билан галма-гал түп тепишини унугтманг;

– гавдангизни тұғри тутиб, дастлабки тұғри ҳолатда туринг ва тиқма түп ёки бүш дам берилған түпни тепадан тушиб, сизга яқынлашишини күтинг. Унинг оёқ юзига тегадиган пайтида оёқ кафтининг түп билан алоқасини ҳис қылған ҳолда оёқни пастта туширинг;

– шеригингизнинг 10 метр масофадан ерлатиб узатған түпини оёқда тегиб отилиб кетмаслиги учун енгилгина оёқда илиб олинг (олд томондан қабул қилиб – орқага ташланғ – енгилгина олдинга итаринг);

– нормативни бажаринг: ерга томонлари 1,5x1,5 метрли квадрат чизинг ва унинг орқа чизифи олдига туриб думалаб келаётган ёки унча баланд бұлмаган (10 – 20 см) баландлықда учеб келаёттан түпни оёқ кафтларингизнинг ички томони билан тұхтатишига тайёрланинг. Шеригингиз 5 – 6 метр масофадан туриб яirim күч (3) 4 күч билан түпни пастлатиб узатади (5 марта). Түпни бириңчи тегищаёқ квадратдан чиқиб кетмасдан тұхтатиб қолинг (5 марта – "аъло", 4 марта – "яхши", 3 марта – "қониқарлы").

Ҳар бир услубни алоқида машқ қилиш мүмкін. Аммо бу техник элементларни мантиқий алоқада құшиб олиб борған маъқұл. Масалан, оёқ кафтингиз подъёми билан жойда турған түпни деворга тепинг ва шу заҳотиёқ уни тұхтатиб қолинг ва ҳоказо.

Машғулотларни қандай қилиб яхши ташкил қилиш ва уларни үтказиш қуйидагиларга риоя қилинг.

Сиз үзингиз ҳам үйинчи, ҳам тренерсиз! Тұғрими? Шунинг учун доим қуйидагиларни ёдда тутинг:

1) фақат соғлом бўлсангизгина машқ қилишингиз мумкин. Агар шамоллаб қолган бўлсангизу, машқ қилишга қарор қилсангиз, у ҳолда бундай машқдан фойда бўлмайди, саломатликка эса анча путур етказиб кўясиз. Машқ қилиш – бу катта нагрузка, касалликдан толиқдан организмни ҳолдан тойдириб қўйиш мумкин эмас;

2) мунтазам машқ қилмайдиган футболчи машқ қилишдан мақсад нима эканини тушунмаса керак. Дейлик, бунинг нима учун сизга кераклигини биласиз? Шунда сиз техника бўйича индивидуал машқлар учун 45 минутни албатта топасиз. Уни эрталаб, кундузи, кечқурун ўтказиш мумкин. Лекин овқатдан сўнг дарҳол машқ қилманг;

3) навбатдаги машқни қаерда бўлиши, нима билан шуғуланиш, у ёки бу машқ учун қанча вақт кетиши ва уни индивидуал тарздами ёки шерик билан ўтказиш маъқуллиги ҳақида олдиндан ўйлаб қўйинг. Агар машқни шерик билан ўтказиш керак бўлса, бу ҳақда уни огоҳлантириб қўйишни унугманг;

4) ҳар бир машқни оёқ-қўллар чигилини ёзишдан бошланг. Сизнинг организмингиз, айниқса мушакларингиз, бўғимларингиз "қизиши" учун ва шахт билан қилинадиган ҳаракатлар, айланиш, бурилишлар ва бошқаларга тайёр бўлишингиз учун бу зарур. Разминкани секин югуриш ва енгил-енгил сакрашдан (1,5–2 минутгача) ва бир неча гимнастика машқларини (1 ва 2 комплекси) бажаришдан бошланг;

5) ҳар бир машқ жараёнида фақат битта-иккита машқдан фойдаланинг. Лекин уларни катта иштиёқ билан бажариш керак. Ҳамон сиз ўзингиз тренермисиз, демак ўзингизга талабчан бўлинг ва машқ жараёнида ўз ҳаракатларингизни тўғри баҳоланг. Бугун нимани уddyalай олмаганилигингизни ўйлаб қўринг;

6) китобчага қараб қандай қилиб мустақил равища футбол техникасини ўрганиш мумкин?

Аввало, услуб техникаси ҳақида ўқинг ва тегишли расмларни диққат билан қараб чиқинг, шундан сўнг бу ҳаракатларни ўз сўзларингиз билан ифодалашга уриниб

күринг ва уларни бажаринг, уларни расм ва текст билан солиширинг.

Услубнинг оғзаки ва амалий таъсирини ойна олдида туриб яна бир бор такрорланг, шундан сўнг унинг бажарилишининг кетма-кетлигига эътибор беринг.

Ўз ҳаракатларингизни кузатиб туришни ўргонгиздан илтимос қилинг ва унинг кўрсатган камчилик, танбеҳларига жиддий муносабатда бўлинг.

Бу дастлабки, аммо зарурый иш. Шундан сўнг машқни бошланг. Сиз албатта ҳаракат гўзаллигини ҳис қиласиз, зарур тажрибага эга бўлиб бораёттганингизга ишонч ҳосил қиласиз.

Кейинги босқич тўпни ҳис қилиш, тўп ўйнатиш, зарб бериш, турли ўйин вазиятларида мураккаброқ машқлар ёрдамида тўхтатиб қолишларни такомиллаштиришдир. Булар сиздан катта иштиёқ ва меҳнатсеварлиқдан ташқари яна шерик билан ўзаро мулоқотда бўлиш, ҳаракат ва чидамлиликда келишувчиликни ҳам талаб қиласи.

Техник маҳорат чўққилари сари оқ йўл.

### "ТЎПНИ ҲИС ҚИЛИШНИ" МАШҚ ҚИЛИШ

Ўйинчи бошида (оёқларида) тўп билан жонглёрлик



21-расм.

қилади. Пайт пойлаб у түпни юқорига тепади, ётган жойида (умбалоқ ошиб) түп тепади, сакраб туради, түпни оёқ юзасида тұхтатади ва жонглёрлик қилишда давом этади (21-расм).

Үйинчи олдинга ҳаракат қилиб түп билан оёқда (бошда) жонглёрлик қилади, шундан сүнг түпни дарвозага (деворга) бош билан (оёқ билан уриб йұналтиради (22-расм).



22-расм.

Үйинчи олдинга ҳаракат қилиб боши билан жонглёрлик қилади. Пайт пойлаб у түпни боши билан уради, пастта тушаёттан түпни ерга туширмай дарвозага йўллаш учун яна боши билан тұхтатади (23-расм).

Үйинчи олдинга ҳаракат қила бориб (секин, тез) түп билан маълум изчиллиқда жонглёрлик қилади: оёқ билан бошга, бошдан оёққа ёки фақат жонглёрлик қилиб, вақти-вақти билан олдинга – юқорига уради, сапчийди, түпни ҳаводан оёғига қабул қилиб олади ва жонглёрлик қилишда давом этади (24-расм).

Үйинчи үтирган ҳолатида ҳар икки оёғида навбатманавбат жонглёрлик қилади.

Үйинчи оёқлари орасида түпни қисиб қолади, сакрайди ва тиззаларини юқорига күтариб товоңлар ҳаракати билан



23-расм.



24-расм.



25-расм.

түпни олдинга ташлайди. Түпнинг ерга тегишига йўл қўймай, маълум пайт жонглёрлик қилиб туриб, ўйинчи түпни оёғига қабул қилиб олади, кейин бош билан уришга тайёрлаб тепага ташлайди.

Ўтирган ҳолатдаги ўйинчи икки қўллаб түпни ерга уради, тезда сакраб туради, түпни бошига қабул қилиб олади, бошида түпни ўйнатади, кейин уни ерга туширмасдан зарб

учун оёқларга ташлайди (25-расм). Ўйинчи тўпни товонлари билан қисиб олади, сакрайди ва орқага эгилиб тўпни дарҳол устидан ошириб олдинга ташлайди. Тўпнинг ерга тушишига йўл қўймай, ўйинчи турган жойида ёки ҳаракатда жонглёрлик қиласди (26-расм).

Ўйинчи оёқлари юзасининг ташки ва ички (27-расм) томонлари билан бир оёқда кетма-кет ёки гоҳ, у, гоҳ, бу оёқда жонглёрлик қиласди.



26-расм.



27-расм.



28-расм.



29-расм.


Үйинчи оёқ зарби билан түпни устидан ошириб тащлайди, 180°га айланиб, түпнинг ерга тушишига йўл қўймай, ҳаракатда түп билан жонглёрлик қиласди. Кейин пайт пойлаб у яна түпни устидан оширади ва жонглёрлик қилишда давом этади (28-расм).

Чалқанча ётган ҳолатда ёки ўтириб (29-расм) үйинчи түпни олдинга – тепага ташлайди, тезда сакраб турари ва унинг ерга тушишига йўл қўймай, оёғига (бошига) қабул қилиб олиб у билан жонглёрлик қиласди.


А үйинчи оёғига қабул қилиб оладиган *Б* үйинчига түпни узатади, бошига ташлаб беради, шундан кейин сонига, яна оёғига ташлайди ва қайтадан шеригига йўналтиради (30-расм).

А үйинчи шериги *Б* үйинчига түпни шундай етказиб берадики, тўп унинг оёғига ердан сакраб тушсин. *Б* үйинчи озгина вақт оёқлари билан турли усулларни қўллаб жонглёрлик қиласди, кейин *A* үйинчига ҳам тўп ердан сакраб оёғига тушадиган қилиб узатади (31-расм).


А үйинчи боши билан тўпни шундай жўнатадики, у *B* үйинчига ердан сакраб етиб боради. *B* үйинчи оёғи билан тўпни қабул қилиб олади, уни сонига




30-расм.



31-расм.



32-расм.



33-расм.

ташлайди, сонидан бошига оширади ва боши билан қайта А ўйинчига оширади (32-расм).

А ўйинчи тўпни тепага отади ва боши билан Б ўйинчига йўлладиди. Б ўйинчи тўпни оёғи билан қабул қилиб олади,



кейин оёғидан бошига ошириб, кейин қўлига олади (33-расм).

А ўйинчи олдинга ҳаракат қила бориб оёқлари билан тўпни жонглёрлик қилади. Кейин пайт пойлаб, тўпни устидан ошириб шеригига етказиб беради. Бу ўйинчи тўп ердан сакраб унга етиб келгач, у тўпни боши устидан ошириб оёқлари билан жонглёрликни ҳаракатда давом эттиради (34-расм).

А ўйинчи ўтирган ҳолатидан тўпни вертикал равишда тепага отади, тезда сакраб туради ва тўпнинг ерга тегишига йўл қўймай уни оёқлари билан жонглёрлик қилади, кейин эса оёқ билан зарб бериб *B* шеригининг қўлига узатади (35-расм).

А ва *B* ўйинчилар девор (стенка) олдида. А ўйинчи тўп билан жонглёрлик қилиб, пайт пойлаб *B* ўйинчига тўп деворга тегиб сакраб етиб боришини мўлжаллаб тепади, ўзи эса девор узунаси томон ўтиб олади *B* ўйинчи тўпни ерга тушишига имкон бермай енгилгина қабул қилиб олади ва тўп билан жонглёрлик қилишда давом этади ва ҳоказо (36-расм).

Ўйинчи тўп билан маълум изчилликда жонглёрлик қилади: оёқ юзасининг подъёми, сони, боши 180°га бурилиб яна подъём билан (37-расм).

Ўйинчи бир тегища ўйнаб ёки икки тегища тўпни устидан оширади: бир тегища тўпни қабул қилиб, иккинчи тегища устидан ошириб юбориш (38-расм).

## ТЎП СУРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАМИЗ

Тўпни турли усуллар билан (учликда) думалатиб ўйнашнинг машқини олиш: биринчи ўйинчи (*A*) иккинчи ўйинчи томон (*B*) тўп суради, тўхтатади (тақаб) ва *B* ўйинчининг ўрнини олади. Униси *B* ўйинчига қараб ва ҳоказо тўп суради (39-расм).

Тўп суришни икки тўп билан суриш машқини олиш худди 39-расмдаги машқдек ўtkазилади (40-расм). Биринчи ўйинчи гўп суради, уни ярим йўлда тўхтатади ва иккинчи тўп билан йўл давомига старт олади. *B* ўйинчи тўпни қабул қилиб олади.




39-расм.


Тўп ўйновчи ўғил ва қизлар 4 – 6 киши бўлиб, оддин кичик доирадан бошлаб, кейин катта доира ҳосил қилиб тўпни бир-бирларига узатадилар ва аксинча. Шеригининг командасига кўра гоҳ, чап, гоҳ, ўнг оёқда тўп суринг (41-расм).




40-расм.



41-расм.



42-расм.



43-расм.



44-расм.

"Саккиз" рақами устида айланиб түп суриш (42-расм): А – "ташқи" оёқ юзасининг ички қисми билан, Б – "ички" оёқ юзасининг "ташқи" оёқ юзаси билан түп суриш.



45-расм.



46-расм.


"Саккизсимон" бўйича түп суриш (43-расм): А – "саккизлик"нинг биринчи ярми бўйича "ташқи" оёқ билан, иккинчи ярми бўйича "ички" оёқ билан, бутун "саккизлик" бўйича бир оёқда түп суриш; Б – "саккизлик"нинг биринчи ярми бўйича "ички" оёқ билан, иккинчи ярми бўйича "ички" оёқда, бутун "саккизсимон" бўйича бир оёқда түп суриш.

Тўпни олдинга қараб суриш (44-расм): шерикнинг командаси бўйича оёқ юзасининг ички томони билан тўпни тўхтатиш (а) ва у билан бошқа йўналишга қараб зарб югуриш килиб түп суриш (б).


Тўпни олдинга қараб суриш (45-расм): шерикнинг командаси бўйича тормоз бериш (*a*), шунингдек тўп билан зарб югуриш қилиб бошқа йўналишга қараб тўп суриш машқини олиш ва тўпни оёқ юзасининг ташқи томони билан тўхтатиб қолиш (*b*).

Тўпни олдинга қараб суриш (46-расм): шерикнинг командаси бўйича оёқ юзасининг ички қисми билан тўп тўхтатиши (*a*), тўп билан бурилишлар (*b*) ва бошқа томонга зарб югуриш машқларини олиш (*c*).

Тўпни олдинга қараб суриш (47-расм): шерикнинг командаси бўйича оёқ юзасининг ички қисми билан тўп тўхтатиши (*a*), қарама-қарши томонга ясама бурилиш қилиш (*b*), тўпни дастлабки ҳолатта қараб йўналтириш (*c*) машқини олиш.



47-расм.



48-расм.


180° бурилиб (48 в, г-расмлар) оёқ кафтининг пастки қисми билан (48 а, б-расмлар) түпни тортиб оловчи оёқ томонга "тортиш".



49-расм.



50-расм.



51-расм.

Ҳар бир оёқда навбатма-навбат тўпни оёқ томонга тортиб олиш. Тўпни олдинга қараб суриш: команда бўйича тўпни қисиб қолиш (а), уни ўз томонига тортиш (б) ва тўп билан ўша йўналишнинг ўзига ҳаракатни давом эттириш. Топшириқни ҳар бир оёқда навбатма-навбат бажариш (49-расм).

Ўйинчи тўпни олдинга қараб сурмоқда (50-расм). Команда бўйича тўпни оёқ билан ерга тақаб (а), уни бир вақтнинг ўзида  $90^{\circ}$ га бурилиб оёқ томонга тортиб (б), навбатма-навбат турли томонга зарб югуриш қилиш (в), топшириқни ҳар бир оёқда навбатма-навбат бажариш.

Тўпни олдинга қараб суриш пайтида шерик командаси бўйича тўпни оёқнинг пастки қисми билан тўхтаташ (а), айни пайтда  $180^{\circ}$ га бурилиб, уни оёқ томонга тортиб (б) қарши томонга қараб ҳаракат қилиш (в). Топшириқни ҳар бир оёқда навбатма-навбат бажариш (51-расм).

### Тўпга зарба бериш

Тўпга зарба беришни такомиллаштириш учун тўпнинг тезлиги ва аниқлигини иложи борича аниқ билишга, унинг йўналиши ва тезлгини ихтиёрий ўзгартира олиш кўнижасига эга бўлишга эришмоқ керак.

Зарур аниқликка эришмоқ учун футболчилар тренировкаси жараёнида уларга тўпни муайян нишонга тегизишга ўргатадиган машқлар берилади.

Аниқликни тренировка қилишнинг асосий методи приёмни бажариш шароитини аста-секин мураккаблаштириб боришидир. У қўйидагилардан иборат;

- а) нишонни кучайтириш;
- б) норматив талабларини ошириш;
- в) турли тўсиқларни қўйиш;
- г) ҳаракат тезлигини ошириш.

Аниқликни тарбиялаш тренировкасида кўпинча футбол дарвозасидан нишон ўрнида фойдаланилади. Нишон ўрнидаги дарвозани кичрайтириш учун тесма билан турли ҳажмдаги квадрат ва тўғри тўртбурчакка бўлинади.

Шунингдек, маҳсус девордан фойдаланилади, унда бош билан футбол дарвозаси чизилади. Энг охири квадрат рақам билан белгиланади. Футболчилар тўпни муайян усуллар билан тепиши учун пастак дарвоза, устунлар ва турли ҳалқалар майдон сифатида ҳам хизмат қиласиди.

Мусобақалар пайтида тўпни мўлжалга аниқ тепиш учун тренировка чоғида тўпни ўйин шароитига яқинлаштирилган шароитда тепишга ўрганиш керак. Тўпни дарвозабон ҳимоясидаги дарвозанинг энг нозик жойига юборилади. Тўпни тепиб юборишга ҳимоячилар тўсқинлик қиласидир. Тепишни олдиндан тайёргарликсиз, яъни ёнданми, орқаданми думалаб ёки учиб келаётган, юқоридан тушаётган тўпни тепиб машқ қилмасдан бажарилади. Тепиш ўйинларда ва ўйин машқларида бажарилади.

Тўпга зарб бериш тренировкаси тўпни турли нишонларга ниҳоятда аниқ тепиш вазифалари билан чекланмайди. Футболчи тўпни керакли тезлик билан узатишни ҳам билиши даркор. Тўпни учиш тезлиги берилган зарбнинг кучига, унинг қандай бажарилганлигига ва ташқи муҳит шароитига боғлиқдир.

Тепишни такомиллаштириш жараёнида приёмни оқилона бажаришга катта аҳамият берилади. Бунга тўпга зарба бериш деталларини мунтазам аниқлай бориш билан эришилади.

Футболчига приёмни бажариш хусусида қўйиладиган умумий талаблар билан бир қаторда, унинг тўпни зарур аниқлик ва учиш тезлигига эриштирувчи хусусияти ҳам албатта ҳисобга олинади.

Тренировкада тепишни бажариш учун зарба бериладиган дастлабки ҳолатни аста-секин ўзгартириш, тўпнинг парвоз масофасини узайтириш, тўпнинг оғирлиги ва таранглигини ўзгартириш, шунингдек тепишни турли ташқи муҳит шароитларида бажартириш билан мураккаблаштириб борилади. Натижада, футболчида мослашувчи реакция, ҳаракатчан динамик стереотип ҳосил бўлади.

## **Тұпға зарба беришни тренировка қилиш учун тахминий машқалар**

1. Жим турған ёки олдинга секин силжиёттан түпни муайян усул билан: оёқ юзи, оёқ учи билан зарба бериш ва бошқалар.
  2. Турли тезлик билан олдинга силжиб бораётган (олдинда – чапда, олдинда – ўнгда) түпға чап ва ўнг оёқ билан зарба бериш.
  3. Ердан сапчиган түпни учиб келаётганда, тушиб келаётганда ўнг ва чап оёқ билан нишонга тепиши.
  4. Олдинда сакраб бораётган түпни (олдинда – ўнгда, олдинда – чапда) ўнг ва чап оёқ билан нишонга тепиши.
  5. Икки ўйинчи түпни бир-бирига узатади ва тұхтатмай туриб айтилған усулға мувофиқ зарба беради.
  6. Ердан сапчиган түпға чап ва ўнг оёқ билан истаган усулда зарба бериш.
  7. Түпни ҳавода (ерга туширмай) ушлаб туриб тепиши.
  8. Ўйинчи түр қаршисида турли масофада туриб унга түпни тәпади.
  9. Пастак дарвозага түпға турли усул билан турли масофадан, турли бурчак билан, турли тезлик ва траекторияда зарба бериш.
  10. Бошқа нишонга шундай тепиши.
  11. 11 метрдан, майдоннинг бурчагидан, дарвоздадан зарба бериш.
  12. Сакрамай бош билан уриш.
  13. Шунинг ўзини сакраб бажариш.
  14. Сакрамай туриб дарвозага бош билан уриш.
  15. Сакраб туриб шунинг ўзини бажариш.
  16. Түпни бош билан уриб ҳавода ушлаб туриш.
  17. "Бош ва оёқ билан волейбол" ўйини.
  18. Ўйин машқлари 3x2, 4x2 ва бошқалар.
  19. Осиб қўйилған түпға бош ва оёқ билан тегиши.
  20. Тусиқдан ошириб ўтиб (устун, шерик ва бошқ.) нишонга зарба бериш..
  21. Йиқилаётганда (ўзидан ошириб ва бошқ.) тепиши.
- Зарба бериш учун қуйидаги махсус қурилмалардан

фойдаланиш мүмкін: сигнал системаси билан жиҳозланған, футбол дарвозасига ўхшащ тикка шчит, зарба күчини ўлчайдиган махсус динамометр ва бошқалар. Ана шу қурилмалар ёрдамида футболчи тренировка натижалари тұғрисида аниқ ахборот олиб, мустақил шуғулланиш ҳамда зарба бериш техникаси жараёнини такомиллаштириш самараадорлигини анча оширади.

### **Тұпни тұхтатиб қолиши**

Тұпни тұхтатишдан асосий талаб – приёмни энг кам вақт ичида бажариш ва тұпни ҳар бир аниқ вазиятта энг фойдалы үринга олиб келишдір.

Бунда футболчи ҳар қандай тезлиқда учиб келаётган тұпнинг тұхтата билиши фавқулодда мұхимдір. Бунга қүйидагиша;

- чекиниш ҳаракати ёрдамида;
- оёқ, бүйин, күкрак мускулларини бұшаштириш;
- тұпни қадам, тұпик, күкрак билан тұсиб қолиши орқали әришилади.

Бу ҳаракатлар қанчалик ихчам бажарылса, тұп шунчалик тез тұхтатиб қолинади. Шунинг учун тренировканинг асосий вазифаси күрсатиб ўтилған ҳаракатларни аниқ бажартиришдір. Бунда футболчи ортиқча ҳаракатларни қанчалик кам бажарса, тұпни шунчалик тез тұхтатиб қолади. Күпинча тұпни тұхтатиб қолишиның бошқа приёмга (тепиши, олиб юриш ва бошқ.) шайланиб бажариш ҳоллари ҳам учрайди. Футболчига ердан думалаб кетаётган, ҳавода учиб кетаётган, юқоридан тушиб келаётган ёки турли тезлик билан турли шароитда ердан сакраётган тұпни тұхтатиб қолишига тұғри келади.

Тұпни тұхтатиб қолиши тренировкасы, одатда, тепиши тренировкасы билан бир вақтда үтади.

Тұпни тұхтатиб қолиши тренировкаси билан мустақил шуғулланғанда, тикка қўйилған таhta девордан фойдаланилади: тұп таhta деворға турли бурчаклардан қайтиб келадиган қилиб тепилади. Бунда тұп турли траекторияда қайтади. Тұпнинг траекторияси үткірроқ

бўлиши учун энгаштирилган тахта девордан фойдаланилади. Бундан ташқари, футболчи мустақил тренировка қилиб, тўпни юқорига отади ва уни (кўл ёки оёқ билан) ерга тушаётганда тўхтатиб қолади.

Бироқ, ўйинчилар кўпинча тўпни шерик ёки тренер ёрдамида тўхтатадилар. Тўпни тўхтатиб қолишга оид тахминий машқлар.

1. Ташлаб берилган тўпни (турли усулларда) тўхтатиш.
2. Тикка ёки энгаштирилган тахта девордан қайтган тўпни турли усуллар билан тўхтатиш.
3. Шерик ёки тренер тепиб юборган, боши билан урган ёки қўли билан ташлаган тўпни турли усуллар билан тўхтатиб қолиш.
4. Тўпни ўйинларда, ўйин машқларида ( $3\times2:4\times2$  ва бошқ.) тўхтатиб қолиш.

Тўпни олиб юриш тренировкасини бошлашдан олдин ҳаракатларни яхлит, қўшимча тарзда бажариш вазифаси қўйилади. Бунга тўпни турли усулларда турли тезлиқда тўсиқдан ва тўсиқсиз жойдан олиб юриш орқали эришилади. Бунда тўп турли йўналишларда (тўғри, қия ердан, илон изи ва бошқ.) олиб юрилади. Тўпни олиб кетаётган футболчининг йўлига турли устунча, осиб қўйилган қопча, тўсиқлар қўйилади.

Тўпни олиб юриш мусобақа шароитига яқинлаштирилган шароитда амалга оширилади, бунинг учун бериладиган ўйин ва ўйин машқлари мўл бўлади.

Футболчи тўпни энг катта тезлиқда олиб юришни ўрганишга интилади, бу олиб юриш техникаси ва югуриш тезлигига боғлиқ. Бу икки шарт мажбурийдир.

Футболчиларда абсолют югуриш тезлиги "Жисмоний тарбия" бўлимида баён қилинган маҳсус методлар ёрдамида ривожлантирилади. Тўпни олиб юриш техникаси эса маҳсус машқлар ёрдамида такомиллаштирилади. Катта тезлиқдаги ҳаракатлар яхлитлигини ўрганишни эса қўшма методлар ёрдамида амалга оширилади.

## **Тұпни ташлаш**

Футболчи тұпни икки құллаб узоқда, аниқ ташлашни билиши керак. Тұпни ташлашга үрганиш тренировкасини яхиси – шерик билан (секин-секин масофани үзгартырган ҳолда) бажарган маңызу. Бу машқда аниқ ташлаш такомиллашади, чунки шериги тұпни құлиға ёки оёғига, бошига, құқрагига турлы тезлик ва траекторияда ташлаб беришни талаб қылада. Натижада, ташлаб бериш тренировкаси тепищ, бош билан уриш ҳамда тұпни тұхтатиши тренировкаси билан баробар олиб борилади.

Аниқ ташлашни тренировка қилиш билан футболчи тұпни майдоннинг белгиланған участкаси (марказий доирага, жарима майдони ва бошқ.)га аниқ узатадиган бұла боради. Тұпни узоқда ташлашнинг муваффақиятли чиқиши учун құл ва гавда мускул кучини ривожлантиришга қаратылған машқларнинг ақамияти каттадыр.

## **Тұпни олиб қўйиш**

Тұпни олиб қўйиш – үйин жараёни ва үйин машқларида тренировка қилинади. Тұпни олиб қўйиш тренировкасига оид машқлар жуда кам учрайди.

Тұпни олиш учун уни олиш лаҳзасини аниқ белгилаш, уни бажариш воситаларини, үйинде йўл қўйиладиган қоидаларни аниқ билиш, танланған воситаларни ўз вақтида аниқ ишга солиши ва уни бехато бажариш фавқулодда муҳим, футболчилар тұпни гавда билан туртиш, оёқ билан тепишиш орқали, тұп яқинлашиб келганда унга оёқ қўйиб қолиши билан тортиб олишни тренировка қиладилар.

## **Йұналишни үзгартыриб тұп олиб юриш ва рақибни айланиб үтиб тұп олиб юриш малакаларини тарбиялаш**


Тұпни бир оёқдан бошқа оёққа думалатиши (52-расм): А – тұп ҳаракати амплитудасини ошириши (тұп билан чапга, үнгга, орқага ташланибы); Б 2 – 4 қадам чапга (үнгта) ташлаш, дастлабки ҳолатта қайтиши.




Шерик командаси бўйича тўпсиз ҳаракат қилишни ўрганиш – чапга алданма ҳамда ўнгта зарб юриш ва аксинча (53-расм).

Тўпни илон изи (олдинга – чапга, чапга – ўнгта) қилиб суриш (4–6 қадам). А – тўпни олдинга "ташқи" оёқ юзасининг ички қисми билан (ташлаш пайтида ўнгга-ўнг оёқ билан, чапга-чап оёқ билан) суриш, 5-шунинг ўзини "ички" оёқ юзасининг ички қисми билан бажариш (ташлаш пайтида ўнгта-чап оёқ билан, чапга-ўнг оёқ билан) (54-расм).

Ўйинчилар колоннада белгилар (байроқчалар, устунчалар, тиқма коптоклар, тик турган шериклар ва ҳоказо) оралаб олдинга қараб тўп сурадилар, орқага эса – белгилар ёнида (55-расм): А – ҳар бир белгини бир марта чапга, бошқа



54-расм.



55-расм.



56-расм.

гал тўп суриш жараёнида оёқларни алмашлаб ўнгга: "ички" оёқ ҳаракат қилаётган пайтда тўпга оёқ юзасининг ички қисми (а), "ташқи" оёқ ҳаракат қилаётган пайтда оёқ юзасининг ички қисми тўпга тегади (б), Б – ўйинчи ўзига тўпни олдинга белги ёнига ташлаб беради, бунда у белгининг бошқа томонидан айланаб ўтади.

Тўпга эга бўлган ўйинчи шерикнинг командаси бўйича тўпни олдинга қараб суради (5б-расм): оёқни бир томонга силтайди (а) – тўп билан бошқа томонга ташланади (б).

## ДАРВОЗАГА ТЎП ТЕПИШ МАШҚИНИ ОЛИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### Дарвозабоннинг техник приёмлари

Ўйинда дарвозабон сифатида иштирок этадиган футболчилар юқорида санаб ўтилган приёмлардан ташқари, фақат улар учун йўл қўйиладиган приёмларни ҳам бажарадилар; яъни тўпни қўл билан ушлаш, тўпни қўл билан ташлаш, тўпни қўл билан олиб юриш.

Дарвозабоннинг тўпни олиб юриш техникасига доир тренировкаси ўз мазмунига кўра ҳимоячи, ярим ҳимоячи ва ҳужумчининг тренировкасидан кескин фарқ қиласи.

*Тўпга зарба бериш.* Дарвозабон тўпни оёқ билан тепиш ва қўл билан уришни шу даражада эгаллаган бўлиши керакки, у тепганда тўпни ўз шеригига аниқ етказиб бера олишни ёки уни керакли томонга уриб юборишни уddaласин. Қимирламай турган тўпга зарба бериш, шунингдек тўпни қўл билан ташлаш ҳам шунга киради. Буларнинг ҳаммасида ҳам зарур аниқлик, тўпнинг учиш траекторияси, тезлиги ва узоқлиги таъминланади.

Дарвозабон тўпга зарба бериш тренировкасини шерик билан амалга оширади. Дарвозабонга тўп тегадиган турли нуқта масофа, тўпнинг учиш траекторияси ва тезлиги кўрсатилади. Дарвозабон дарвозага учиб келаётган тўпни (мушт билан) уриб юборишни билиши керак. Дарвозабон буни кўпинча тренировка пайтида дарвозани ҳимоя қилиш, шунингдек ўйин машқларида тренировка қиласи.

Дарвозабон тўпни уриб юборишни шериги ёрдамида,

шериги унга турли усулларда юборган тўпларни қайтариш орқали тренировка қиласди. Тўпни қўл билан ташлаш. Тўп зарур аниқлик, узоқлик, тезлик ва учиш траекториясида шерик оёғига ёки ҳоли жойга узатилиши керак.

Дарвозабон тўп ташлашни шерик билан кўпинча ўйин ва ўйин машқларида тренировка қиласди. Дарвозабоннинг гандбол, баскетбол ва волейбол ўйинларида иштирок этиши айниқса фойдалидир. Дарвозабонлар тўпни қўлда 35 м ва ундан узоқда ташлашни билишлари лозим.

### **Тўпни тўхтатиш ва илиб олиш**

Дарвозабонга деярли тўпни тўхтатиб қолиш зарурати дуч келмайди. У тўпни кўпинча қўл билан илиб олади. Бироқ, дарвозабон тўпни тўхтатиб қолишга мажбур бўладиган ҳоллар ҳам бўлиб туради. Бунинг учун дарвозабонга одатда, группа тренировкасида (дарвозабон сифатида эмас) қатнашиб, ўйин ва ўйин машқлари, эстафета ва шу сингариларда орттирган малакасининг ўзи етарлидир.


Тўпни қўл билан илиб олишни такомиллаштириш маҳсус машқлар ёрдамида ҳам, тренировка пайтида ҳам, дарвозани ҳимоя қилишда ҳам, ўйин ва ўйин машқлари вақтида ҳам амалга оширилади.

Тўпни ушлаб қолиш тренировкаси шерик билан ва якка тарзда ўтказилади. Дарвозабон тўпни оёғи билан тахта деворга турли куч ҳамда бурчак билан тепади, қўли билан ерга уради ва шу тарзда мустақил тренировка қиласди. Дарвозабон, шунингдек турли дастлабки ҳолатлар (туриб, ўтириб, ётиб ва бошқ.)да туриб, тренер ёки шериги ташлаган тўпни ушлаб олишни машқ қилиб ўрганади.

Алдаш ҳаракатлари (финглар). Дарвозабон футболнчилардан фарқли ўлароқ, кўпинча тўп ўзининг қўлида бўлганда, фингларни бажаради. Дарвозабон фингларни тренировка қилаётганда рақибларидан ёрдам олади. Шериги эса унинг тўп олиб юришига халақит беради. Дарвозабон булардан ташқари, гандбол ва баскетбол ўйинларида иштирок этади.

Тұпни олиб құйиши. Дарвозабон күпинча яккама-якка кураш олиб боришига тұғри келади. Бунда уғолиб чиқиши учун тұпни тортиб олиш приёмларини яхши әгаллаб олган бўлиши керак. Дарвозабон тұпни тортиб олишни ҳам шерик билан маҳсус машқларда такомиллаштиради ҳамда ўйин машқларида қатнашади.

Жуфт-жуфт бўлиб олган ўйинчилар шерикларидан бири ҳимоя қилаётган дарвозага тұп тепа бошлиайдилар. Навбатма-навбат ўрин алмашадилар (57-расм).




57-расм.

Ўйинчилар икки колоннага бўлиниб, навбатма-навбат тұп ўйнайдилар ва дарвозага (оддий ва күчирма) тұп тепадилар. Тұп ўйнатиш ва тұп тепиши (чап ёки ўңг оёқ билан) усуллари алмаштирилади (58-расм).


Ҳар бир колонна футболчилари навбатма-навбат тұп суришни бошлиайдилар ва дарвозага тепадилар. Вақт-вақти билан гуруҳлар ўрин алмашадилар. Зарблар – ҳар бир




58-расм.



59-расм.




60-расм.




61-расм.




62-расм.



63-расм.



64-расм.



65-расм.

оёқда (алмашиб): А – пастлатиб зарблар; Б – ўртача баландлықда; В – юқорилатиб – түпни дарвазабон устидан ошириб ташлаш (59-расм).

Тұпни навбатма-навбат, жарима майдончаси марказига суриб дарвозага зарб бериш билан (байроқча ортидан). Ҳар бир уринищдан сүңг жойлар алмашинилади. Дастреки қолат – жарима майдончаси бурчакларида туриш (60-расм).

Үйинчилар навбатма-навбат тұп суриб қүйіб чиқылған байроқчалардан "слалом" бўлиб үтадилар ва жарима майдончасига яқин келиб дарвозага тепадилар. Үйинчилар машқларни бажарып бўлганларидан кейин ўрин алмашадилар (61-расм).

А үйинчи тұпни пастлатиб узатади. Б үйинчи уни тұхтатади ва тұпни "қўпориб" оширади. 1 дақиқадан кейин вазифалар алмашади (62-расм).

А үйинчи ҳаракатдаги тұпни қабул қилиб олади, уни олиб юргандан сүңг Б үйинчига оширади. Б үйинчи тұпни тұхтатади ва уни А шерик "таклиф эттан" жойга оширади. 1 дақиқадан сүңг функциялар алмашади (63-расм).

А үйинчи Б ва В үйинчиларга чиқариб "стенка" үйналади. Б ва В үйинчилар ҳаракатда туриб  $180^{\circ}$  бурилиш билан тұпни қабул қилиб олиш приёмини бажарадилар ва тұпни пастлатиб А үйинчи "таклиф қилған" жойга оширадилар (64-расм).


А үйинчининг амалий ҳаракати: тұпни ҳаракатда қабул қилиб олиш ва уни ошириб-ошириб суриш. Б үйинчининг амалий ҳаракати: тұпни қабул қилиб олганидан кейин  $180^{\circ}$ га бурилиб, 2 метрга шахт билан юриб, яна тұпға қайтади ва уни А үйинчи томон узатади (65-расм).

Тұпни оёқда, кўкракда қабул қилиб олиш ва уни дарвозага тепиш (66-расм).


$180^{\circ}$  бурилиб туриб тұпни сонга, кўкракка қабул қилиб олиш ва уни дарвозага тепиш (67-расм).

Үйинчи турли тезликта устунчаларни айланиб үтади, оёқ юзи билан тұпни деворга тепади, қайттан тұпни қабул қилиб,  $180^{\circ}$ га айланадыда, қарама-қарши йўналишда машқни давом эттиради (68-расм).

А үйинчининг ҳаракати: траектория бўйлаб тұпни (пастлатиб) Б үйинчига узатади. Б үйинчининг ҳаракати: тұпни қабул қилиб олади, стойкаларни айланиб тұп суради



66-расм.




67-расм.



(тезлиқда жарима майдони томон), дарвозага тепади. Қарши томонда А ўйинчининг ҳаракати: Б ўйинчига қулай қилиб тўпни аниқ ошириб беради ва унинг позицияси ўрнини олади. Б ўйинчининг ҳаракати: ҳаракатда тўпни қабул қилиб олади, қисқа вақт уни суради, дарвозага тепади ва А ўйинчининг позициясини эгаллайди (69-расм).

А ўйинчининг ҳаракати: жонли девор ҳосил қилиб ўйнайди, Б ўйинчи "таклифи" билан тўпни унга аниқ оширади; Б ўйинчининг ҳаракати: етиб келмаган тўрга "очилади", А ўйинчи




билин жонли девор ҳосил қилиб  $180^{\circ}$ га бурилиб түпни қабул қилиб олади ва ҳаракатда түпни дарвозага тепади (70-расм).


*А ўйинчининг ҳаракати:* Б ўйинчи билан жонли девор ҳосил қилиш учун түпни орқага аниқ узатади,  $180^{\circ}$  чапга ёки ўнгга бурилиб түпни қабул қилиб олади, бир оз түп суради ва уни дарвозага тепади; *Б ўйинчининг ҳаракати:* жонли девор ҳосил қилиш (71-расм).

*А ўйинчининг ҳаракати:* ҳаволаб келаётган түпни "ушлаб олмасдан" уриб дарвозага тепади, тезда дастлабки ҳолатига қайтади; бошқа ўйинчиларнинг ҳаракати: А ўйинчига түпни етказиб бериш, түпни оёғи, кўкраги билан тұхтатиб қолиш (72-расм).

А ва Б ўйинчилар бир-биридан 10–12 метр масофадан туриб түп билан жонглёрлик қиласылар ва пайт пойлаб



70-расм.




71-расм.

тұпни шеригига аниқ ошириб берадилар. В ўйинчи А ва Б ўйинчилар оралығыда туриб тұпни улардан тортиб олишга ёки аниқ тұп оширишларига халақит беришга ҳаракат қиласы (73-расм).

А ўйинчи тұпни қабул қилиб, уни тез бўйсундириб олганидан сұнг А ўйинчига қайтариб узатадиган Б ўйинчи зонасига ташлайды. В ўйинчи зонанинг ҳар қандай нұқтасидан туриб Б ўйинчини таъқиб қилаётган ҳимоячининг функциясини бажаради (74-расм).


А ўйинчи тұпни Б ўйинчига пастлатиб узатиб, ўзи унинг



72-расм.



73-расм.



74-расм.


дастлабки жойига ўтади. *Б* ўйинчи траектория бўйлаб (остидан тепиб) *В* ўйинчига етказиб беради ва унинг дастлабки позициясини эгаллайди. *В* ўйинчи бир (икки) тегищаёқ тўпни қабул қилиб олади, уни бирпас суради ва *А* ўйинчига узатади (75-расм).




*А* ўйинчи жонглёрлик қилиб туриб тўпни тепалатиб аниқ узатади; *Б* ўйинчи тўпни қабул қилиб олади ва уни *В* ўйинчига узатади-да, унинг дастлабки позициясини эгаллайди (ўрин алмашиш). *В* ўйинчи ҳаракатланиб тўпни қабул қилиб олади, уни бир пас суради, жонглёрлик қиласди ва траектория бўйлаб *А* ўйинчига узатади (76-расм).

*А* ўйинчи тўп суради ва уни *Б* ва *В* ўйинчиларга узатади, улардан  $180^{\circ}$ га бурилган ҳолда тўпни қабул қилиб олади. *Б* ўйинчи бир тегища тўпни узатади. *В* ўйинчи уни тўхтатиб кейин узатади. Маълум вақтдан сўнг ўйинчилар функцияси алмаштирилади (77-расм).


*Б* ўйинчи оёғи ёки қўли билан *А* ўйинчига тўпни аниқ узатади. *А* ўйинчи муентазам равишда гоҳ ўнг, гоҳ чапга



77-расм.



78-расм.




79-расм.

ўтиб туриб 1–2 тегищаёқ түпни *Б* ўйинчига қайтаради (78-расм).

А ўйинчи түпни қўли ёки қўлидан оёғига ташлаб *Б* ўйинчига уни аниқ етказиб беради. Бунда *Б* ўйинчи ҳаводан


(ұз үрнида туриб ёки ҳаракатда) түпни түпифи, сонига қабул қилиб олиши ва ҳаволатиб орқага, А үйинчига, унинг қўлига узатиши керак (79-расм).

А үйинчи түпни Б үйинчига ташлаб беради, түпни қабул қилиб олиш ва дарвозага тепиш учун янги позицияни эгаллади. Б үйинчи  $180^{\circ}$ га бурилиб түпни қабул қилиб олади, бирпас түп суради ва А үйинчига қулай қилиб уни узатади (80-расм).



80-расм.


А, Б, В үйинчилар доира бўйлаб ҳаракат қилиб (учбурчак периметри бўйлаб) түпни 1–2 тегишаёқ пастлатиб бир-бирларига узатадилар ёки турли техник ҳаракатларни бажарадилар (81-расм).



81-расм.

**Үйин машқлари:** белгиланган вақтда ким күп гол уради:  
 а – бирга-бир; б – иккига-икки, в – учга-уч (82-расм).

Бешга-беш үйин машқы (83-расм): белгиланган вақтда (2–5 дақиқа) бутун майдон бүйлаб исталған дарвозага бирга-бир чиқиб ким күп гол уради?




**Үйин машқы:** белгиланган вақтда қайси команда күп гол уради? А ва В үйинчилар қисқа вақтдан кейин 12–15 метрдан туриб дарвозага туп тепадилар. Б үйинчи оёқлари, гавдаси билан түпни тұхтатади (қайтаради). Белгиланган вақтдан кейин командалар функцияси алмаштирилади (84-расм).


**Үйин машқы:** А, Б, В – учта команда (жар бирида 2 тадан үйинчи) үз зонасида. Белгиланган пайтда қайси команда күп гол уради? Б командааси түп суріб келиб А командааси дарвозасига ҳужум қиласы; В командаасининг дарвозасига бир-бirlарига түпни бир тегищаңдағы ошириб ҳужум қилинади. А ва В командаларининг үйинчилари үз дарвоздарини ҳимоя қиласылар, бунда улар түпни оёқлар, күкрак билан тұхтатишнинг турли усулларини такомиллаштирадилар (85-расм).

**Үйин машқы:** 4 киши икки үйинчига қарши 12 (15) XI2 метрли квадрат ичида түп сурадилар. Бошловчы түп сурувчилар навбатма-навбат алмаштирилади (86-расм).

**Үйин машқы:** бирга-бир. Партийлар дарвоздарини



83-расм.



84-расм. В,


ҳимоя қиладилар. Функциялар гол урилгандан кейин ёки ўзаро маълум вақт ўтгандан кейин алмашинилади (87-расм).

**Ўйин машқи:** олдиндаги ўйинчилар қаторда туриб тўпни тўрдан ошириб тепадилар ва қарши қаторнинг орқасига бориб турадилар. Хатога йўл қўйган ўйинчи ўйиндан чиқади. Шу қатордан бошқа ўйинчи янгитдан ўйин бошлайди ва ҳоказо. Охирида қолган икки ўйинчи ўринларини алмаштирмай туриб, очколарни тақсимлаб олиш учун ўйнайдилар (88-расм). Ким кўп очко тўплай олади?

**Ўйин машқи:** икки ўйинчи бир ўйинчига қарши жарима майдонигача яkkама-якка. Икки ўйинчи фақат жарима майдони чегарасида дарвоза ҳимоячиси бўлиб қолади. 3–5 дақиқадан сўнг функциялар алмашади (89-расм). 2–4 таймдан сўнг қайси команда кўп гол уради?




85-расм.




86-расм.




87-расм.



88-расм.




89-расм.




90-расм.

Ўйинчилар жуфт-жуфт (*A-B*, *B-G*, *D-E*, *J-Z*) бўлиб турадилар. Ўйин катта тўртбурчакнинг коридорида (эни 2–3 метр) икки марта тепиши шартни билан олиб борилади, тўп сурувчилар ўйнаётган жуфтликларнинг биттаси хатога йўл қўйганидан кейин алмаштирилади (90-расм).

Ўйин машқи: чекланган майдончада кичик дарвозаларга



91-расм.




92-расм.


яккама-якка (*A, B*). Икки партнёр (*B, Г*) майдон четида ўйинга тушишга шай бўлиб, ўйин майдонининг ташқарисида ҳаракат қилиб туришади.

Майдондаги ўйинчи майдоннинг ён чизифидан ташқарисидагина тўпни қабул қилиб оладиган шеригига ошириши ва у билан ўрин алмашиши мумкин (91-расм).

*Ўйин машқи:* ўйин майдонидан ташқарида деворча – "жонли тўсик" ҳосил қилиш учун (6 – 8 марта тўп узатиш голга teng) турган икки нейтрал ўйинчи (*H1, H2*) билан иккига-



93-расм.



94-расм.

икки. Қайси команда (жуфтлик) маълум вақтда кўп гол уради? Функциялар 5 дақиқадан кейин алмаштирилади (92-расм).

Ўйин машқи: ўйин майдонидан ташқарида "стенка ўйнашга" хизмат қилиш учун (4 – 6 марта тўп узатиш голга тенг) турган икки нейтрал ўйинчи (Н1, Н2) билан учга-уч. Тўпни зона ўртасида қабул қилиб олиш тақиқланади. Қайси жуфтлик маълум вақтда кўп гол уради? Функциялар 3 – 4 дақиқадан кейин алмаштирилади (93-расм).

Ўйин машқи: А ўйинчи Б ўйинчига қарши ва битта нейтрал дарвозабон. В ўйинчи тўпни олдинга тепади. Тўп ва дарвозага тепиш учун кураш. Гол 5 очко билан, дарвозага тепиш 3 очко билан, дарвозага кирита олмай тепилган тўп учун 1 очко баҳоланади (94-расм). Ким маълум уринишлардан кейин кўп очко йифади?

Демак, тезкорлик, чидамлилик ва бошқа зарур жисмоний хислатларни оптималь равища бирлаштириш техникасини ўзлаштириб олишга қобилиятли футболчигина сернатижа бўлиши, ўз команда сига фойда келтириши мумкин.

## ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК НИМА?

Жисмоний тайёргарлик тўртта масалани: соғлиқни мустаҳкамлаш, жисмоний қамолот даражасини ошириш, организм функционал имкониятларини кўпайтириш, жисмоний қобилиятларни тарбиялаш масаласини ҳал қиласди.

Педагогик нуқтаи назардан жисмоний тайёргарлик умумий тайёргарлик ва маҳсус тайёргарликка ажратилади. Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларнинг дастлабки иккитасини ҳал қиласди ва гўё иккита бошқа масалаларни маҳсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) ҳал қиласдиган пойdevor ҳисобланади. Футболчи умумий жисмоний тайёргарликнинг асосий воситаси сифатида предметлар билан ва предметларсиз бажариладиган умумий ривожланиш гимнастика машқлари, бажариладиган ҳаракатлар интенсивлигини муентазам

равища алмаштирган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб машқ қилиш, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, эстафеталар, кросс, сузиш ва бошқалардан фойдаланилади.

Кишининг жисмоний қобилияти ёки сифатларини унинг ҳаракат қилиш имкониятлари (кучи, тезкорлиги, чақонлиги, чидамлилиги) деб қабул қилинган. Уларни такомиллаштириш асосида организмнинг ўз ишлаш қобилияти даражасидан тақорорий ортиқча жисмоний нагруззага жавоб бера олиши ётади. Бошқача қилиб айтгандা, агар "жисмоний тайёргарлик" иборасини медаль деб тасаввур қиласиган бўлсак, унинг бир томонига УЖТ, бошқа томонига МЖТ деб ёзилган бўлади. Бу ягона жараён, аммо машқ қилишнинг дастлабки босқичларида УЖТ, чуқурлаштирилган машқ қилиш босқичида эса, аксинча МЖТнинг афзаллиги бор.

Демак, спортчиларнинг ҳар хил спорт турларидағи специфик жисмоний хислатлари бир-биридан фарқ қиласиди. Чунончи, штангачи ёки гимнастчиларнинг кучи, узоқ масофага югурувчи чопқирнинг чидамлилиги футбол ўйнашда ёрдам бермайди. Футболчининг кучи динамик ҳарактерга эга бўлиши ва старт, бирдан тўхташ ҳамда ҳаракат йўналишини ўзгаришиш, сакраш, елка билан туртиш, тўпни тортиб олиш, тўпга зарб бериш каби ҳаракатларда намоён бўлиши керак. Маълумки, футболчи спецификаси вазннинг оғир бўлишини талаб қилмайди, балки ўз гавдаси ва тўп инерциясини енгиши билан баҳоланади.

Шунинг учун маълумки, футболчиларнинг оёқлари кучли бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Лекин ўйин фаолияти бел (курак) ва қорин мушакларининг ҳам яхши ривожланишини талаб этадики, мураккаб ҳаракатларни бажариш ва бир тарафлама таянчда, юқори елка камарининг мушаклари катталашиб кетганда мувозанат сақлашга имкон беради.

## КУЧНИ МАШҚ ҚИЛИШ

Инсоннинг кучи мушаклар кучи орқали ташқи қаршиликларни енгиш ёки уларга қарши тура олишида аниқланади. Қандай қилиб кучимизни оширамиз? Бошланғич тайёргарлик босқичида 9–10 ёнда ҳамма мушак гурухларини ривожлантириш учун машқларни қўллаш керак. Улар айтиш мумкинки, нафас олиш мускулларини мустаҳкамладиган мушак корсетини ташкил қиласди. Бу мақсадда гимнастика нарвонида, енгиллаштирилган гантеллар, тиқма коптоклар, футбол тўпи, жуфт машқлар (3–7 комплекс) сузиш, ҳаракатли ўйинлар, енгил предметларни узоқча улоқтириш, югуриб келиб узунликка сакраш сингари умумий ривожланиш машқларидан фойдаланинг.

11–13 ёнда юмшоқ чўзилувчи резина, гантеллар, тиқма коптоклар, аргамчи, шунингдек жуфт-жуфт бўлиб бажариладиган куч машқлари, узунликка ва баландликка сакраш, кўп сакрашлар (8–12 комплекс) машқлари қўлланилади. Фақат доимо шуни эсда тутиш керакки, зўриқиши массаси гавда оғирлигининг 3–4 %дан ошмаслиги керак. Масалан, вазни 40 кг бўлганда оғирлиги 1,5 кг ли гантель, тиқма коптоклар билан машқ қилиш мумкин.

14–15 ёнда максимал вазннинг 15–20 %ини ташкил қилувчи тортилиш машқларидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳаракатларни (масалан, гавдани энгаштириш, ўтириш ёки сакрашлар) максимал даражада бор куч билан тез, сериялаб, 5–10 марта, ҳар бир серия орасида 2,5 дақиқадан дам олиб бажариш керак. Серияларда такрорлашлар сони тайёргарликка боғлиқ бўлади, аммо бунда бошланғич схемага кўра 5 марта такрорлашлар (3С x 5Т) уч сериядан ошмаслиги керак. Агар сизга қийин бўлмаса 5 такрорлашдан яна бирини бажариш ёки такрорлар сонини бир серияда 1–2 марта ошириш мумкин. Олти ҳафталик машқ қилиш циклида схема 5М x 10Т кўринишида бўлади.

Бундай машқлар тезкорлик кучини ривожлантиради,

тарбиялайдики, улар мушакларнинг нисбатан катта бўлмаган ташқи қаршиликка қарши ҳаракат қилишга ва тўп тепиш, уни тортиб олиш, туртищдаги қобилиягини белгилайди.

Оёқлар ва гавданинг ёзиладиган мушакларининг "портловчи" кучини ривожлантириш учун зўриқтириш шарт эмас, чунки улар бирдан югуриш, сакрашларда намоён бўлиб, минимал вақтда анча кучланишга эга бўлади. Мушакларнинг зарб кучини ошириш учун ўз гавда массасидан фойдаланилади: 50 дан 70 сантиметргача (бўйга қараб) баландлиқдан пастга сакрашдан кейин гавда юқорига ёки юқорига-олдинга шундай куч билан силтанадики, бунда ерга тушиш пайтида оёқнинг тиззадан букилиши камида 90°га teng бўлади (паст енгил атлетика тўсиқларидан сакраб ўтганда). Бошловчилар бундай сакрашларни 2М x 5Т схемасида, анча тайёргарлик кўрганлар эса 4М x 8Т схемада етарли даражада дам олиб, мушакларни бўшаштириш машқларини қўшиб олиб бориб бажарилари керак.

Оёқларнинг "портлаш" кучини ривожлантириш учун арғамчи, қия нарвонда югуриш ва сакраш машқлари, кўп сакрашлар, уч ҳатлаб сакраш, 5–6 метрли қисқа зарбдан кейин юқорига бир ёки икки оёқлаб итарилиб сакрашлар (13–14 комплекслар) жуда фойдалидир:

- кучни ривожлантириш ва мушакларни бўшаштириш машқларини алмаштириб туринг;
- машқларни қуйидаги изчиллиқда танланг; аввало қўл ва юқори елка камари, кейин гавда (курак, қорин), оёқлар кучини ривожлантириш машқлари;
- машқлар оралиғида нафасни ростлаш етарлича, куч нагрузкаси ҳажмига қараб 1 дақиқадан 2,5 дақиқагача бўлиши керак;
- системали ишлашда мушакларни анча зўриқтириш билан кучни ошириб бориш мумкин.

Сиз ўзингиз эришган ютуқларингизни 1-жадвалда келтирилган тест ва нормативлар ёрдамида баҳолашингиз мумкин.

## Умумий ва маҳсус кучни баҳолаш

Топширикчлар	Ёш					
	10	11	12	13	14	15
Жойидан туриб уч сакраш, м	4,8–5,2	5,3–5,6	5,7–6,0	6,1–6,4	6,5–6,8	6,9–7,2
Турникда тортилиш, м	3	5	6	7	9	10
Узокка тепниш, м	26/15 (41)	27/18 (45)	28/20 (48)	30/22 (52)	35/25 (60)	38/27 (65)
Қўллар билан тўпни узокка отиш, м	9	10	12	13	15	16

### Оёқ мушаклари кучини тарбиялаш учун машқлар

1. Турган жойдан узунликка сакраш (бир ҳатлаб, икки ҳатлаб, уч ҳатлаб).
2. Югуриб келиб узунликка ва баландликка сакраш.
3. Югуриб келиб уч ҳатлаб сакраш.
4. Чап ва ўнг оёқ билан лўкиллаб сакраш.
5. 70 – 100 см, баландлиқдан сакраш ва силтаниш, узунликка сакраш, баландликка сакраш.
6. 70 – 100 см. ли тўсиқдан сакраш ва силтаниш, узунликка сакраш, гимнастика столига сакраб чиқиши.
7. Бир-биридан 100 – 150 см. оралатиб қўйилган 70 – 80 см. ли тўсиқдан икки оёқлаб сакраш, сўнгра гимнастика столига сакраб чиқиши.
8. 70 – 100 см. ли тўсиқдан сакраш, кейин узунликка сакраб туриб гимнастика тўшаги устига осиб қўйилган тўпга бош билан тегиши.
9. Юқорига сакраб туриб, гимнастика тўшаги устига 200 – 220 см баландликка осиб қўйилган тўпни уриш.
10. Оддин икки оёқ билан сакраш, кейин чап ва ўнг оёқ билан сакраш (бунда оёқни тиззадан букиб кўкрак томон тортилади).
11. Бир оёқни пастга, бир оёқни гимнастика деворчасига қўйиб югуриш. Бунда бир оёқни гимнастика ўриндиғига, бошқасини эса пастга қўйиш ва чўлоқланиб югуриш. Кейин оёқлар ҳолатини ўзгартириб югуриб кўриш. Ҳаммаси бўлиб 4 – 5 та ўриндиқ қўйилади.

Турган жойдан лўкиллаб сакраганда, айниқса дастлабки пайтларда бу ҳаракатни 5–6 тадан оширмаслик керак. Ҳаддан ташқари кўп сакраш оқибатида амортизация фазаси кенгаяди, бинобарин "портловчи" куч камаяди, яъни иш куч чидамлилигини такомиллаштиришга томон ўзгаради.

Чуқурликка сакраш тренировкасининг дастлабки босқичида ерга икки оёқлаб тушиб керак, чунки бу пайдада нагрузка шунчалик кўп бўладики, оқибат оёқ кафти, болдир ва тизза бўғимларининг шикастланишига олиб келиши мумкин. Бироқ, ҳамма ҳолларда ҳам асосий диққат амортизация фазасини камайтиришга қаратилади. Бунинг учун футболчига ерга келиб тушган ҳамони сапчиб сакраш ёки шунчаки сакраш тавсия қилинади. Баъзан тренировканинг маълум қисми эмас, балки тўлалигича кучни тарбиялашга ажратилади. Бу хил машғулотда 40–50 та сакраш машқи бажарилади. Бунинг учун 2–3 серияда бажариладиган сакрашнинг 7–8 хили танланади. Масалан, 15–17 кишидан иборат группа машқ бажараётги дейлик. Бутун группа 1–1,5 минут ичида бир мартадан сакраши керак, бинобарин бунда ҳар бир қатнашчи иккинчи бор уриниб кўргунча етарлича дам олиб олади. Шундай қилиб, айтайлик икки мартадан сакраб группа бошқа машқларни бажаришга ўтади. 7–8 хил машқни бажарганда группа 16–17 марта сакрашдан иборат серияни тамомлаган бўлади ва сериялараро актив дам олишга чиқади, шундан кейин серияни яна қайтаришга киришади. Бундай машғулот икки соатча давом этади, чунки машғулотга ажратилган соатнинг анчагинасини дам олиш вақти ташкил қиласди. Ҳар ҳолда кучнинг ривожлантиришнинг такрорий методи кейинги уриниб кўришни бор куч билан бажаришни талаб этади.

### **Оғир нарсалар билан кучни тарбиялаш методи**

Футболчилар тренировкасида асосий мушак группалари кучини тарбиялашда оғир нарсалар билан бажариладиган машқлардан кенг фойдаланилади. Бироқ, муайян даражада жисмоний камол топган, жумладан кучга эга бўлган малакали футболчилар билан ишлаганда штангачиларнинг

классик ҳаракат машқларидан систематик суръатда фойдаланиш мумкин эмас. Бунда оғирлик миқдори маҳсус мускул ва мушак группалари ишидаги зарур ўзаро алоқани бузмаслиги ва ҳаракатнинг ўзига хос структурасини сақлайдиган бўлиши керак. Шу муносабат билан оғирлаштирилган белбоғ ёки нимчалардан фойдаланиш керакки. Уларнинг оғирлиги футболчи вазнининг 3–5 процентидан ошмасин, яъни 3–4 кг атрофида бўлсин. Бунда вариатлаштирилган ва қўшма таъсир этувчи методлардан фойдаланган маъқул.

Вариантлаштирилган методнинг моҳияти оғир нарсалар билан ва уларсиз бажариладиган машқлардан энг мувофиқ миқдорда галма-гал фойдаланишдир. Жумладан, юқорида айтиб ўтилган 7–8 сакрашдан иборат машқлар қўйидаги тартибда бажарилиши керак:

биринчи серия – оғир нарсаларсиз 14–16 марта сакраш;  
иккинчи серия – оғир нарсалар (3–4 кг. ли белбоғ ёки нимча) билан 14–16 марта сакраш; бунда сакраш машқини бажаришга қўйиладиган талабларнинг ҳаммаси тўла сақлаб қолинади (машқлар координацион структурасини сақлаш, полдан депсинишдаги тезкорлик);

учинчи серия – оғир нарсаларсиз 14–16 марта сакраш. Кўшма таъсир этувчи методнинг моҳияти шундаки, бунда жисмоний сифатларни ривожлантириш машқларни бажариш техникасини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Футболда бу методни техника, тактика ва ўйин машқларини такомиллаштириш жараёнида қўлланиш мумкин. Техник-тактик ҳаракатларни бажараётганда футболчи вазнининг 3–5 процентаiga teng белбоғ ёки нимчадан фойдаланилади. Табиийки, бутун тренировка мобайнида машқларнинг ҳаммаси оғир нарсаларни қўлланган ҳолда бажарилиши шарт эмас. Дарсдан қўзланган мақсадга қараб нагруззкаларни кўпайтириш ёки озайтириш, оғир нарсалар билан машқ бажаришни машғулотнинг бошида, охирида ёки ўртасида қўлланиш мумкин. Оғир нарсаларнинг ҳисобига вазнини ортиб бориши билан силтаниш, ҳаракатда йўналишни

ўзгартириш ва сакраш вақтда кинетик энергияни ошириш мумкин. Агар бунда оғир нарсасиз жуда қисқа вақтда бўлса ҳам инерция енгиб ўтилса, табиийки, тезлик-куч потенциали ўсади.

Тадқиқотлар энг кўп кўтариш мумкин бўлган оғирликнинг 20 процентигача бўлган миқдорда оғир нарсалар билан бажариладиган машқлар қўлланишда ҳам динамик кучни ривожлантиришга самарали таъсир этиши мумкин эканлигини кўрсатди. Масалан, футболчилар ўрта ҳисобда 100 кг оғирликдаги юкни кўтариб ўтира оладилар. Бинобарин, улар учун энг қулай оғирлик 18–20 кг. дир. Бу ҳолда юк ва юксиз ҳаракат тезлиги ошади. Ҳаракатни имкони борича бор куч, максимал тезлик билан бажариш керак.

Оғир юк сифатида қум тўлғазилган рюкзакдан фойдаланган маъқул. Биринчидан, бу табиий ҳаракат қилишга халақит бермайди. Иккинчидан, ҳамма группа машқларни бир вақтнинг ўзида бажариш имконини беради. Учинчидан футболчилар штангадан фойдаланганларида штанга грифи уларнинг елкаларига ботиб, оғритадики, бу ҳол эмоционал шайликни пасайтириб, кайфиятни ўзгартиради ва машқнинг координацион структурасини ёмонлаштиради.

### **Кўтариш мумкин бўлган энг кўп оғирликнинг 20 проценти миқдорида оғир нарсалар билан бажариладиган машқлар**

1. 6–9 см, ли таянчда оёқ учидаги кўтарилиш ва тушиш.
2. Сакраб-сакраб югуриш.
3. Турган жойда дам у, дам бу оёқда сакраш.
4. Гимнастика деворига гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқ билан депсиниб юқорига сакраш.
5. Сакраб туриб "Ташланиш" дастлабки ҳолатидан оёқни алмаштириш.
6. 10–15 м. га жадал югуриш.
7. Сакраб туриб "лазгинка"симон олдинга қараб юриш.
8. "Кенгуру"симон икки оёқлаб олдинга сакраш.

9. Чўккайиб ўтирган ҳолдан тош ёки қопча кўтариб сакраш.

10. Гимнастика деворчасидан сакраб тушиш ва икки оёқ билан сакраб-сакраб осиб қўйилган тўпни олиш.

Ҳаракат тезлиги мазкур машқларни бажарища асосий шарт бўлиб қолади. Футболчилар энг катта тезликка ниҳоятда жадаллик билан эришишга ҳаракат қилишларини кузатиб бориш керак. Машқлараро дам олишни 2 минутдан 3 минутга етказиш керак, чунки машқлар оғир ва бир уринища 6 – 10 марта бажарилади. Машқлар ё серияли метод билан ёки тренировканинг давра принципида бажарилиши мумкин. Машқни бажарища ҳар бир уриниш орасидаги, шунингдек сериялар орасидаги дам олишга алоҳида эътибор бериш лозим.

### **Футболчиларнинг ўйин фаолиятида гавда мушакларининг иштирок этиши**

Футболчиларнинг ўйин фаолияти гавда мушаклари (елка курак ва қорин мушаклари)нинг яхши ривожланган бўлишини талаб қиласди. Бироқ, юқори елка камарининг кучини ошириш уччалик зарур эмас. Юқори елка камарининг ривожланиб кетиши уни қотиб қолишига сабаб бўлади. Натижада, футболчи тўп билан алдаб ўтиш ҳаракатини яхши бажара олмайди. Бутун гавда мушакларининг яхши ривожланган бўлиши эса мураккаб ҳаракатларни бажариш ва бир таянч ҳолатда мувозанатни сақлаш имкониятини беради. Шунинг учун футболчилар бу группа мушакларини ривожлантиришга фақат маҳсус машғулотлардагина эмас, балки эрталабки гимнастика машқларида ҳам алоҳида аҳамият беришлари керак.

### **Гавда мушаклари кучини ривожлантириш машқлари**

1. Оёқларни жуфтлаб ўтирган ҳолда гавдани букиш ва ростлаш (қўллар кўкракда, бош ортида илгари узатилган, юқ кўтариб турган ҳолда).

2. Сон билан таянчда (гимнастика конида) ётиш, оёқлар жуфтланган, қолгани худди 1-машқдагидек.

3. Турниқда осилиб турган ҳолатда оёқни турникка теккизиш.

4. Ҳалқада тебраниб туриб оёқни тос баландлигига турган конь устидан ўтказиш.

5. Жуфт бўлиб машқ бажариш. Шерикларидан бири иккинчисининг бўйидан ушлайди, иккинчиси эса унинг гавдасидан тутиб навбат билан гоҳ чап, гоҳ ўнг сонига ўтказади. Биринчиси оёғини актив ҳаракат қилдириб иккинчисига ёрдам беради.

6. Орқама-орқа туриб 8 – 10 кг. келадиган тўлдирма тўпни бир-бирига чапдан, ўнгдан, бош устидан, оёқ орасидан узатиш.

7. Чалқанча ётиб оёқларни кўтариш, уларни бошдан ўтказиб, чапга ва ўнгга теккизиш.

8. 18 – 20 кг. ли рюкзакни кўтариб тик туриб ёки ўтириб бурилиш ва турли йўналишларда эгилиш.

Машқларни бажараётганда ҳаракат футболчилар ўйнаётганда рўй берадиган даражада тез бажарилишига эътибор бериш керак.

Олдинги нагруззқадан чарчамаган ҳолларда ва организм кучли "портловчи" ишга тайёр эканлигига маҳсус машғулотларни куч сифатларини ривожлантиришга бағишилаган маъқул. Тренерлар доимо тренировка воситаларини алмаштириб туришлари лозим, шундай қилинмаса, организм бир хил тренировка воситаларига мослашиб қолади-ю, натижада иш самарадорлиги пасаяди.

Эришилган куч даражасини йўқотмаслик учун ҳатто мусобақа даврида лоақал 10 кунда бир марта бўлса ҳам маҳсус машғулот ўтказиб туришни унутмаслик даркор. Бундай машғулотларнинг ўтказиб турилмаслиги оқибатда куч сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, қуйидагича хulosага келиш мумкин:

1. Шахсий-куч машқларини ҳаддан ташқари ошириб юбориш футболчининг координатлон имкониятларини ёмонлаштиришга олиб келади.

2. Футболчиларнинг куч тайёргарлиги муайян даражагача,

маълум йўналишда бўлганидагина ҳаракат тезлигини яхшилашга олиб келади.

3. Кучни ошириш мушаклар массасининг ошиши ҳисобагина эмас, мушаклараро ва мушаклар ички координациясини такомиллаштириш, қисқа вақтда максимум даражада кучни намоён қила олиш ҳисобига ҳам ошиши керак.

## ТЕЗКОРЛИКНИ МАШҚ ҚИЛАМИЗ

Футболчининг тезкорлиги, шунингдек қатъий аниқ масофага сигнал бўйича старт оладиган енгил атлетикачининг тезкорлигидан фарқ қиласди.

Футболда тезкорлик одатда, қўйидаги кўрсаткичлар комплексида намоён бўлади: реакция тезлигида ва тактик идрокда, старт олиш ва масофа тезлигида, техник приёмларни бажариш ва бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш тезлигида. Футболчининг тезкорлигини ташкил этувчи бу компонентларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ эмас ва уларни ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам ўйин машқлари комплексида шакллантириш мумкин. Ўйиндаги футболчи старт олишдан олдин тўпни кўра билиши, вазиятни баҳолаши, бир қарорга келиши керак. Шу нарса аниқланганки, бу операцияларнинг ҳаммаси учун футболчи бир сониягача вақт сарфлаб, шу вақтнинг 70 % и тўпни кўра билишга тўғри келади. Шунинг учун ўйинда тўпни кўриш учун уни кўриш майдонидан чиқармаслик керак.

Кўриб ҳаракатланиш реакциясиdek мураккаб реакция тезлиги кўзни тезда предметни кўрувчан, ҳаракат аппаратини эса қандай ҳаракат қилишни тез танловчан қиласиган машқларда такомиллаштирилади.

Реакция тезлигини тарбияловчи машқларни жуфт-жуфт бўлиб бажариш айниқса қизиқарлидир:

— икки ўйинчи бир-бирининг кетидан югуриб кетади. Тўп ўйнаётган *A* ўйинчининг кетидан *B* ўйинчи кетмоқда. *A* ўйинчи тўсатдан тўпни 10–15 метр олдинга ташлайдида, ўзини четта олади. *B* ўйинчи тўп кетидан тез югуриб

кетади, катта тезлиқдаги түпни тұхтатиб олади ва секин суръатда уни суришда давом этади. А үйинчи унинг кетидан югуради.

А үйинчи түпни құлиға олиб Б үйинчининг кетидан чопиб боради ва тұсатдан түпни шеригининг боши устидан 5—7 метр олдинга отади. Б үйинчи түпнинг биринчи сакрашидаёқ уни тұхтатиб қолишга ҳаракат қиласы; Кейин футболчилар үрин алмашишади;

— икки үйинчи бир-биридан 2—3 метр масофада югуриб боради. Улардан биринчиси ихтиёрий ҳаракатлар сериясини қиласы (5—10 м зарб югуриш, сакрашлар, бурилишлар, құшымча қадамлар билан югуришлар ва бошқ.). Бунда у иккинчи үйинчидан күтилмаганда узоқлашиб кетишни мүлжаллайды. Иккинчи үйинчи үша суръатда, берилган масофага риоя қилған ҳолда биринчи үйинчининг ҳаракатларини такрорлайды. 10—15 секунддан сұнг үйинчилар нафас ростлайдилар (қадамлаб юрадилар) ва 60—90 секунд давомида бұшашиб машқларини бажарадилар. Шундан сұнг үйинчилар роллари алмаштирилади.

Старт (5—10 метрча тез югуриш) ёки старт югуриши асосан оёқларнинг "портлаш" кучига ва қисман қадам узунлигини ошириб борилишига боғлиқ. Оёқларнинг "портлаш" кучини ва қадам узунлигини такомиллаштиришга қуидаги машқлар ёрдам беради:

- қипиқ устида сонларни баланд күтариб югуриш;
- 10—15 метрга сакраб-сакраб югуриш;
- турли ҳолатлардан туриб 7—10 метрга тез югуриш;
- чүнқайиб үтирган ҳолатда шартли сигналга күра 10 метрга тез югуриш, иложи борича гүё бош билан түп ураётгандек баландроқ сакраш ва қайта чүнқайиб, яна сигналга күра шунинг үзини такрорлаш ва ҳоказо;
- бир үйинчи түпни қиялатиб бошқа үйинчига ташлаб беради, униси эса баланд сакра 5 боши билан унга қайтараади. 3—4 дақиқадан кейин үйинчилар роль алмашади;
- 7—8 метр масофада туриб түпни қиялатиб ташланади,

тезда унга етиб олиб у иккинчи марта ерга урилгунга қадар илиб олинади.

Кўпинча ўйин пайтида футбольчи аллақачон ҳаракатда бўлади-ю, вазият тезликни оширишни талаб қилади. Бу масофа ёки абсолют тезлик деб аталадиган ҳаракатни куйидаги машқлар ёрдамида такомиллаштириш мумкин:

- 30 ва 60 метрга югуриш;
- сал энгашган ҳолда 30 – 50 метр югуриш;
- 30 – 50 метрга тезликни ошира бориб югуриш.

Футболчи тезкорлигини ривожлантирувчи бошқа тур машқлари – тез югуриб – дарҳол тўхташ, бир ҳаракатдан бошқа ҳаракатга дарҳол ўтиш тезкорлиги машқларини тавсия этамиз:

- 15 – 30 метрга "мокисимон" югуриш;
- 5 – 10 метрга тез югуриш; дарҳол тўхташ, сакраб туриб ёки йиқилаётиб бош билан тўп уриш;
- 10 x 10 ёки 15 x 15 метрли майдончанинг бир томонида майда қадамлаб, лўкиллаб югуриш;
- сакраш, чопиш ва бошқа ҳаракатларнинг турли комбинациялари;
- тўпни ўйнатиш, узатиш, қабул қилиб олиш, дарвозага тепиш;
- 10 – 12 метрга шеригига тўпни ташлаб бериш, 15 метр тез югуриш, тўхташ, тепага сакраш ва бош билан тўпни дарвоза томон йўллаш.

Тезкорликнинг баъзи турларини такомиллаштиришнинг катта имкониятлари ҳар хил спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол, стол тениси бадминтон, регби), эстафеталар ва ҳаракатли ўйинлардир.

### **Тезликни тарбиялаш**

Тезлик деганда жуда қисқа вақтда кишининг муайян ҳаракатни амалга ошира олиб қобилияти кўзда тутилади. Тезлик тўрт куриниша намоён бўлади: реакция вақти; якка ҳаракат вақти; ҳаракатнинг максимал частотаси; ҳаракатнинг бошланиш тезлиги. Мураккаб ҳаракат пайтидаги киши тезлиги тезликнинг комплекс намоён

бўлиши билан бирга бошқа омилларга ҳам (қадамнинг катталигига, сильтаниш кучига ва ҳ.к.) боғлиқ. Футболдаги тезлик эса майдонда тез ҳаракат қилишдангина иборат бўлмайди, шу билан бирга фикрлаш тезлиги, тўп билан ишлаш тезлиги ҳамдир. Футбол нуқтаи назаридан тезкор бўлган ўйинчи рақибни ҳам вақт, ҳам очиқ жойга чиқиб олиш жиҳатдан ютади. Бу нисбатан эркин ҳолда, тактик, вазифани муваффақиятли ҳал эта олади демак.

Футболда дарвозагача энг яқин йўл кўпинча тўппа-тўғри бўлмайди. Мақсадга эришиш, яъни дарвозага тўп киритиш учун ўйинчи майдонда шерилари ва тўпнинг қаерда эканлигига қараб жойини ўзгартириб ҳаракатланиб юради. Ўз навбатида, бу иш яккана-якка курашиш асносида ҳам амалга оширилади. Футболчи катта тезлик билан бораётib ҳаракат йўналишини бирдан ўзгартириб юборишга, гавдани тутиб уриш қийин бўлган ҳолатда ва кўпинча якка таянч ҳолатда қандайдир техник приёмни ва шу сингари ҳаракатларни бажариш учун доимо тайёр туриши лозим. Шу муносабат билан футболчилар ўз гавдаларининг оғирлик маркази иложи борича пастроқда бўлишига ҳаракат қилишлари лозим. Шундай қилиб, футболчининг тезлиги бир бутун сериялардан иборатdir.

Тадқиқотлар футбольчиларнинг тезкорлик сифатлари қуидагилардан таркиб топишини кўрсатади.

- 1) оддий вазиятда старт тезлиги;
- 2) мураккаб вазиятда старт тезлиги;
- 3) старт олиш тезлиги;
- 4) мутлақ (пиковой) тезлик;
- 5) сильтаниш-тормоз ҳаракатлари тезлиги;
- 6) техник приёмни бажариш тезлиги;
- 7) бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш тезлиги.

Футболчининг ўйин фаолиятида буларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор. Дарвоҷе, тезликни намоён этувчи ҳамма формалар нисбатан бир-бирига боғлиқ эмас. Бу демак, ҳар бир таркибий тезлик маҳсус йўналишдаги ишни талаб қиласи.

## **Оддий вазиятта старт тезлиги**

Қүйидагилар шундай вазиятта мисол бўла олади: а) 11 метрдан туриб жарима тўпи тепиш, бунда футболчилар жарима майдонидан четда туриб тўпнинг тепилишини кутадилар: баъзилари тўп эгаллаб олиш, бошқалари эса ўз дарвозаларини ҳимоя қилиш учун шай бўлиб кутиб турадилар;

б) ҳимоячининг позицияси ҳужумчининг оддида кутиб туришдир, бунда ҳужумчи оёғи тегар-тегмас тўп озгина илгарилаб кетса, бас – тўпни олиб қўйиш ёки ушлаб қолиш учун шу сигнал бўлиб хизмат қиласи.

Юқорида айтиб ўтилган вазиятларда ҳаракат йўналиши олдиндан белгиланган бўлиб, тўп тепилиши ҳаракат бошланиши учун сигнал бўлиб хизмат қиласи. Бу ҳолда ҳаммаси старт тезлигига боғлиқдир. Старт тезлиги эса сигнал "берилган" – тўп тепилган пайтдан то оёқ мушакларида активлик намоён бўлиш моментигача (яширин ёки летант, реакцияси даври) бўлган вақт ҳамда ҳаракат бошланиш моментидан то ўйинчи жойидан батамом кетгунгача (якунловчи ёки эфектор, реакция даври) бўлган вақтдан ташкил топади.

Реакциянинг летант даври тренировка таъсирида маълум даражада қисқаради. Юқори малакали футболчиларнинг оддий реакция вақти 0,11 – 0,15 секундгача қисқариши маълум. Турли тезлиқдаги машқлар тренировкаси реакция тезлигини оёқнинг "поргловчи" кучи ва айниқса унинг "старт" кучи деб таърифланадиган тури ҳисобига яхшилади. "Старт" кучи – бу мушакларнинг ишнинг бошланишига куч-ғайратни тез ривожлантириш қобилиятидир. Бинобарин, сакраш машқлари ва турли ҳолатлардан старт олиш "старт" кучини оширишга ҳамда ҳаракатни бошлаш қобилиятини яхшилашга ёрдам беради.

Оддий вазиятларда старт тезлигини такомиллаштириш машқлари.

1. Тик туриб (олдинга қараб, орқа билан ҳаракат йўналишига нисбатан чап ва ўнг томонга) 9 – 7 метрга ўқдек ташланиш.

2. Ўтирган ҳолатда (олдинга қараб, орқа билан ҳаракат

йұналишига нисбатан чап ва ўнг томонға) 5 – 7 метрга үқдек ташланиш.

3. Мук тушиб ётган ҳолатдан (бош билан, оёқ билан ҳаракат йұналишига нисбатан чап ва ўнг томонға) 5 – 7 метрга үқдек ташланиш.

4. Чалқанча ётган ҳолатдан (бош билан, оёқ билан ҳаракат йұналишига нисбатан чап ва ўнг томонға) 5 – 7 метрга үқдек ташланиш.

5. Юқорига бир сакраб 5 – 7 метрга үқдек ташланиш.

6. Юқорига бир сакраб,  $180^\circ$  ва  $360^\circ$  бурилиб 5 – 7 метрга ташланиш.

7. Үмбалоқ ошғандан кейин 5 – 7 метрга (йұналиш бүйича, йұналишига тескари, ҳаракат йұналиши бүйича) ташланиш.

8. Жойида туриб юқорига сакраш, оёқни түғри  $90^\circ$  га күтариш ва оёқ учига құлни теккизиш (7 – 10 марта).

9. Жойидан юқорига сакраш, белни букиш ва құл бармокдари билан оёқ учини ушлаш (7 – 10 марта).

10. "Йиғилиш" ҳолатидан юқорига сакраб туриб тезлик билан оёқларни тезда алмаштириб дастлабки ҳолатта келтириш (7 – 10 марта).

### **Мураккаб вазиятта старт тезлиги**

Футболчиларнинг үйинлари, одатда мураккаб вазиятта үгади. Шунинг учун футболчи ҳаракатни бошлашдан олдин ҳаракат қилаёттан обьектни (түпни, рақибни, шерикни) күриши, ҳаракат обьектининг йұналишини баҳолаши, бир қанча вариант ичидан мұайян ҳаракат планини белгилаб олиши ва шундан кейингина ҳаракатни бошлаши лозим. Тадқиқотларнинг натижалари бундай ҳолатда спортчиларнинг старт учун 0,7 дан 1 сек.гача вақт сарфлашларини күрсатди. Табиийки, одий стартда бұлғанидек, бу үринде ҳам, "старт" кучи катта ақамиятта эга бўлади. Чунки, мазкур ҳолатда ҳаракат йұналиши ва ҳаракат бошланиши олдидан гавданинг дастлабки ҳолати жуда ҳам турлича бўлиши мумкин. Айни пайтда ҳаракат қилаёттан обьектга реакция (ХОР) ва танлаб қилинадиган реакция жуда катта ақамиятта молик бўлади.

Агар доимо ҲОРни 100 деб олинса, бунинг 70 % кўз билан кузатиш операциясига тўғри келиши аниқланган. Шундай қилиб, ҲОРда асосий нарса катта тезлик билан кетаёттан предметларни пайқаб ола билишдир. Бу қобилиятни тарбияласа бўлади. Уни лаборатория шароитида маҳсус тренажёрларда, шунингдек диққатни тезда бир нарсадан бошқа нарсага чалғитиш билан боғлиқ бўлган маҳсус машқ ва ўйинлар ёрдамида такомиллаштирилади.

Танлаб қилинадиган реакция тажриба ортган сари яхшиланиб бораверади. Маълумки, малакали спортчилэр танлаб қилинадиган реакцияни шундай тезлик билан бажаришга эришишадиларки, у вақт жиҳатидан одий реакцияга яқинлашиб қолади. Спортчи ҳаракатга эмас, балки унга кўрилаётгиз тайёргарликка аҳамият беради. Масалан, тадқиқот маълумотларидан шу нарса маълумки, тўп қаттиқ тепилганда жарима майдонидан (16,5 метр) дарвозага етиб келгунча 0,60 – 0,65 сек. вақт кетади, айни чоғда дарвозабоннинг реакция вақти анча кўп. Шундай қилиб, назарий жиҳатдан олиб қараганда, дарвозабон ёнидан ўтиб кетаётган тўпнигиша ушлаб қолиши мумкин. Бироқ, амалда тўп ҳатто 11 метрдан урилганда ҳам дарвозабонлар уни дарвозанинг турли нуқталарида туриб қайтарадилар. Бунинг боиси, дарвозабон тўп тепувчининг тўпга қандай яқинлаشاётганига қараб, унинг қаёққа кетишини олдиндан тахмин қиласи. Иккинчи томондан эса танлаб қилинадиган реакцияга оз вақт сарфлаш ўйинчиларнинг тактик жиҳатдан саводилигига, ўйин вақтидаги интизомига ва инокдилига боғлиқ.

Звенонинг пишиқ ўйинига қаралса, уларнинг ижодкорлиги худди ўз-ўзидан бўлаётган ҳаракатлар туфайли намоён бўлаётгандек туюлади. Ҳақиқатда ҳам шундай, тўпни олиб бораётган ўйинчи бир шеригини кўргач, иккинчи шеригининг қаерда турганлигини тахминан қила олади. Ана шундай танлаш реакцияси йиғилиб бориб одий реакцияга айланади.

Агар футболчилар тактик жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрсалар, стандарт қоидаларни пухта ўзлаштирсалар, ўз

рақибларининг кучли ва кучсиз томонларини яхши ўрганиб олсалар, мураккаб вазиятлардаги ҳаракатларнинг бажарилиши анча тезлашади.

Демак, кўриниб турибдики, мураккаб вазиятда футболчининг старти ҳаракатдаги объектга бўлган реакцияси, танлаш қилинган реакциясига ва старт олишдаги файратига боғлиқ экан.

### **Мураккаб вазиятларда старт тезлигини оширирадиган машқлар**

1. Ярим доира марказида (ёруғлик таблоси) туриб, жилиб келаётган қўённи тез пайқаш. Қўённи кўрган заҳоти ёруғлик таблосини ўчириш.

2. Теннис тўри ёнида ўтирган ҳолда бошни деярлик бурмасдан, теннис шарчасининг парвозини кузатиш.

3. Турли дастлабки ҳолатларда туриш, тўп ўйинчининг ўнг ёки чап томонида кўринингдагина ҳаракатни бошлиш.

4. Ўмбалоқ ошгандаи кейин тўпнинг қай томондан келишига қараб ўнг ёки чапга ташланиш ва назорат чизиққача тўпга етиб олиш.

5. Уч кишилашиб машқ бажариш. Биринчи шерик девордан 5 – 7 метр масофада деворга қараб туради. Қолган иккиси орқаларидан ошириб олдинма-кейин тўпни деворга уради. Деворга қараб тургани бурилиши ва назорат чизиққача тўпга етиб олиши ҳамда тўпни ким деворга урган бўлса, шу билан ўрин алмашиб туриши керак.

6. Икки шерик бир чизиқда бир хил дастлабки ҳолатда турадилар ҳамда ораларидан тасаввур этилувчи чизиқда тўп пайдо бўлишини кутиб турадилар. Тўп кўриниши билан улар старт олиб уни назорат чизиққача қувадилар. Тўпга ким биринчи бўлиб етиб борса, шуниси тўпни узатувчи билан ўрин алмашади.

7. Стол теннисидаги ўйин.

8. Теннисболдаги ўйин. Бунда ўйинчилар тўпни тўр устидан (теннис ўйинидаги каби) оёқ ёки қўл билан уриб ўтказиб юборадилар.

9. Баскетбол ўйини. Аммо бу ўйинда тўпни ерга урмаслик ва тўпни тутиб бир жойда турмаслик шарт.

## **Старт тезлигини такомиллаштириш учун машқлар**

1. ( $5 - 10^\circ$ ) тепаликка югуриш.
  2. ( $5 - 7^\circ$ ) тепаликка югуриш.
  3. Құм, қипиқ ва сувда югуриш.
  4. 10 – 15 метрга йўлқадан югуриш.
  5. 3 – 4 кг. келадиган белбог тақиб югуриш.
  6. Бошловчи (ёруғлик, механик йўлбошли) кетидан югуриш.
7. Қияланиб, қияликка, құм, сув, қипиқдан (2 – 3 марта) сакраш.

Бу машқларни комбинациялашган (вариантли) тарзда ўтказилганда, айниқса самара беради. Масалан, жойдан тўғри 10 – 15 метрга югуриш, тепаликка югуриш, тўғрига югуриш, тепаликдан пастга 10 – 15 метрга югуриш, тепаликка югуриш ва шу сингарилар. Тезликни ривожлантириш учун тренировканинг тақрорлаш методидан фойдаланишинг афзаллиги кўп, аммо ҳар бир уринишдан кейин орада 2 – 3 минут дам олиш керак. Тепаликка югуриб чиқишида қадамнинг ораси масофа узунлигининг ўлчаш мезони бўлади. Қадамлар орасининг камайиши билан футболчи машқни тўхтатиши мумкин. Чунки, қадамлар ораси қулай даражада сақланиб тепаликка югурилса, силтаниш кучи ошади. Шу боисдан ҳар бир футболчи учун югуриш масофаси турлича бўлади. Қиялиқдан пастга югуриш қадамнинг ораси ва узунлигини оширишга имкон беради ҳамда табиий ҳолатда юргурғандагига қараганда ҳаракатни анча енгиллаштиради. Шу таҳлитда тепаликка югуришдаги қийинроқ усулни тўғри йўлдан югуришдаги одатий усул билан навбатлаштириб турилса, тезликка разгон олиш ҳамда тезлик сифатларини ривожлантириш яхшиланади.

Тренировкани ўрмонда ҳавзалар қирғофида олиб борган маъқул. Аммо бунда қиялик  $15 - 20^\circ$  гача кўтарилемаслик кераклигини эсда сақлаш керак. Ана шундай ҳолларда тепаликка югуриш куч чидамлилигини такомиллаштиради, чунки силтаниш кескин ошади. Қиялиқдан юргурғанда эса

спортчи тезлашмайди. Балки ўзини тўхтата боради, бунда унинг бутунлай бошқа мускул групбалари ишга тушади.

### **Силтаниш тормозланиш ҳаракатини такомиллаштириш учун машқлар**

1. 10 – 15 метр масофага силтаниб югуриш; югуришнинг охирида тезликни камайтирган ҳолда иложи борича юқорига сакраш ва тўхташ.

2. 10 – 15 метр масофага силтаниб югуриш; югуришнинг охирида жойда қотиш.

3. 7x7x7 метр масофада ўнг ва чапга илон изи қилиб югуриш.

4. 7x7x7 метр масофага ўнг ва чапга қия бурчак бўйлаб югуриш.

5. 7x7x7 метр масофага мокисимон югуриш.

6. 15 метр масофага силтаниб ва баландлиги 1,5 метрдан кам бўлмаган ҳамда 2 – 2,5 метр оралатиб тик қўйилган ёғочларни айланиб ўтиш.

7. Ҳаракат йўналишини ўзгартириб, маълум тезлиқда югургаётган шерикнинг ҳаракатларини такрорлаш.

8. Тренернинг сигналига мувофиқ йўналишни кескин ўзгартирган ҳолда тўғри чизик бўйлаб югуриш.

### **Техник приёmlарни ва бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш тезлигини такомиллаштириш учун машқлар**

1. Олдинга ўмбалоқ ошиш ва тўпни дарвозага (ўнг ва чап томондан узатиш) уриш.

2. 40 – 50 см. ли тўсиқдан сакраш. Тўп чап ёки ўнгдан узатилади ва дарвозага урилади.

3. 2 метр оралатиб қўйилган тўртта устунни айланиб ўтиш, тўпни ўнг ёки чап томондан олиш ва уни деворга тепиш ҳамда қайтган тўпни дарвозага уриш.

4. Олдинга ўмбалоқ ошиш, шерикка узатиш, осиб қўйилган тўпга бош билан тегиш, шерикдан қайтган тўпни дарвозага уриш.

5. Сигнал берилиши билан ўтирган ҳолатдан тезда туриш,

түпгача югуриб бориш ва уни дарвозага уриш яна қайтиб келиб дастлабки ҳолатни эгаллаш.

6. Олдинга ўмбалоқ ошиш, олға ташланиб, йиқилаётіб түпни бөш билан уриш.

7. Түпни олдинга-баландга 8 – 10 метр масофага отиб юбориш олдинга ўмбалоқ ошиш ва түпни иккінчи марта ерга қайтиб туширмасдан уни дарвозага уриш.

8. Учлик (уч киши бўлиб)да бажариладиган машқлар. Бир киши түпни қўл билан ўртада турганининг бошига ташлаб беради, бошқаси оёғига ташлайди. Ўргада турган ўйинчи сакраб түпни шеригига узатади. Шу аснода у 5 метр масофага ташланади.

9. Марказий доирада бир группа (15 – 17 киши) бир вақтда түпни тез олиб юради. Тренернинг сигналы билан спортчилар кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракатни бошлайдилар. Бунда улар назорат чизиққа иложи борича тез етиб боришга ҳаракат қиласадилар.


Футболчиларнинг тезлик сифатларини такомиллаштираёттанда қўйидаги методик шартларни:

- машқ, катта тезликда бажарилиши;
- бажарилаётган машқни (ҳаракат) футболчилар пухта ўрганиб олиши, яъни асосий диққатни машқнинг бажарилиши услубига эмас, балки бажарилиш тезлигига қаратилиши;
- машқни бажариш вақтини шундай белгилаш керакки, яъни футболчи машқ охирида тезликни камайтиrmайдиган бўлиши, ҳар бир танаффус интервали кейинги машқни олдингисидан яхшироқ бажаришга имкон берадиган бўлиши;
- футболчиларнинг тезкорлик сифатларини оширишга қаратилган восита ва методлар "тезкорлик тўсиғи"ни вужудга келтирмаслик учун вариантлаштирилиши;
- футболчиларда тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар тематик бўлиши ва улар етарлича дам олгандан сўнг ўтказилиши зарурлигини эсда тутиш лозим.

## ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР, ЭСТАФЕТАЛАР

"Учинчиси ортиқча". 10 – 12 киши ўйнайды (95-расм).

